

1971/10

ГУЛИСТОН
10
1971





Ўзбекистон Олтин

«Олтин қазиб чиқарувчи саноатни янада ривожлантириш таъминлансин».

НҚСС XXIV сьезди Директиваларидан

Ўзбекистон «оқ олтин» хазинасигина эмас, чинакам олтинга ҳам қон экани эндиликда ҳеч кимга сир бўлмади қолди.

Юнон тарихчиси Геродот Аму билан Сирдарё оралигида яшаван массагет қабилалари тўғрисида: «Улар темир ва қумушни сира ишлатмайдилар, бироқ олтин ва мисга бойдирлар», деб ёзган эди.

Бухоро олтини жаҳон бозорига азалдан машҳур бўлган. Жуда кўп жаҳонгирларнинг кўнглига гўлгула солиб, кўзларини ўйнатиб келган. Ахир, Пётр Биринчининг Қизилқумга ҳарбий экспедиция юбориши бежиз эмас эди-да.

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний Ўрта Осиёнинг кўпчилиги жойларидан олтин қазиб олинишини ёзган. Шунга қарамай, Бухоро амрларининг хазиналарини бойитган олтинлар қаерлардан, қандай қилиб олингани ҳатто йнгирманчи аср одамлари учун ҳам жумбоқлигича қолиб келган эди. Ниҳоят, эллигинчи йилларда геологларимиз бу жумбоқни ечдилар. Қизилқум бағрида беҳисоб бойлик кўмилиб ётганини аниқладилар: бир эмас, бир неча олтин конларини топдилар. Буларнинг ичиде йириги — Мурунтов конини ғарб матбуоти «йнгирманчи аср сенсацияси», деб таърифлади. Дарҳақиқат, «Нью-Йорк геральд трибюн» газетаси: «Совет Иттифоқиде олтин қазиб олиш ва олтин запаси камайиб бормоқда», деб жар солган бир вақтда, мисли кўрилмаган хазина — Мурунтов конининг ишга туширилиши капиталистик дунё учун кўтилмаган оғир зарба бўлди.

Сал кунда жаҳонга машҳур бўлиб кетган Мурунтов конини ўз кўзим билан кўриш истагиде Навоий шаҳрига, у ердан эса Зарафшонга

қараб йўл олдим. Қонимехдан чиққанингиздан кейин қип-қизил дашт бошланади. Ўрқач-ўрқач қум тепалар кўкимтир шувок, ям-яшил исирик билан қопланган, аҳён-аҳёнде эргажай қандим, маймоқ саксовул кўриниб қолади.

Офтоб ўнг курагимни қиздириб турибди. Шунга қараганда шимол-ғарб томонга қараб кетяпмиз.

Йўқ, саҳрони бугунлай кимсасиз деб бўлмади. Уфққа қадар тасмадай тортилган тош йўл четиде асов қумни суриб, ўрмалаб юрган скреперни, қир ёнбағрини пармалаётган қумуш ранг парма ҳаво-засини учратиб қоласиз.

Автобус моторининг узлуксиз гуриллаши, дим ҳаво, бепоен чўлнинг бир хил манзараси кишини элтади.

Говур-гувурдан кўзимни очдим. Рўпарада, ёгин-сочин емириб, қуёш қовжиратган яйдоқ тоғ бағрида оқ том. У худди қаддини ростлаётган одамдек, қир ортидан аста кўтарилмоқда. Ана, бор баста билан кўринди. «Мурунтов», дейишди ҳамроҳларим. Қаршимиздеги мухташам бинолар Мурунтов олтин саралаш заводи экан. Биз у ерда тўхтамадик. Яна ўттиз километрга йўл босиб, сувсиз сойдан чиқётганимизде, фақат тушлардагина учрайдиган ажойиб манзара намоен бўлди: қуёшда куйган қизилт саҳро ўртасиде тўққиз қаватли мухташам иморатлари билан ям-яшил воҳа пайдо бўлди. Зарафшон деган шаҳар барпо этилганидан хабардор эдимиз аммо Қизилқум ичиде бу қадар улугвор, бу қадар муаззам, гўзал шаҳарни кўраман, деб ўйламаган эдим.

КОНЧИЛАР УЧУН

Меҳмонхонага жойлашган Зарафшон коммунал хўжалигининг бошлиғи В. Шляхетко билан шаҳар айлангани чиқдик.

Владимир Вячеславович — қотмадан келган, ўрта бўй, хушфеъл йнги. Қизилқумда қурувчи-инженер сифатиде иш бошлаган экан.

— Сайрни шаҳар дарвозасидан бошлаганимиз тузукдир? — деб менга қаради у.

Бир вақт тош йўл ёқасидеги бетон лавҳа қаршисидан чиқиб қолдик. Ерга қадалган байроқ шаклидаги бу лавҳага: «Партия иродаси, халқ қўли билан бу ерде Зарафшон шаҳри қад кўтариди», деб ёзилган. Лавҳа 1964 йилнинг кузиде рўпарадаги учта тўрт қаватли бинолар билан клубга пойдевор қўйилганда ўрнатилган экан.

— Сувни артезиан кудуғидан ичдик, — дейди Владимир Вячеславович. — У вақтларда ҳар бир литр сув ҳисобли эди. Аҳоли, техника кўпайиб, қурилиш кенгайган сари сув танқислиги зўра я борди. Олтин иттинчи йили Томдубулоқдан эллик километрли қувур билан сув келтиришга мажбур бўлдик. Лекин бу эҳтиёжнинг ўндан бирини ҳам қондира олмас эди. Ниҳоят, олтин иттинчи йили эни бир метру йнгирма сантиметр, узунлиги салкам уч юз километрли пўлат қувур ётқизирилиб, Амударёдан сув келтирилди. Энди ичишга ҳам, боғроғ, экин суғоришга ҳам, олтин саралаш учун ҳам, ҳамма нарсага сув етарли. — Владимир Вячеславович орқага ўгирилиб, темир йўл томонга ишора қилди. — Ҳов анави ерде комсомол кўлимиз ҳам бор!

Эни қирқ, узунлиги минг метрли кўчатзор ёқалаб, шимолга қараб юрдик. Ҳозирнинг ўзиде ўн уч минг аҳолиси бор шаҳарда иккита ўрта мактаб, тўртта болалар боғчаси. Индустрал техникум, Тошкент Давлат политехника институтининг филиали ишлаб турибди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган медицина-санитария шаҳарчаси қуриб фойдаланишга топширилган. Шарқ томонда савдо маркази, маданият уйи, кинотеатр, стадион, хоккей ва спорт зали, бассейн-спорт комплекси, янги турар жойлар қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

Зарафшонда энг имтиёзли «табақа» — болалар бўлса керак. Улар назаримда, ҳозирнинг ўзидеёқ коммунизмда яшамоқдалар. Кичкинтойлар учун қурилган боғча бинолари эртақлардаги афсонавий саройларга ўхшайди. Ранго-ранг қўғирчоқлар, анвоин кўргазма материаллар, жиҳозларнинг чиройлилигидан оғзингиз очилиб қолади. Ҳаммадан ҳам бу саройларнинг эгалари — озода кийинган болалару мураббияларга ҳавасингиз келади.

Магазинларга ҳам кирдик. «Таъминотиимиз москвача!» деб фахрланшларида гап бор экан. Дўконларда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса муҳай!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!




№ 10 (58) 1971

Октябрь

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали

1925 йилдан
чиқа бошлаган



Зарафшонга кирверишдаги пармалаш ҳавоаси узоқ-узоқлардан ҳам кўриниб туради. Унинг тоғ тошларидан қалаб тикланган пойдевориға: «Қизилқум бойлигини санюада фойдаланишга асос солган геологлар шарафига. 1967 йил, 7 ноябрь», деб ўйиб ёзилган. Қизилқум тағида яширинган беҳисоб бойлики топан ўша разведкачиларни қидириб геологлар шаҳарчаси Мурунтоғга бордим.

— Сиз уларни Тошкент, Самарқанддан қидиришингиз керак эди. Овора бўлибсиз, — деб кулди Мурунтоғ экспедициясининг бош геологи Георгий Васильевич Касавченко.

Тўғри, Қизилқумнинг қаерларида олтин бўлиши мумкинлиги тўғрисида назарий фикр айтган, қидириб топан ва бу катта ишга бошчилик қилган, уюштирган ўртоқлар Ленин мукофоти лауреатлари И. Хамробоев, Х. Тўлаганов, Ю. Мордвинцев, П. Хромишкин, Л. Палей, В. Шуригин, К. Шулятников, В. Гарьковец, Г. Горев, И. Сокол, В. Талалов каби аjoyиб геологлар, олимпиларимиздир.

Ана, узун стол орқасида Георгий Касавченко ўтирибди. Қалин сочли, ёноқ суяклари чиққан, мовий кўз йигит. Мен унинг донгини илгарти кўп эшитганман. Шунга қараб, девқомат бўлса керак, деб ўйлардим. Йўқ, ўрта буй, чувакроқ киши. Аммо сўзларида аллақандай шижоат бор... Уни бу ерда ўртоқлари: «Экспедициянинг мияси», деб аташаркан.

— Георгий Васильевич, экспедицияларингизни, энг самарали, деб мактайдилар, ибрат қилиб кўрсатадилар. Бунга қандай эришингизлар? — деб сўрадим.

Касавченко куюқ сочини силаб кўйди: — Бирлик... баҳамжхатлик туғайли. Қолаверса, экспедиция бошлиғи, бош инженер ҳамда бош геологинг бир ёқадан бош чиқариб ишлаши.

Деразадан кўриниб турган яйдоқ тоққа назарим тушди... Бу ерлар обод шаҳар эмас, қувшда қовжирган Қизилқум-да.

— Кўп бўлди ми бу ерга келганингизга? — дедим.

— Қизилқумда уйландим, фарзанд кўрдим. Умрининг ўн саккиз йили Қизилқумда ўтибди. Йўқ, ачинапти деб ўйламанг,— Георгий Васильевич бош чайқади. — Меҳнатингнинг самараси кўзингга кўриниб тургандан кейин, ўтган умрингга ачинамас экансан. Олтимиш бешинчи йили кўп йиллик тинимсиз меҳнатимизнинг натижасида Мурунтоғ олтин конининг запасини аниқлаб, Давлат комиссиясига топширдик. Уша йилнинг ўзидаёқ Иттифоқда, Боринги, жаҳонда мисли кўрилмаган сурьатда йирик қурилиш бошланиб кетди. Беш-олти йил ичида уч юз километрдан зиёд масофада темир йўл, тош йўл қурилди, обод, кўкаламзор Зарафшон шаҳри қад кўтарди. Энг замонавий техника билан усуналанган олтин саралаш заводи қуриб ишга туширилди. Навоий шаҳридан электр қуввати, Амудан эса сув келтирилди. Биз геологлар бу вақт ичида янги хом ашё манбаларини аниқлаш, карьерларни йириқлаштириш, ер ости шахталари қуриб, маъдан олиш йўлларини ўрганиб чиқдик.

— Янги беш йилликдаги режаларингиз қандай? Бу ерда геологларга иш қолмагандир?

Саволим қизик туюлди ми, Георгий Васильевич мийғида кулиб кўйди:

— Бизгина эмас, болаларимиз, ҳатто нева-чевараларимиз геолог бўлганларида ҳам иш етиб ортади! Бу беш йилликда ер остидаги чуқур горизонтни, ўнг ва сўл қанатларни ҳар томонлама ўрганиб, фойдаланишга топширамиз. Кейин... умуман, бу ерда геологлар учун юз йилга етуғлик иш бор,— Георгий Васильевич сиваретасини кулдонга эзиб ўчирди-да, столга энгашиб, кулимсирди. — Қизилқумдан кетадиган анюйи йўқ.

Дарҳақиқат, Георгий Васильевичгина эмас, бутун геология экспедицияси Мурунтоғга муқим ўрнашиш фикрида эканини Касавченко хузуридан қиқиб, бош инженер Горохов билан кўча айланганимизда пайқади м: геологлар шаҳарчасининг марказий кўчаси план асосида қайта қурилмоқда. Иморатлар ҳам узоқ даврни кўзлаб тикланган, безаклари ҳам шинам... Бутун шаҳарчани кўкаламзорлаштиришга иштиёқ, бу ерда яшовчиларнинг ҳаётига ғамхўрлик ҳар қадамда сезилиб турибди. Бош инженер Аркадий Соломонович Горохов билан ости разведка қилинаётган майдонга бордик. У ерда ўз тақдирларини геология билан болаган, кирқ олтинчи йилдан бери ер қаърини тешиб, минглаб метр шахта, штольня қурган, ўнлаб шогирдлар етиштирган шахтёр усталар Жумабой Пардаев, Владимир Мартинюк, ер остида ўша қовлашда рекорд кўйган коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Павел Прокопец билан учрашдим. Мурунтоғга биринчилар қаторида келиб пармалаш ускунасида қидирув ишларини бошлаб юборган Ленин орденли Эсон Турсунов билан танишдим. Булар ер қатламларини тадқиқ қилишда геологларнинг энг яқин ёрдамчилари. Бири ўнг қўли бўлса, иккинчиси чап қўли. Улар ҳар қадам, ҳар метрдан қовлаб олган тош-туپроқни геологлар лабораторияда текшириб кўрадилар, фойдали қазилма борми-йўқми аниқлайдилар. Бош геолог эса ҳамма маълумотларни жамлаб туриб хулоса чиқаради.

Эсон ака келтирган тош-туپроқ қоршимасини синчиқлаб кўздан кечираётган Горохов:

— Маълумотларни тўплаб саралай билишда гап кўп, — деб кўйди.— Бизнинг бош геологимиз ўзининг шу хусусияти билан алоҳида ажралди туради. Йил нечада уйғотиб, бирон пармалаш ҳавоаси эки шахтага оид маълумотни сўрасангиз ҳеч янглишмай айтиб беради. Бир пармалаш ускунасида олинган маълумотларни таҳлил қилиб, тез-да бошқасига қўлашда нихоятда энчлик. Георгий Васильевич касал-мандлигига қарамай, ғайрати ўн одамга етгудек. Зарур пайтда кунчи тунга улаб юборади. Бош геологинг ишлаб ўтирганини кўрган ҳамкасблари ётиб уқлашни ўзларига эп кўришадими! У ишга жон-маҳди билан ёпишади. Бошқаларни ҳам ўз кетидан эргаштира олади. Бизнинг Касавченко шундай одам!

— Аркадий Соломонович, Георгий Васильевич билан бирга ўсиб, бирга ўйган дўста ўхшайсиз-а?

— Йўқ,— Горохов бош чайқади.— Мен Тошкентда туғилиб, Тошкент Политехника институтини тамомлаганман. У кубанлик. Оржоникиде шаҳрида Тоғ-металлургия институтини битирган. Бирга ўқимаган бўлса ҳам бизни иш... Қизилқум дўстлаштирган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони! Георгий Васильевич бу юксак унвонни бутун Мурунтоғ геология экспедициясининг хизматига партия ва ҳукумат томонидан берилган баҳо деб билиди. Ҳа, у кун ҳаммамиз Касавченко билан бирга қувондик.

КОН

Биз диспетчер хонасидами. Бу ердан юз гектар майдондаги, балки ундан ҳам катта ҳовузсимон кон кафтдай кўринади. Ана, катта экскаваторларнинг хартувлари дам кўтарилди, дам тушади. Йигирма етти тоннали юк машиналар уларга яқинлашадими яна изига қараб ёзиллайди.

Кон бошланғич партия ташкилотининг секретари Анатолий Иванович Бодров билан паства, юк машиналар асаларилардай ғужгон уратган конга тушиб бордик.

— Мен сизга бугун донгдор машинистларимиз Елагин ёки* Бижеловни кўрсатолмайман,— деди Бодров худди уэр сўрагандай.— Ленин ордени кавалери Сердаковнинг экскаватори эса ремонтда экан...

— Келинг, анави экипаж билан танишайлик,— дедим унга ён томонда ишлаётган экскаваторга ишора қилиб. Бодров машинасини ўша томонга бурди.

Олтинчи экскаваторда машинист Алексей Дмитриевич Плотников экипажи навбатчилик қилаётган экан. Ғўлабир, кўкрақдор Алексей оғиз-бурнига тутган докани ечиб кўйиб, очик чеҳра билан сўрашди.


Ҳол-аҳвол сўраганимизда у: — Бу ерда план тўлиб турса уйда эса маош хотинга тўлиқ тегиб турса, аҳволнинг яхшилиғи шу! — деб кулди.

Плотников XXIV съезд вахтасида ғолиб чиққанлардан. Номи ёзилган соат билан мукофотланибди. У Бошқирдистонда туғилган. Урта мактабни тамомлагач, комсомол йўлнамаси билан Братск ГЭСига бориб ишлаган. Тўрт йил бетон қуйибди. Турбинани ўрнатишда ишлабди. Уша ерда экскаваторчилик хунарини эгаллабди. Олтимиш бешинчи йилдан бери Қизилқумда, олтимиш еттинчи йилдан эса Мурунтоғ олтин конида экан.

— Сибирнинг совуғини роса тоғдим. Жанубнинг иссинини ҳам кўрай дедим.

— Қалай?

— Кўнкар экансан,— дейди Алексей.— Шарт-шароит, атрофингдаги одамлар...— У рўпарасида турган ўзбек йигитга имо қилди,— Хушвақт, яқдил бўлгандан кейин унча-мунча қийинчиликларни парво қилмас экансан. Гоҳо ёз ойлари бу ерда тафот эсади. Қайноқ гармисел кўз очгани кўймайди, тупроқ, кум суворади. Шундай пайтда ён-верингга қараб: «Ана Зивьиддин, ана Юсуф чидаб юрибди-ку, «белАЗ»ни суриб! Менинг жоним ширин, уларники қаттиқми!» деб ўйларкансан. Умуман, бизда вазият ўзи шундай, биринчи бириимизга суянчиқимиз.— Плотников хаёл суриб қолди.— Анчадан бери ўйлаб, фикрини таразига солиб кўрдим,— деди у Бодровга қараб кўйиб.— Узини синишим ҳам. Энди партияга кирсам дейман.



Мурунтоғнинг бош геологи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. Касавченко ҳамкасбаларидан маслаҳатларини аямайди.

А. ВАНШТЕЯН фотоси

Бодров унинг елкасига қоқиб қўйди.
— Яхши, Алексей Дмитриевич. Тавсияни мана Юсуфдан ол, мен берман.

Шофёр йигит Юсуф Хўжаев ўзи ҳали ёш бўлишига қарамай, бу даврадагилар ичида энг «кекса»лардан. Олтмиш бешинчи йил январдан бери шу қонда ишлар экан.

— У вақтда чодирда ётардик,— дея эслайди, ўша вақтларни Юсуф.— Кечалари тиш-тишга тегмай, дийдираб чиқардик. Анави дангил-лама бинолар, олтин саралаш заводию Зарафшон шахридан ҳали номинишон йўқ эди. Директор ҳам биз билан ёнма-ён ёғоч вагончада яшарди, шу вагончада ишларди. Текшириш учун биринчи қовлаб олинган маъдани Навоий шахрига ўнқир-чўнқир ўзанлардан қийнала-қийнала ташиганмиз. Энди қаранг...

Бейхитёр қайрилиб қарадим. Каттақон сув ташувчи машина аста ўрмалаб қон ичидаги текис йўлга ёнгинамиздан сув сепиб ўтди.

Юсуф марғилонлик. Кино аппарати ўрнатилган машинасини гириллатиб гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда томошабиннинг олқишини олаб, баъзан танбехини эшитиб юрар экан. 1964 йили хотини Эътиборхон билан Мурунтов қурилишига келибди. Бу вақт ичида Эътиборхон медицина техникумини тамомлабди. Бир ўғил, бир қизлари бор экан. Юсуф бўлса, «Йигит кишига етмиш хунар ҳам ози», деган мақолга амал қилиб, экскаваторчилик касбини ҳам эгаллаётган экан.

— Умуман, бизда кўпчилик ўқийди. Плотников ҳозир Тоғ техникумининг тўртинчи курсида. Ҳов анави, — Бодров тикка жар лабида ишлаётган экскаваторни қўли билан кўрсатди, — агрегат машинисти Мешчинининг ҳам Алексей Дмитриевичнинг курсдоши. Қизилқум кўпгина йигит-қизлар учун университет ҳам бўлди.

Шу гапни мен Қасваченкодан ҳам эшитган эдим. Унинг қўл остидаги кўпгина геологлар сирдан ўқир эканлар. Масалан, геолог Фёдор Бруханский Тошкент Политехника институтининг геология факультетини яқинда сирдан тамомлабди. Геологлардан Холмурод Каримов билан Анатолий Бендик бўлса, Қизилқумда ишлаб юриб, кандидатлик диссертацияси ёзишди, муваффақиятли ёклашди.

— Зарафшонда Тошкент Политехника институтининг филиалига кўзингиз тушдими? — деди Бодров менга қараб.

Бош чайқадим.

Баланд бўйли, оқ-сарик йигит Бодров мени пармаловчилар ҳамда портлатувчилар ҳузурига бошлаб кетаётганида, эрталаб айтган гапини эслатдим:

— Илғорларни кўрсатолмадим, деб ачинмасангиз ҳам бўларкан. Илғор бўлмаганлари ҳам чакки эмас.

Шунда ҳам Бодров бўш келмади.

— «Хурмат тахтаси»да буларнинг номи бугун бўлмаса, эртага бўлади, — деди жиддий оҳангда.

Мана, ҳар беш метрда бир чуқур. Бугун ёки эртага кенглиги йигирма сантиметр, бўйи эллик метрча келадиган бу чуқурлар дори билан тўлдирилиб, портлатилади. Кейин бу ерга экскаваторлар, юк машиналари келади. Қон, шундай қилиб, ҳам тиккасига, ҳам энига кенгайиб кетаверади. Ҳозир унинг сатҳи ўнлаб гектар. Келажакда юзлаб гектарга кенгайса ажаб эмас.

Оёғим остида олтин, теварак-атрофим олтин, олтин устидан юриб бораётганимга ҳайрон эдим.

САРАЛОВЧИЛАР

Мурунтов экспедициясида Жумабой Пардаев деган уста бор. У Сталинграддан Берлингача, Отпор станциясидан Порт-Артургача бўлган йўлни жанг билан босиб ўтган. У Мурунтовни қатъ этганлар қаторида «Хурмат Белгиси» орденига сазовор бўлган, Ватанга меҳнати синган камтарин одам. Шу киши билан ҳангомалашганимда таъна оҳангида шундай дейди:


— Самарқандга борганимда эски танишлар: «Қаерда ишлайсан?», деб сўрашади. «Мурунтовда» дейман. Улар Мурунтов олтин конининг шўхратини эшитишган. «Э-ҳа, ҳамма ёғин олтин бўлиб кетгандир унда!», деб тегжазаклик қилишади. Кошки, олтин ер тагида ёмбига ўхшаб қалашиб ётса!..

Дарҳақиқат, олтин қалашиб ётмайди, унинг заҳмати ҳазиллакам эмас.

Машҳур геолог олим Иброҳим Ҳамробоевнинг ёзишича, табиатда асосан икки турдаги олтин конлари учрайди. Биринчиси — туб конлар ер қаъридаги ички кучлар жараёни, ички ходисалар ёрдамида бунёдга келади. Иккинчи хили шу туб конларнинг — тоғларнинг, ташқи кучлар, яъни иссиқ-сувүк ёғин-чочин зўри билан емирилиб, қум-шағал шаклида ётқизилишидан ҳосил бўлади. Иккинчи хил сочма конлар Ўзбекистонда кам. Бу ердаги конларда олтин кўз илғамас даражада майда заррачалардан иборат бўлиб, кварц ва бошқа тоғ жинслари билан қотимиша ҳолида учрайди. Уни саралаш олиш учун қонда қовланган олтинчи тошни талқондек тудайлар.

Мурунтовдан олдинроқ, Чодак қонига борганимда, шундай манзарани кўрган эдим: Пирмиробдаги шотольна ва Газекский қарьеридан қовлаб олинган тоғ жинслари машиналарда ташиб келтирилиб, олтин саралаш фабрикаси майдалаш агрегатининг ҳовузига тўкилади. Майдаланган тош тасмали транспортёрларда ундан ҳам майдароқ қилиб тудайган агрегатга қўйилади. Кейин тегирмонга тушади. Тегирмонда сув билан аралашиб, бўтана ҳолида тиндиргич бетон ҳовузга оқиб ўтади. Тиндирилган шлам — олтин-кумушли лойка фильтрловчи металл ҳовузчаларга ҳайдалади. Яна бир қандажараёнлардан ўтгач, олтин-кумушга бой балчиқ ажратиб олинади. Кейин электр ялигида қуритилиб, қоғоз қопларга солинади-да, олтин-кумушни алоҳида-алоҳида саралаб оладиган заводга жўнатилади.

Мурунтов яқинидаги Бесапанда жойлашган завод ҳам деврли шу усулда ишлайди. Фақат бу ерда Чодакдагига нисбатан иш ҳажми катта. Чодак олтин саралаш фабрикасида руда машиналарда келтирилса, Бесапанда заводига вагонларда, шезлонларда келтирилади. Шу билан бирга, бу ерда юртимизнинг иқтисодий қудратига қудрат қўшадиган, Ломоносов айтмоқчи, «энг биринчи тоза маъдан» — қип-қизил олтин-



Ленин мунофотининг лауреати академик И. Ҳамробоев.

Г. ГРАФКИН фотоси

нинг қўзни қамаштириб сувдай оқшини, қолипларни лим-лим тўлдириб, дам ўтмай қотишини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Чиндан ҳам, зарафшонлик олтин сараловчилар тош-туяроқдан жаҳонда энг соф 99,99 процентли олтин ажратиб олмақдалар. Бу, кўп жиҳатдан ўз касбини санъат даражасига кўтара олган олтин қуювчи усталарнинг маҳорати-га ҳам боғлиқ. Мен шулардан бири Владимир Александрович Белев билан суҳбатлашдим. У ўрта бўй, чўзинчоқ юзли, қирра бурун, оқ-сарик йигит.

— Биласизми, кўни аниқ эсимда, йўқ... Мурунтов олтинини биринчи марта 1969 йил июль ойининг охирида эритиб қўйдик, — дея жиймайдик у. — Мен Новосибирскдан келганимда, печкалар тайёр эмас эди. Катта уста Аржанцев билан энг шимариб, ишга тушиб кетдик. Касбимиз бўлмаса-да, сувқочлик қилишимизга ҳам тўғри келди. Ҳа, индуктор печларни ўтга чидамли лой билан суваб чиқдик, олтин қуйиш учун стандарт бўлмаса-да, қўлбола қолиплар ясадик. Биринчи вақтларда туну кун ишлашга тўғри келди. Чунки бўлимда фақат икки киши эдик. Печка бир ёқилгандан кейин сувоб қолмаслиги зарур.

— Олтин қуйиш сизга ота касби! — деб сўрадим.

— Тасодиф! — дея жиймайди Белев. — Отам артист, онам эса тикуччи эди. Иккови ҳам Новосибирск опера театрида ишлашарди. Ҳам ўқиб, ҳам ишладим. Илмий-текшириш институтида слесарь эдим. Тўққизинчи синфни тамомлаб, армияга кетдим. Қайтгач, яна ўша институтда ишладим. Уйландим. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Ҳар бир оиланинг ўзига яраша ташвиши бўлади. — Белев мийғида кулиб қўйди. — Дуррустроқ иш қидириб юрганимда рангли металл заводига бориб қолдим. Қуйиш бўлимида ўрин бор экан. Албатта; нотаниш касб. Иш оғир. Биринчи пайларда кўп қийналдим.

— Зарафшонга қандай келиб қолдингиз? — деб сўрадим.

— Таклиф қилишди. Мутахассислар керак экан, — ёқимли кулим-сирари Белев.

Бу сўзни мен Чодак конининг директори Муллажон Гозиевдан ҳам эшитган эдим. У Белевнинг аксига — баланд бўйли, полвон қолат

Оламнинг бу майда галваси нечун!
Бари ўтадиган, бари нокерак.
Тариқдай заминнинг устида беун
Яшаб ўтди шундоқ буюк бир юрак.

Қайдан келганди у! Билмади кимса,
Қабрга ҳам жимжит кириб кетди у.
Қуруқ говгаларнинг устидан роса
Миржиқиб қаҳқаҳа уриб кетди у.

Қалдироқ гўмбурлар юсак тоғларда,
Чилтор қилларидай таралар ёмғир.
Шамол шовуллайди қадим боғларда,
Буюк, кўҳна дунё кўпчиди оғир.
Мен унинг кўйида кездим сабодай,
Қорлардан лоларанг оловлар ёқдим.
Бир зум шаҳаншоҳлик теккан гадодай,—
Умр ўтар, дедим — дунёга боқдим.
Кучоқ оч, дилбарим, шу гул наҳорга,
Туманли тўйгулар босмасин оғир.
Илтифот қилмасак жажжи баҳорга
Нуроний куз бизни сийламас ахир.

Янги шеърлар

Номаълум одам

У на шоир эди ва на машҳур зот,
Лекин дунё билан бир эди дарди.
У ҳам бошқалардай кечириб ҳаёт,
Шошиб ниша бориб, секин қайтарди.

Англарди дунёни у ҳам хўп теран.
Маънос боқар эди бутгучи кунга.
Баъзида юраги ёнгани билан
Парво қилмас эди ҳеч қачон бунга.

У қабр устида сўзламади нутқ,
Табрик ҳам айтмади тўйларда хандон.
Ўлим бу — нишонга бориб теккан ўқ,
Тўғлиш — шиддат-ла тортилган камон.

Шон-шўхрат талашган турфа хил ғариб
Шўрлик кимсаларга кулиб боқарди.
Юрмасди ҳар қайда илинж ахтариб,
Қалбида бир дарё гуллаб оқарди.

Еировнинг у билан бўлмади иши,
У ҳам дуч келганга очмади юрак.
Насаб, икир-чикир, мол-мулк ташвиши
Уни зтолмади зарра жонсарак.

Лоқайдни дўппосла, деса эҳтимол
Унга ёпишарди ноқаснинг бари.
Унинг кўзларида ёнарди беҳол
Йироқ юлдузларнинг сирли нурлари.



Кучоқ оч, дилбарим

Келдим қошингизга чопиб, энтикиб,
Майсага бурканган тоғ этаклари.
Уч ой йўлингизда ётдим кўз тикиб,
Эй, баҳор бекачи — май чечаклари.
Гарчанд юрагимга гул рухсоридан
Хазои япроқлари энди яқинроқ.
Ҳар нечук қиш фаслини тўнд дийдоридан
Жажжи капалакнинг васли ширинроқ.

Мўмин Мирзо

Ҳазрат Навоийнинг назари тушган,
Юрагиди балки шеър қони жўшган,
Гўнаҳдеқ қалбида охи увишган,
Мўмин Мирзо ўкам, сени ўлдирдилар.

Қўлингга солмишлар тилладан занжир,
Шаҳзода йигитга ҳурмат бу, ахир,
Бу нечук қабоҳат, бу нечук тақдир,
Мўмин Мирзо ўкам, сени ўлдирдилар.

Гўрингда ўт ёнғур амирлар худбин,
Билганлар на номус, на виждон, на дин.
Майпараст бобонг ҳам букибди қаддин,
Мўмин Мирзо ўкам, сени ўлдирдилар.

Сенга салтанатнинг қандай дахли бор,
Сен-ку маъсум гўдақ, покннза, дилдор.
Олим бўлармидинг, балки санъаткор,
Мўмин Мирзо ўкам, сени ўлдирдилар.

Ўкам, ёвузларнинг топганлари шу,
Ўз ўғлини ит бўлиб қолганлари шу,
Ўз қалбини кафанлаб ёлганлари шу,
Мўмин Мирзо ўкам, сени ўлдирдилар.

Топганлари заҳар, тўққанлари қон,
Қандай замон экан, дўстлар, у замон.
Болам деб, оҳ чекар Бадиуззамон,
Мўмин Мирзо ўкам, сени ўлдирдилар.

Сен-ку йўқсан, аммо қотиллар яшар,
Ҳамон гўдакларга қилч қайрашар.
Қачон пок бўларкан булардан башар,
Мўмин Мирзо ўкам, сени ўлдирдилар.

йигит. Ўзи ҳам темирчидан чиққан геолог, ота-бобоси, авлоди билан темирчи ўтган экан.

— Йу-ўқ! — деб қўлини силтаган эди у. — Чодакдан умуман олтин чиқиси хавлларига ҳам келмаган. Тоғда нодир металлларнинг белгиларини кўриб вольфрам, молибден, кўрғошин қидиришган. Лекин тасодифан қаранг, эллик биринчи йили лоп этиб олтин-кумуш чиққан. Чодак конини топган Лунина билан Ляшкевичларнинг ўзлари шундай дейишади.

«Тасодифан» сўзини Тошкентда Иброҳим Ҳамробоевдан ҳам эшитган эдим.


— Дастлаб, эллигинчи йилларнинг бошларида Томдибулоққа борганимизда, олтин кони топишу бошқа нарсаларни умуман ўйламаганмиз, — деб ҳикоя қилиб берган эди олим. — Асосан биз Томди районидagi асбест конини илмий асосда ўрганиш учун борган эдик. У вақтда ўша жойларнинг геологик харитаси бу ёқда турсин, ҳатто топографик харитаси ҳам йўқ эди. Кичкинагина вазифа катталашиб, кенгайиб бораверди, бир мавсумга мўлжалланган режалар икки-уч йилга қўзилди. Нуротадан Томдибулоққача қўзилган тоғлардаги рудаларни ўрганиб, у жойларнинг геологик харитасини туздик. Ўша вақтда, тасодифан Қўшрабод яқинида Чормитон олтин конини топдик. Чормитон ва Қўзилкумдаги бошқа кузатувлар, тажрибалар шунини кўрсатдики, гарбий Ўзбекистонда олтин маргимуш қолчедани билан ёки кварц томирларида учраб экан...

Сочлари деярли оппоқ, қўйма гавдали — Иброҳим ака республикамизнинг пешқадам назарийотчи олими, вольфрам, молибден, олтин ва бошқа кўпгина конлар топиб, юртимиз бойлигига бойлик қўшган атоқли геолог бўлишига қарамай, ўзи тўғрисида гапиришни ёқтирмайдиган қамгап одам. У ўзганлик оддий деҳқоннинг ўғли. Жаҳонга машҳур академикимиз Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳамқишлоғи, шогирди. Эндилликда ўзи ҳам Абдуллаевдек етуқ олим.

Уни қирқинчи йиллардаёқ, университетда ўқиб юрганимда орқаворатдан танир эдим. — Эгнимда ҳали солдат шинели, у ҳам оддий коржюмада. оёғида кўпол ботинка, кирпитикан игналаридай сочлари қоп-

қора, ўзи ҳам қорамғиз, камсукум йигит эди. Аммо унинг ишларидан хабардор студентлар: «Қаран-а, кон топибди!», дея ҳайрат билан тикилишарди.

Иброҳим Ҳамробоев ўша вақтда аспирант эди. У В. И. Ленин номи-



Бу ҳоузаларда рудалар ювилади.

А. ГОРОКРИК фотоси

Беш юз йил берда эсладим бирпас,
Лекин бу беҳуда мотанинг эмас,
Қалбимки ўртади аллақандай сас,
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирдилар.



Поёнсиз оламга боқайлик сўзсиз,
На ҳасрат, на сўзиниг йўқдир кераги.
Бизнинг теграгимизда ёнаётган куз
Қайси бир ошқиниғ сўнган юраги...

ЁЛГИЗЛИК

Кўнда ой кезади бесару сомон,
Йироқ замин узра ташлаб ҳорғин из.
Мана, ўтса ҳамки неча минг замон,
Кўнда ой танқодир, кўнда ой ёлғиз.
Одамлар моҳтобга яйраб қарашар,
Ёлғизлик негадир ойга ярашар.

Кўнда қуёш кезар — у мўниси она,
Миллард зарралариниғ шәмиси талъати.
Юлдузлар бўлса ҳам гарчи парвона
Ёлғизлик бўлибди лекин қисмати.
Ҳар нечук офтобнинг йўриғи бошқа,
Ёлғизлик ярашар она қуёшга.

Боболар гоҳида ўкинчида қолиб,
Шоҳлариниғ номига нома битганлар.
Инсонлиқ шарафини хотирга олиб,
Тангрининг ёдини зикр этганлар.
Деганлар, боқиниб сирли самога:
— Ёлғизлик ярашар ёлғиз худога.

Мен на ой, на қуёш, на ер, на само,
Шуълага интизур гиёҳдай ўсдим.
Ёлғизлиқ ҳасратини тортмайлик асло,
Бор бўлсанг, ёдга ол мени ҳам, дўстим,
Ёлғизлик ҳасратини кўрсатма, тақдир,
Ёлғизлик нисонга ўлим-ку, ахир...



Чарлаш

Азиз дўстим, кел қўлингни тут,
Юрагингда ёқай аланга.
Кел, бир зумга ташвишини унут,
Кўтарайин сени баландга.
Пастда қолсин нобакор хилқат,
Пастда қолсин танбал булутлар.
Юрагингда чақнасин фақат
Еруғ хаёл, самовий ўтлар.
Юксақларда чарх уриб айлан,
Рухинг мангу турсин ёришиб.
Улганда ҳам вуқудинг билан
Кетмагайсан ерга қоршиб.

Расмларни Г. ЗНАГОВАН чизган

Кузак шомоллари эсдилар яна,
Соқин юрагимда туйғулар қўзғаб,
Келгил, паривашим, келгил жимгимна,
Келгил самолардан мезонга ўхшаб.
Оқшом туманида кезайлик хушқол,
Тўнган юлдузларга боқайлик тўйиб.
Шивалаган ёмғир, дайдиған шомол,
Майли, нзмизмин кетсинлар ювиб.
Богларда ҳазонлар шовуллар қуюқ,
Улар соғлардир, жонгинам, фақат.
Улар билмайдилар, билолмаслар, йўқ,
Нақадар буюқдир бизнинг муҳаббат.

даги Тошкент Давлат университетининг геология факультетини қирқ иккинчи йили тамомлаган.

Совет халқи немис-фашист босқинчиларига қарши ҳаёт-мамот жанги олиб бораётган энг оғир пайтлар эди. Иброҳим Ҳамробоевнинг фикри-ёди тезроқ қўлга қурол олиш эди. Фроннга интилди. Унинг ниятидан хабардор устози профессор Борис Николаевич Наследов: «Йўқ, Иброҳим, разведкачи-геолог учун жанг майдони — инсон қадами етмаган тоғ-тош, дашт-далада. Битта геолог Ватанга бутун бир дивизия, ҳатто армияча наф етказиши мумкин. Бунни ўйлаб кўр», деди. Иброҳим Ҳамробоев мамлакат куч-қудратини ошириш — кон топиш учун жўнаб кетди. Елкасида қолчиқ, қўлида метин, ўзига ўхшаган разведкачи геологлар билан Чорух-Дайрон даштларида кон қидирди. Уларнинг ойлаб-йиллаб қилган меҳнатлари бекорга кетмади. Ватанга ниҳоятда зарур вольфрам конларини аниқлашди. Кейинча Чорух-Дайронга ақин Шўралидан яна вольфрам, молибден топишди. Иброҳим Ҳамробоев Чорух-Дайрон, Шўрали конларини очиш, кўламини аниқлаш ва фойдаланишга топиришда бевосита иштирок этди. (Бу конлар ҳамон ишлаб турибди). Иброҳим Ҳамробоев 1944 йилда Помир тоғини кезиб чиқди ва ҳамроҳлари билан табиий биллур конини кашф этди.

— Ирим-чиримларга ишонмайман, лекин мен учун 7 хайрли рақам,— деб кунди Иброҳим Ҳамробоев.— 1927 йилда Ўзғанда очилган бошланғич мактабинг биринчи синфига кириб ўқий бошладим; 1937 йили Карл Маркс номлидаги Тошкент педагогика техникуминин битирдим; 1947 йилда «Чорух-Дайрон магматик формациялари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқладим; 1957 йилда эса «Ғарбий Ўзбекистондаги магматизм ва постмагматик жараёнлар» деган илмий ишим учун докторлик даражасини беришди.

Тўғрисини айтганда, кейинги ўн йилликларда 7 дан бўлак бошқа рақамлар ҳам Иброҳим Ҳамробоевга хайрли келди. Масалан, 1958 йили «Ғарбий Ўзбекистондаги магматизм ва постмагматик жараёнлар» номи билан нашр этилган монографияси учун 1960 йили республика мукофоти берилди. Кейинча Ғарбий Ўзбекистонда олтин, мис, қўроғшин, симоб ва бошқа маъданларга бой конларнинг топилиши Иброҳим

Ҳамробоев олиб борган илмий иш билан бевосита алоқадордир. У шахсан ўзи Чормитон ва Томдибуюқ олтин конларини очди, Кўкпўтос ва Мурунтос конларини гошида эса иштирок этди.

У кейинги ўн йил давомида Ғарбий Тянь-шань билан Урал тоғининг геологик тузилиши ҳамда маъдан бойлиги жиҳатидан ўхшашлиги мумамоларини ўрганиш, аниқлаш билан банд бўлди. Бу текширишларнинг натижасида «Магматик комплекслар таркибидаги маъдан бойлигининг петрологик-геохимик критерийси» монографияси майдонга келди.

Эллик икки-эллик учинчи йиллардаюқ алоҳида боблари матботда эълон қилина бошлаган «Ғарбий Ўзбекистондаги магматизм ва постмагматик жараёнлар» монографиясида Иброҳим Ҳамробоев Ғарбий Ўзбекистоннинг металлогения схемасини тузиб, қўроғшин, рух, мис каби полиметаллар, олтин ва вольфрам, молибден, қалай каби нодир металл конлари алоҳида зоналарда тизилиб ётишини кўрсатди. Шу жумладан, олтин конлари жойлашган зона шарқда Жиззах районидан бошланиб, Шимолий Нуратов орқали, Ғарбда Марказий Қизилқумдаги Томди тоғларигача давом этишини белгилди. Умуман, бу зонада яна бошқа, ҳали маълум бўлмаган олтин конлари топилиши мумкинлигини ҳам назарий башорат қилди. Натижада, Ўзбекистон Геология министрлигига қарашли Геофизика трестиниғ ходимлари Ю. Мордвинцев, П. Хромиш-кин ва бошқалар 1957 йили И. Ҳамробоевнинг олтин билан маргимушини боғлиқлиги ҳақидаги илмий фаразига асосланиб, у ўз схемасида «Нуратов олтин зонаси» деб, чизиб кўрсатган жойларда қидирув ишлари олиб бордилар. Мурунтос олтин конини кашф этдилар.

Зарафшондан қалбим тўла қувонч билан қайтдим. Мени аллақандай фахрланиш ҳисси чулғаб олган эди. Илгари кексаларимиз ўзлари туғилиб ўсган она тупроқни ардоқлаб: «Бу тупроққа таёқ тиксан ҳам кўқаради», деб таърифини келтирар эдилар. Эндликда, Қўрама—Чотқол, Нуратов—Томди тоғлари, Қизилқум чулини кезиб чиққангидан кейин, назаримда, Ўзбекистоннинг қаерини қовласанг олтин чиқадигандек туюлади.

Суннатулла АНОРБОВ



ЯГОНА ОИЛАДА

Ватанимиз халқлари келаси йил бўладиган зўр тарихий байрамга иштиёқ билан тайёрланмоқдалар. 1972 йил 31 декабрда — Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг ташкил топганига 50 йил тўлади. «Гулистон» журнали шу сондан бошлаб бу тантанали байрам шарафига СССРдаги иттифоқдош республикалар ҳақида фото очерклар эълон қилиб боради.


ТОЖИКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ



Тожикистон ССР Олий Советининг депутати М. Шарипов ва унинг бригадаси аъзолари М. Сайфуллин ва А. Сандов ўртоқларни Норақда энг моҳир бетончилар сифатида танийдилар.



Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби С. Нуриддинов асарлари халқ қалбининг ифодасидир.



Тожикистоннинг сув ва нур ҳақидаги асрий орузи рўёбга чиқмоқда. Пулисангин қишлоғи яқинида қудратли Вахш дарёси ийовланиб, бу ерда Норақ ГЭСининг агрегатлари монтаж қилинмоқда.



Бу Душанбадаги В. И. Ленин номли марказий кўча.



РЕСПУБЛИКА БУГУН

Тоҷикистон бошқа барча республикалар билан биргаликда ўтган беш йилликда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида олға қараб дадил қадам ташлади, умумдавллат аҳамиятига эга бўлган вазифаларни бажаришга ўз ҳиссасини қўшди.

Шу йиллар мобайнида халқ хўжалигимизнинг ҳамма соҳалари мутаносиб ривожланди. Республикаимизнинг иқтисодий потенциали тез суръатлар билан юксалди. Халқ хўжалигига аввалги беш йилликдагига нисбатан бир ярим

баробар ортди, яъни 3 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Йирик капитал маблағлар сарфлаш туфайли республиканинг қиёфаси бутунлай ўзгарди кетди. Индустрияни янада ривожлантириш борасида улкан қадам қўйилди. Кўпгина янги корхоналар бунёд этилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми бир ярим баробар ўсди. Бу вақт ичида давлат маблағлари ҳисобига 54 минг гектардан ортқ сўғориладиган ерлар ўзлаштирилди, янги районолар, ишчи посёлкалари, совхозлар юзага келди, шаҳар ҳамда қишлоқлар қад кўтарди ва ободонлаштирилди.

Йирик моддий омиллар, кадрларнинг камол топиши, шунингдек, қишлоқ хўжалигига раҳбарликнинг такомиллаштирилиши қолхоз ва совхозлар иқтисодини анча мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса, пахта етиштириш ва тайёрлашни ошириш имконини берди. Беш йилликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ялли ҳажми ўтган беш йилликдагига нисбатан йил сайин 23 процентдан ошди, беш йилликда пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги эса 27,1 центнерни ташкил этди.

Шу йиллар мобайнида партия ташкилотимиз ўсди, гоъий ва ташкилий жиҳатдан мустақ-

камланди, шу билан бирга кишиларимиз ҳам маънавий жиҳатдан ўсдилар, катта тажриба ва билим тўпладилар, уларнинг коммунистик онглилиги ошди. Бир вақтлар ҳўкм сурган саводсизлик унутилиб кетган республикамизда ҳозир 120 мингга яқин мутахассис ишламоқда, ҳар уч меҳнатқашдан бири олий ва ўрта маълумотга эгадир. Фан ва маданият янада тараққий этди. Меҳнатқашларнинг фаровонлиги ошди.

...Тоҷикистон ишчилар синфи, қолхозчи деҳқонлари, халқ интеллигенцияси ленинча партиянинг гоъяларини дилига жо қилиб, коммунизм қурилиши каби улғу ишнинг тантанасига чексиз ишонч билан Совет Иттифоқидаги барча халқлар ила қардошларча ҳамкорликда янги улкан ишларни бажаришга астойдил киришадилар, партиямиз Марказий Комитети, унинг Сибсий бюроси раҳбарлигида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг тарихий қарорларини оғишмай тўла-тўқис амалга ошириш учун завқ-шавқ ва сабот билан курашадилар.

(КПСС XXIV съездида сўзлаган нутқидан).



Қайроқдум гилам комбинатининг коллектив мамлакатимиз аҳолисига ҳар йили уч миллион квадрат метр гилам тўқиб беради.



Ҳисор қўйларининг шўҳрати жаҳонга машҳур.

Тараннум қил, юрак, шавқинг ошиб гул Тоҷикистонни,
Пахтакор дўст бугун қучган зафарни, шўҳрату шонни.
Бажо айлаб Ватан олдида сен чин аҳду паймонни,
Ҳалол меҳнат билан донғи ёйилган марди майдонни.
Қувончимни қилай изҳор: яша, мард Тоҷикистон, деб
Гўзал ўлка, кўтардинг ҳосилингдан катта хирмон, деб,
Улғу меҳнат билан бошинг баланд, сен кучда арслон, деб,
Садоқат, ғайратинг элга бўлибди катта дoston, деб,
Диёрим, қуйлайин қувноқ элингни, қуч-мадорингни,
Шу меҳнат аҳли яшнатган аjoyиб пахтазорингни.
Гўзал Вахшу Ленинобод ва Дарвозу Ҳисорингни,
Бутун дунёга тарқалган шу обрў-эътиборингни.
Қувончимни қилай изҳор: яша, мард Тоҷикистон, деб,
Гўзал ўлка, кўтардинг ҳосилингдан катта хирмон, деб,
Бериб ваъда, вафо қилди, сўзида турди полвон, деб,
Яна қувнар, яна яшиар Вағанда бахтли инсон, деб!

Боқи РАҲИМЗОДА
Рудакий мукофотининг лауреати



Санъат халқ ҳаётининг кўрки.



Суратларни Тоҷикистон Телеграф агентлиги тайёрлаган.

Тошкентнинг Чилонзорда тожин биродарларимиз қуриб берган чинакам иморатлар халқларимиз бузилмас дўстлигининг обидасидир.



азан бир пиёла чой устидағу сұхбатни үмр бүйи унутмайсан. Чўл марказидағи «Правда» совхозида юзлари офтобда қорайган, баланд бүйли бир киши билан танишиў қолдим. У чўлқувар қахрамонларнинг ажайиб авлодини әдимга солди.

Тақдири Мирзачўл тақдири билан туташган одамлар орасида кўл мәрд кишилари учратганман. Уларнинг кўплари ҳаётда ўзларига ўзлари сўқмоқ очган, ўз тақдирларини ўзлари яраткан одамлар. Улар орасида ўн-ўн беш йиллик райком секретарлари, райинжирком раислари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, тажрибали раислар бор: Зокир Санақулов, Эргаш Холматов, Қанибек Укубоев, Саттор Усмонов, Худойр Латипов, Эгамберди Ботиров...

Бугун Мирзачўлнинг ҳар бир хўжалиғида бир пайтлар катта-катта районларни бошқарган кишилар раҳбарлик қилмоқдалар. Уз вақтида ташкилотчи кадрлар, элини ўзига эргаштира оладиган раҳбарлар чўлга йўлланма олган эдилар. Уларнинг ҳар бирини Мирзачўлга бошлаб келган ўз йўллари бор.

— Раислиқни ташлаб чўлга жиһанган экансиз-да!— деб сўрадим янги танишимдан.

Орага сукот чўкди. Мен ҳамсўхбатимнинг нозик ҳисларига беҳос тегиб кетгандек ўзимни нокулай сездим. Бир оздан кейин у бошини кўтарди. Бир пиёла чой устида тинглаган бу ҳикояни сиз билан баҳам кўргим келди.

...Улуғ жангдан кейин Молғузор бағрида биринчи баҳор уйғонди. Она бу кунларни олти йил кутди. Ниҳоят унинг ҳам тўнғичи жанг-гу жадалдан қайтди.

— Неъматим, шамчирғоғим, — деди она сўнги бор қаддини ростларкан, кўз ёшларини тия олмай, — сени кўрар куним ҳам бор экан! Агар бу тушим бўлмаса, армоним йўқ, болам. Сенга айтар сўзим бор, бу — ҳам насиҳатим, ҳам васиятим. Одам одам билан тирик кўзичоғим. Пешананга нималар битилганини билмайман. Аммо, йигитнинг бахти йўлда, деганлар. Зинҳор бировнинг бахтига кўзинг қизмасин, болам, ҳар кимнинг бахти ўзига.

Ҳали қишлоқнинг олди-кети аскардан қайтган ўғлонни келиб кўргани улгурмай туриб, она «оллонинг омонати»ни топширди. Бу айрилиқ Неъматни гангитиб қўйди. Уйда унинг қўлига қараган тўрт сағир укаси қолди. Биттаю битта тоғаси эса... Неъмат уни армиядан келганда бир кўрдию онасини кўлганда бир кўрди. Ушанда тоғаси уни чекага тортиб: «Ношудлигинг қолмабди-да, жиян! Германдай тўлиб-тошган юртдан куруқ қайтавердингми! Қишлоқда ҳаммасини тайёрлаб туришибди деган бўлсанг керак-да!», деган эди.

Уруш тугади, лекин жанг давом этарди! Жанг — фронти неча киш, неча ёз едирган, кийинтирган захматкаш қишлоқларда давом этарди!.. Йигирма тўрт яшар йигитни ҳамқишида унинг юрағида жууда улуғ мақсадлар ётарди.

Тоғаси шодлиғини яширолмади қолди. Кеча аскарликдан қайтган жияни элга бош бўлса ким севинмайди!

Бир кунин у Бозордан қайтаётиб Неъматларнинг эшиги олдида эшакдан тушди. Хуржунини елкага ташлаб ичкарига кирди. Марҳума опасини эслаб кўзига ёш олиб турган эди, кичик жиянлари — Норбой, Сафар чикиб қолдиши. «Тоғамиз!» — личирлаб тисариллашарди болалар.

Тоға ҳам бир тисарилдию, ўзини ўнглаб олди: — Қани, Сафаржон, жиян, нега турибсан! Чоп! — Қулочини ағиз болалар томон юрди тоға. — Қани чоп, ачом қил!

Кўпдан бери ширин сўзга зор болалар севиниб кетишди. Тоға уларни бирма-бир бағрига босиб ўлар, эркалар эди.

— Уб-ба, азаматлар-эй, йигит бўлиб қолишибдию тоғани кўргани боришмайди ҳам. Ох-оҳ!.. Мана, сенга қанд, мана, сенга парварда. Қани, бир карсиллашиб чайна-чи! Ох-оҳ... Акаларинг қайда? Ишдами, ҳа, яхши-яхши. Нега бизникига бормайсанлар? Янган сенларга совға-салом қилиб қўйибди, янаги сафар олиб келаман. Неъматга, тоғам сизни кўп соғинибди, деб қўйларинг, хўпми?

Тоға ҳар бозордан қайтганда жиянларини «соғиниб» қоладиган бўлди. Тез-тез совға-са-

ломлар билан йўқлаб келадиган одат чиқарди. Уларга улашадиган қанд-қурдан ҳам ширин сўзин кўп эди. Баъзида тоға кечика болалар эшик пойлашар, унинг эшаги узоқдан кўринди дегунча бири-биринан ўзиб чопишар эди.

Бир кунин тоға бозордан қайтса, Неъмат уйда экан. У шими, гимнастёркасини ювиб, онаси яхши кунга атаган лас тўнға ўрналиб укалари билан ҳовли супурмоқда эди.

— Хайрият, сен ҳам уйда бўларкансан, — деди тоға ўпкалаб, — онангдан ёдгор ёмон тоғангдан хабар ҳам олмайсан. Е раисларга қариндош-уруғ керакмасми, жиян! Эт билан тирноқмаси, бизни ҳеч ким айиролмайди.

Бу сўзлар йигитнинг аллақерига жиз этиб теғди.

— Кечиринг, тоға, иш кўп, эрта кетиб кеч қайтаман...

Тоға хўрсинди: — Жиян, бизлар ҳам ғанимат. «Ҳорманг, тоға», деб қўйсанг, шунинг ўзи кифоя. Мана кир-чир бор экан, дарров жўнатмайсанми, ё Хосият келиб билпасда ювиб бермайдимми, дўст-душманнинг олдида ҳам яхши.

Шу-шу Хосият тез-тез келиб турди. Бир меҳрибон аёл зотининг қадри ўтган бу оилага тез ўрганиб қолди. У кун ора келар, рўмолчадан дастурхонгача ювиб қўяр, уйдан-ўчоқча супуриб-сидирар эди. Икки кун келмаса, ўрни билиниб, ҳамма соғиниб қоларди.

Тоға бир кунин юмошқ супурги бўлиб раис-ниқига борди:

— Жияним эдинг, фарзандим бўлдинг... — деди гапни узоқдан айлантириб, — танаси бошқа дард билмас, дейдилар, жиян, қоқилиб қолди.

— Ишламоқчиман, денг?.. Далага чиқсангиз бир иш топилар...—Раис давом этди: — Майлингиз қалай ўзи?

— Майлимиз... Нима ҳам бўларди, оғмор-помбор бўлса ҳам эллаб кетарми...

— Савонингиз етар-а? — соддадиллик билан сўради раис.

— Эскича-янгича аралаш... Езиш-чишида унча бўлмаса ҳам ҳисоб-китобда камчилиғимиз йўқ.

— Мен правленедағи ўртоқларга маслаҳат солиб кўрай, ҳозирча далага чиқиб турин. Лекин бир нарсани айтиб қўяй, тоға, ҳозирги оғморлар урушдан олдинги оғморларга ўхшамайди. Ҳамманинг ризқи рўзи оғморга қараган, ўзингиздан қолар гап йўқ.

Тоға улугворлик билан жавоб қайтарди:

— Айбимиз, жиян, фирқа эмасмиз, лекин ҳар ким ўзини ўзи сезади-да, виждонимиз пок-киза.

Бирон йилча тоға ҳалол ишлаб юрган бўлди. «Кимсан раиснинг тоғаси» бўлиб олғач, ҳар замон-ҳар замон гоҳ тарозида, гоҳ ҳисоб-китобда, гоҳо кексалик оғрасида «адашади-

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ БАХТИ БОР

Орадан кунлар ўтди. Кўкламнинг чарақлаган кунлари бошланиб, қирга кўш чикди. Элнинг руҳи тетиклашди. Лекин тоғанинг кўнглига ғулғула тушди: жиянининг ишлари олға босадиган кўринади. Уни қўлга олиши керак.

Хосият одатдагидек Неъматларникидан қайтганда онаси уни кўзлари жиққа ёш билан қаршилади.

— Хосият, — деди у ўзини тутолмай, — нима фалокат босди сени? Отанга кўринма, ўроқ кўтариб излаб юрибди. Қандай номусларга қолдик, вой худо!..

— Нима гап, онажон! Нима гап ўзи? — сўради ҳеч нимадан беҳабар қиз. — Нима бўлди?

— Нималигини ўзинг гапир, ер ютгур. Оёғинг олти, қўлинг этти бўлиб қолди, девдим-а! Қиз сақлагунча туз сақласам бўлмасмиди, тунсинги ел егур!..

Айвондан дарғазаб отанинг овози келди: — Қизингга айт! Жонидан умиди бўлса ўша ёқда қорасини ўчирсин. Бизнинг авлоддан ҳали бунчақаси чиқмаган! Чикмайди ҳам!..

Тоға орау қилган кунлар яқинлашиб қолди. Неъмат билан Хосиятнинг тўйи баҳолди-қудрат ўтди. Отанинг тўй тарқатган миш-мишларнинг умри тугаб, зшитган қулоқда ҳам чала қолди.

Орадан бир йил ўтди. Кўп гаплар унутилди. Хосият қиз тугади. Унга Меҳрибону деб ном қўйдилар. Тоғанинг бир оёғи уларникида бўлиб қолди.

«...Хўш, биз юраверамизми моғор босиб? — ўздан ўзи сўраб қолди тоға. — Кечаги тиренчаларнинг ҳаммаси амалга миниб, биз қолиб кетаверамизми? Колхознинг битта чўбири отига ҳам тенг бўлмадикми? Хўш, қизимиз яхши... ўзимиз ёмонми?...»


ган» одат чиқариб қолди. Иккинчи йилнинг бетини кўрмай тоғанинг телпаги учиб кетди. Унинг ҳар хил адашувлари» жонига теккан раиснинг ўзи тафтиш қақиртирди. Каттагина камомат қилиб, иши судга тушадиган бўлганда ҳам раис: «Жазосини тортсин!», деганча оёқ тираб туриб олди. Тоғанинг бахтига умумий мажлис, бола-чақасига раҳм қилиб: «Камомат ундириб олинсин, лекин камалмасин», деб қарор қилиб юборди.

Тарих қирқинчи йиллар билан хайрлашди. Молтоп, Қамбаршарф, Тўқчара, Нонисангил, Учқиз, Қорасийроқ қишлоқларини бирлаштирган Крупецка номили колхоз оёққа турди. Эллигинчи йилларда колхоз доврғу район донрасини ҳатлаб Самарқанд областига ёйилди. Хўжаликда миришкор деҳқонлар, дондор чорвадорлар етишиб қикди. Гектаридан 40 центнердан пахта олган Мусабой Ҳасанов, лалми ерлардан 14—15 центнердан галла кўтарган Донабой Қосимовларнинг кўксини кўша-кўша орден-медаллар бегади. Колхоз чорвачилиғи ҳам тез ривожланиб, ҳамма соҳада давлат планлари ортиги билан бажариладиган бўлди. Қишлоқ чавандозлари катта пойғаларда соврун олаб қайтишди.

Булар ҳаммаси, шубҳасиз, ташкилотчилик, омилкор раҳбарликнинг самараси эди. Телпаги учган тоға ва онда-сонда учрағувчи «тоғаларнинг бунга гаши келар, қувонч ва тانتаларин уларга татимас эди.

Қуйдан тортиб марказгача сирли хатлар жўнади. Текшир-текшир бошланди. Қишлоқ экономикаси юксалган, кирим-чиқим, ҳисоб-китоблар жойида. «Бўлмади. Бошқачароқ ёзиш керак, факт керак!», «Бошқача» хатлар ҳам бетўхтов йўргалаб қолди.

(Охири 17-бетда)



Тошент марказид яд кутараётган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси.

В. ТАРАН фотоси

4.400.000 ТОННА ХИРМОНИГА БАРАКА!



Биз ўзбек актёрлик мантабининг жанр-усулб соҳасидаги қидиришларига назар ташласак, бу мантабининг совет театр санъатини эстетик бойитиш жиҳатидан қанчалик хисса қўшганини тасаввур этамиз. Бу бораданинг нақадар муҳимлигини Коммунистлар партияси коммунистик реализм асосида барпо этиладиган шакллар ва услуб ёйлигининг қўллаб-қувватлаётганида кўрсак бўлади.

Ўзбек актёрлик мантабининг шакл ва услуб ёйлиги хусусида гапирганда шуни қайд этиш керакки, ўзбек драматургиясининг қаҳрамонлик-романтик драма, сатирик ва маиший комедия, классик асарларни тарихий-афсонавий пьесалар қабиллида саҳналаштириш борасидаги қидиришлари, шу жанрлардаги асарлар таъъини билан драматик санъатнинг мазкур соҳасида, шу жумладан, трагик ва номик роллар яратишда актёрларимизнинг хатти-ҳаракатлари самарали натижалар берди.

Ўзбек актёрларининг имодиди индивидуал услуб ва ўзига хос манераларнинг бойлиги билан бирга, шаклланиб мунтазамлашган, шу билан бирга ўзгариб турадиган «усулб муштараклиги» кўзга ташланади. Бу ўринда социалистик реализм асосида тараққий этаётган услуб оқимларидан энг кенг тарқалгани романтик оқимдир.

Атоқли адабиётшунос Г. Ломидзе қайд этадини, шарқнинг кўпгина адабиётларида романтизм маълум тарихий-адабий йўналишига бўлиб қолмай, миллий услуб анъанасини ҳам ташкил этган. Бу анъана романтик тенденцияларнинг барпо бўлиши учун қўлай шароит тугилган вақтлардагина юзага чиқиб қолмай, адабий тараққиётга ҳамisha ҳамроҳ бўлиб келган. Романтик анъана билан миллий услубнинг ҳамбарчаслиги романтизмга алоҳида бир гоъвий ва эстетик мазмун бахш этади. Романтик бўёқларда, романтик шаклда реал ҳаёт барқуриб туради, Бемалол айтиш мумкинки, Шарқ театрлари, жумладан, ўзбек театр санъати романтик услубга мойилдир.

Агар ўзбек актёрлик мантабининг шаклланиш даври бўлган йигирманчи-ўттизичи йилларда «қаҳрамонлик-романтик штамп» хавфи тугилган бўлса, саҳна санъатининг тараққий этиши, унда социалистик реализм методининг қарор топа борishi билан баланд-парвоз романтикнинг сунъий услубидан воз кечила бошланди. Ўзбек актёрлик санъатида характерларни психологик жиҳатдан тобора чуқурроқ, ҳақиқийроқ тараққий эттириш, инсон ички дунёсини бор мураккаблиги билан очиб бериш етакчи бир анъанага айлангани сари, халқ ҳаётини ҳақиқий акс эттиришдек реал заминда юзага келган қаҳрамонлик-романтик йўналиш янги ифода насб этади. Романтизм аналитик пафос билан сугорилиб, унинг имкониятлари ошди.

Улуғ Октябрь революциясининг 40 йиллигига бағишланган 1957 йили Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ театр фестивалида, мазкур кўриқдаги кўпгина спектаклларида хос бўлган қаҳрамонлик-романтик йўналиш, аиниқса, Закавказье ва Урта Осиё театрларининг пос-

Давоми. Боши журналнинг 8-сонинда.

Театр

Я. ФЕЛЬДМАН,

А. Островский номидаги Тошкент Театр-рассомлик институти театр-шунослик кафедрасининг мудири, доцент

Ҳисса

Ўзбек драматик актёрлари
ва умумсовет саҳна санъати ҳақида мулоҳазалар

тановкаларида ёрқин акс этганлиги қайд қилинган эди. Халқларнинг ўтмишида озодлик учун олиб борган курашлари ва бугунги илҳомбахш ижодий меҳнатлари бу театрларнинг постановкаларида қаҳрамонлик-романтик бўёқларда тасвир этилган эди. Синчков театршунослар бу бўёқларнинг метод ва услубдаги йўналиш жиҳатидан муштарак бўлсада, турли халқлар театрларининг спектаклларида хилма-хил эканлигини айтган эдилар. Театршунос О. Олидор, бу тафовутлар драматургиянинг хусусиятлари постановканинг индивидуаллиги, инроқларнинг ижодига мансуб бўлган ҳислатлар тўғрисида келиб чиққан, деган эди.

Г. Бояжиев ва А. Образцова ҳам шундай фикрни инҳор қилган эдилар: «Гарчанд қаҳрамонлик, романтика, серваж кўтаринчилиги Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Ўзбекистон театрларининг кўпгина спектаклларида хос бўлсада, аммо Руставели номидаги театр, Ҳамза номидаги театр, Сундунян номидаги театр ёки Азизовнинг номидаги каби йирик театрларнинг ижодий ифодалари сира ҳам бир-бирларига ўхшамайдилар... Ҳамза номидаги театрнинг спектаклларидаги романтика, темперамент, эҳтирос коллективнинг ўз миллий анъаналарига амал қилиши билан боғлиқ бўлган хусусиятларга эгадир.



СССР халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова Муқимий номидаги музыкали драма комедия театрининг «Икки билағузи» спектаклида Каромат ролда.

Ҳозирги замон ўзбек актёрларининг ижодий фаолиятига ялли назар ташлар эканмиз, уларга хос бўлган зўр кўшунлиги, чуқур эҳтирос ва қудратли темпераментни кўраемиз. Бу хусусиятларнинг айрим бадий усуллари ёки актёрнинг шахсий фазилиги эмас, ядрок этиш, акс эттириш, барқарор қилинаётган идеалларни ифода-лаш, ҳуллас, бир актёр ёки бутун бир группа актёрлар ижро қилган турли ролларда зухур этган гоъна гоъвий-бадий хусусиятларнинг тажассуми эканлигига амин бўламиз.

Ўзбек халқининг бадий маданиятида чуқур тарихий илҳоз отган, давримизда нег қанот ёйган, замонавий санъатимиз вазифаларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган услуб-шакллар тўғрисида гапирганда лирика, лиризм ва лириклик ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш керак бўлади.

Лиризм ўзбек санъатининг қадим-қадимдан узлуксиз давом этиб келаётган анъаналаридан биридир. Ўзбек эпосида лирика қаҳрамонлик руҳи билан ҳамбарчаслигини, классик адабиётда лирик поэзия зўр кучга эга эканлиги, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги маърифатпарвар шонрлар ижодига лирика билан сатира уйғун эканлигини яхши билаемиз. Лирик руҳ, ўзбек музика, рақослик, нақшошлик санъатларида ҳам хосдир. Лиризм халқ эстетик тафаккурининг туб хусусиятини ташкил этган негизлардан бири сифатида ўзбек совет санъати асарларида гоъвий тараққий эттирилди, бадий бойитилди. Шуни ҳам илова этиш керакки, бу асарларда лиризм эпика ва романтиклик билан уйғунлашиб кетган.

Ўзбек маданиятининг бу қудратли оқимида лирик актёрлар, лирик бўёқ, лирик мазмун ва лирик талқин хос бўлган саҳна образлари ҳам мансубдир. Бу услуб оқими кўзни қамаштирувчи ёрқин бўёқлар, яққол, контраст лириклар билан эмас, нафис, латиф ранглар, ички уйноқлиги ва милоҳат билан диққатингизни тортади. Бу йўналишдаги актёрларнинг поэтик индивидуаллиги гоъта завқли, самимий туйғуси, назонати билан кўзга ташланади. Улар ижро этган кўпгина ролларда ўз шахсий фазилилари тасвирлаган қаҳрамонларнинг характери билан чатишиб кетганини кўраемиз. Лириклик эса совет актёрлик санъатининг асосий хусусиятларидан биридир. Антёр билан қаҳрамон ички дунёсининг ягоналик образ билан ижодкор тафаккур ва туйғусининг муштараклигидандир. Мана шу уйғунлик чинакам поэтиклик, зўр лирик куч манбаидир.

Ўзбек актёрлик санъатининг услуб тенденциялари устида гап борганда шуни айтиш керакки, ҳар бир йирик санъатдор хатто бир услуб оқими доирасида ҳам беқийсдир. Уларнинг ҳар бири «ўз» романтикаси ва лирикасига эгадир.


Социалистик реализм санъати учун характерли бўлган романтик ва лирик хусусиятлар миллий бадий анъана тўғрисида ўзбек совет санъатида ҳам кенг ривож топмоқда. Бу услуб оқимларининг барқарорлиги шундаки, улар ҳамма халқлар учун таниш бўлган озодлик, иқтимоий адолат учун кураш гоъллари, янги дунёнинг ҳаётбахш оптимизми ҳамда гуманистик пафосини миллий шаклларда ёрқин ифода этиш имконини беради. Ўзбек актёрларининг совет саҳна санъатига бу борада қўшган ҳис-

саси ҳам ҳаётимиз номмунистин асосларини эстетик ўзлаштиришга хизмат қилади. Миллий услуб тенденциялари совет бадий маданиятининг интернационал тажрибаси билан бойиб борса, бу эстетик ўзлаштириш яна ҳам самаралироқ бўлади. Бу тажриба бой ва хилма-хил бўлганлиги учун, бир халқнинг театрига мансуб бўлган қайси ютуқлар, нашфлар, шакллар ҳамда жанрларни бошқа бир халқнинг театри ўрнак сифатида қабул қилиши кераклиги ҳақидаги масала муҳим аҳамият касб этади. Аммо биз бугун миллий санъатимизнинг анъанавийи ёни ўрнак сифатида ўзлаштирилганми, қандай бўлмасин, унинг услублари, шакллари ва бўёқлари ҳақида гапирар эканмиз, ўзбек антёрлик мактабининг умумсовет санъатида қўшган ҳиссасидан далолат бериб турган намоёлиги шу билан ифодалангани, ундаги йирин намоёндаларнинг ижодига мансуб ўзига хослик замонавийлик самараси ҳамда ўзбек саҳнаси санъаткорларининг барча социалистик жамият тараққиёти истиқболи билан узвий боғлиқ бўлганликлари туфайлидир. Шунинг учун ҳам ўзбек антёрлик мактаби социалистик реализм санъатиндаги ҳар бир бадий ижод турининг тараққиёт савиясини белгилайдиган талабларига ўзининг энг яхши ютуқлари билан жавоб беради. Гап замонавий илғор санъатнинг мазмуни ҳамда шаклига сингган ягоналик, бир-бирларини ўзаро кучайтирадиган, мустаҳкамлайдиган интернационаллик ва миллийлик, ни диалектик ягоналик принциплари ҳақида боради. Интернационаллик — антёр анс эттирадиган ҳаётий материалнинг, шу жумладан миллий турмушнинг қандай бўлмасин томонларини ёрқин ифодалайдиган материалнинг мазмунини, гоъий эстетик моҳиятини, йўналишини белгилаб беради. Ўзбек антёрлари мумкинсамлантирган энг таъсирчан саҳна образларининг нафосати шундан, характерлар моноти, конкрет, улар руҳдан чуқур ва пухта талқин этилган, қолаверса, уларда этнографиян белгилаб сезилиб турмайди, улардан музей ҳиди келиб турмайди. Бу образлардаги миллий ўзига хослик билан умуминсоний муштараклик чамбарчас боғланиб кетган. Бундай антёрлик санъати шуни тасдиқлайдики, доғистонлик машхур шоир Расул Ҳамзаовнинг таъбири билан айтсан, интернационаллик ва миллийлик — табиий юзага келадиган уйғунлик, сознинг қўш тори, бургутнинг қўш қаноти, буларси эса на қўшиқни, на парвозни тасаввур этиб бўлади.

Бутун антёрлик мактаби ҳиссасининг моҳиятини белгилаганда энг йирин муваффақиятларини худди ана шу позициялардан туриб анализ қилиш керак бўлади.

4

Ўзбек антёрлик санъати раванқининг тажрибасига суяниб айта оламизки, замонавий антёрлик мактаби қайси жиҳатдан олиб қаралмасин, унинг Европа реализмининг юксак тараққий этган шакллари, даставвал эса рус театрининг ютуқларини ўзлаштираётгани яққол кўзга ташланади. Бу воситалар воқелини ҳар томонлама анс эттириш, инсон ички дунёсини, бу орқали эса ўз халқининг барча фахлатларига хос бўлган маънавий жиҳатларини очиб бериш им-



СССР халқ артисти Наби Рақимов Ҳамза номдаги ўзбек давлат академик драма театрининг «Мирзо Улугбек» спектаклида Бобо Қайғий ролада.

Расмларни Р. ЛЕВИЦКИЙ чизган

ониётини тугдиради. Улар асар жанри, ва автор услубини белгилашда серифода, сербўёқ ифодалар қидиришга даъват этади. Улар антёрни маҳоратини эгаллашга, ташқи ифода воситаларини таномиллаштиришга рағбатлантиради, бу нарсалар эса образнинг замирини аниқ, нозин ва моҳирона гавдалантиришга йўл очиб беради.

Ўзбек антёрлик мактабининг воғга етишида рус театрининг унга нималар берганлиги ва нималар бераётганлиги белгилашда рус авторлари пьесаларининг саҳнага кўйиши ва К. Станиславский ҳамда В. Немирович-Данченконинг номлари билангина чекланиб бўлмайди. Шунингдек Е. Вахтангов В. С. Мейерхольднинг режиссёрлик педагогик принциплари, замонавий театр соҳасидаги тараққийларвар изланишларга, кўзга кўринган антёрнинг тажриба ва ютуқларига ҳам мурожаат қилиш керак бўлади. Зотан, бу ўринда, рус ва маҳон реалистик театрининг юксак ютуғи бўлган Станиславский таълимоти масаласи диққат марказида туради.

Замонавийликка, инсоннинг маънавий ҳаётига чуқур эътибор, инсон хатти-ҳаракатини мантинқини пухта, изчил анализ қилиш, умуман, К. Станиславский нашф этган қонулардан нелиб қиқадиган нўпгина нарсалар, унинг «Кечин. ма мактаби», рус драматургиясига хос бўлган характерларнинг руҳий батафсиллиги, оддий инсоннинг ички дунёсига нисбатан ўткир қизиқини, вазиимлик, ташқи тумтароқидан воз кечиш — манда буларнинг ҳаммаси ўзбек антёрлик мактабининг бадий тажрибасини гоъта бойитиб, унинг замонавий саҳна санъати мактаби сифатида воғга етишида ёрдам беради.

Шуни ҳам айтиш кераки, узвий ижод қонулари антёрнинг ўзига хос жиҳатларини, унинг ҳатто зоҳир бўлмаган, миллий

бадий мерос билан халқнинг ўтмишда тўплаган ва совет даврида қўлга киритган барча маънавий мероси билан боғлиқ бўлган салохиятини юзага чиқаришга ёрдам беради.

К. Станиславский системаси ўзбек антёрлик коллективини ташкил этган турт авлодга мансуб санъаткорларнинг ягона ўзбек антёрлик мактабига уюштиришда мустаҳкам жишлаштирувчи пухта бир омил бўлиб хизмат қилди. Бу система ҳар бир театрдаги турли малака ва маданий савилдаги кишиларнинг ягона ансамбль бўлиб уюштирилишида дурустгина самаралар берди.

Ана шу жараён мунтазам давом этмоғи керак. Профессионал коллективларни бадий ҳаваскорлик санъатининг ванилари ва ўқув юртларини битириб чиқувчилар ҳисобига тўлатиб туриш бу системанин мунтазамлик кучини оширади.

Станиславский системасини ижодий амалий ўзлаштириш унинг принципларини эгаллаш имконинигина бериб қолмай, бу бордадаги мавжуд тажрибани неғайтиради, бойитади.

Қўпдан маълумми, К. Станиславский нашф этган узвий ижод қонуларини, унинг ўз таъбири билан айтсан, айрим давр ва унинг одамларигагина эмас, артистик йўсинидаги барча одамларнинг, барча даврлардаги барча миллатларнинг ихслатларига таалуқлидир, барча учун тенг бўлган бу ижод қонуларини барча миллатларнинг артистларини бир-бирлари билан боғлайди. Станиславскийнинг фикрича, бу қонуларни биргаликда ўрганиш, эгаллаш ва уларга амал қилиб антёрлик психотехникасини яратмиш керак.

Станиславскийнинг тажриба ва ютуқларини ўзлаштириб, татиқ этишга интилган ажабий театр арбобларига қарата айтган унинг бошқа бир мулоҳазаси ҳам бизга маълум: «Сизларнинг ўз миллий

маданиятингиз, ўз ижтимоий системангиз бор, сизларнинг нуқт, ҳаракат, рақс ритмларингиз бошқача... Агар сизлар чинакам буюн театр санъати яратмоқчи бўлсангиз — буларнинг ҳаммасини ҳисобга олишларингиз керак. Миллий хусусиятлар сизларнинг ўз методингизга тарихий элемент бўлиб кирсин, ана шунда бу метод илгарини нашф этилган ҳар бир методдан буюн ва ҳақиқий бўлади». Неми келганда айтиб ўтиш кераки, ўзбек антёрларининг Станиславский системасини эгаллашларида ўтмиш ва ҳозирги нунда муҳим аҳамиятга молик бўлган миллий хусусиятларни аниқлаш — ҳали бу Ўзбекистон театрушнослиги томонидан етарли даражада ўрганилмаган алоҳида бир муаммодир. Қолубки, бу масала ҳал этилиб, фан саҳна тажрибасига аралашса, у Станиславский системаси принципларини тоборз чуқуროқ эгаллаш борасидаги изланишларини тадбири, самарали йўлдан боршини таъминлаган бўларди. Биз, Станиславскийнинг самарали таълим олган ўзбек антёрлик мактаби жанр масаласи борасида ҳам, бошқа жиҳатлардан ҳам устоз санъаткорнинг ижодий меросини бойитишга қодир, деб айта оламиз.

Ўзбек театр санъати хазинасида айрим саҳна усталарининг хилма-хил ижодий темалари замонавий ижрочилик маҳоратини ташкил этувчи ранго-ранг бадий хусусиятлар, бўёқлар ҳамда бадий меросдан ўзлаштириб олинган воситалар уйғунлашиб кетган. Тажриба шуни кўрсатадики, бу хусусиятлар ўзбек антёрлигига спектаклда ҳақиқий, пухта кечинималар йўлини топиш, ўз руҳий-жисмоний воситаларини муайян пьеса ҳамда образга жадал ва фаол мослаштириш, муайян асар ва акс эттирилатган шахсга хос бўлган туйғулар ихслати ва эҳтирослар ихслатини гоъта бир табиий, тез суръатда туддан пайқаб олиш имконини беради. Бу эса ўз навабатида спектаклнинг жанрини аниқ белгилаш иштиёқида қилишгаётган режаларга уни замондошимиз учун керак ва муҳим бўлган пьеса гоъсини яхшироқ, тўлароқ ифодали олдидан етакчи оқимга бўйсундириш учун йўл очади. Пьеса жанрини аниқ белгилашга ҳассослик билан асосий ролларни ижро этувчиларнинг бадий изланишлари уйғунлашиб кетган тақдирда репетиция жараёнининг гоъта жадал, мазмундор, самарадор бўлиши шунданidir.

Бу фикри яна шу билан далиллаш мумкинми, ўзбек антёрлик мактаби юзага келётган даврда дастлаб ёш ўзбек санъаткорлари система асослари бўйича спектакл жанри муаммосига ниҳоятда эътибор берган улкан санъаткор Е. Вахтанговнинг шоғирдлари Р. Симонов, И. Толчанов, Б. Захова, О. Басов каби саҳна усталаридан таълим олган эдилар. Модомики, Вахтангов мактаби шоғирдларининг натта бир гуруҳи ҳозирги нунда республикамизда фаол ижод этаётган экан, ўзбек саҳна санъатининг ҳозирги тараққиёт босқичида бу нарсани диққатдан кетда қолдириш инсофдан бўлмас эди.

Жанр муаммоси — ҳозирги замон театр тараққиётининг энг актуал муаммоларидан биридир. Бу борда ҳам ўзбек театрининг кўшадиган ҳиссаси неғайнажак, деб умид билдириш мумкин.

Охири бор.

ЭРТАЛАБКИ САЛОМГА ШОШАМАН

тини — ҳали тушириб олганига бир ой ҳам бўлмаган ёш келини кўрага ўраб, отга ўнгариб кетибди. Кўл-оёғи, кўзи боғлиқ, оғзи дўппи тиқилган йигитни эрталаб кўшнлари бўшатибди. Еруғ дунё қоронғи бўлиб, дунёнинг у ёғи ҳам, бу ёғи ҳам бир бўлиб турганда уни Мамарўзи кўрбоши қақиртирибди. Кўрбоши «Бу тўртинчиларнинг иши», деб йигитнинг юрагини куйдирибди. Шундан кейин у кўрбоши хизматига кирибди... Ундан сўрадик: «Келин топилдими?» «Йўқ!», деди. «Қароқчи ким эканини аниқ билдингизми?», дедик. Билмас экан. Йигит биздан тортинмай қолди. Агар унга ўзимизни яқин тутганимизда, душмандан олиб душманга солганимизда кўнглини очармиди? У бизни Мамарўзи кўрбошининг қурол-аслаҳалари кумилган жойга бошлади. Жўдамлиқ Боймадрайим деган кишининг томорқасида экан. Суриштирдик, йигитнинг хотини Мамарўзининг қўлида экан, узоқ қишлоқдан топилди. Босмачиларнинг Темир тошлоқ, Усмон қирғиз, Умрзоқ тўпбоши сингари йигитлари биз томонга ўтади деб ким ўйлабди? Уларга Совет ҳукумати, унинг мақсади, куч-қудрати ҳақида кўпчилик ёзма, баъзан ўрни келиб қолганда оғаки тушунтирдик. Ўзимизни катта тутмадик. Шундан кейин остонамизга бош уриб келишди, садақатларини хизматда кўрсатишди. Босмачиларнинг уруғини қуритдик. Хушқалом, хушфел бўлсангиз ишингиз юришаверди. Эрталаб биринчи учрашган кишиларингиз билан ширин муомалала бўлсангиз, самийи саломлашсангиз, кун бўйи дилингиз ёруғ юради. Е ўзингиз бировга томдан тараша ташлагандай сўз қотсангиз, ёки аксинча, «кўпладан тўнғак айлансин»ларга дуч келиб қолсангиз кун бўйи тазингиз хира, кун бўйи ишингизда барака бўлмайди. Келинлар, ширин суҳан, хушфел, одамшаванда бўлайки! Болаларимизни ҳам ана шундай кайфиятда тарбиялайлик. Камтарликка нима етсин!..

Яна тонг билан баробар уйғонаман. Саломга ошиқаман. Одамлар висолига шошаман... Ҳаёт ва кишилар билан учрашиш бахти ихтиёримда. Қандай бахти, одамлар орасидан. Уларнинг баъзилари менга таншиш, баъзилари... Мана бу одамни балки биринчи учратганимдир.

—Ассалому алайкум!
У мамнунлик билан алик олиб ўтди. Иккинчиларнинг ҳам дилимиз ёруғ. Ҳамон йўлдаман. Мулоқидан бир киши чиқди. Кўзларим ана шу нотаншиш одамнинг кўзлари билан тўқнашди. Хиёл эғлиб таъзим қилдим. У ёнимдан ўтаётганда кўзларига илиқ нур кўрдим, меҳри балки, нимадандир кўнгли еришиб, кимларгадир яхшилик қилгани дилига тугиб бораётгандай... Ҳар одамда ҳар ўй. Юриш-туруши ҳар хил, муомала ва кайфиятлари ҳар хил.

Ун-ўн беш қадамча нарида биров келмоқда. Уйчан, гамгин, кимдандир ҳафадай, тунд. Рўпарамда ундан бошқа ҳеч ким йўқ. Кўзларимиз тўқнашди. У кўзини кўзимдан олиб қочди, ёнимдан индамай ўтади. «Тўхта,— дейман ўзимга-ўзим,—нега у бунчалик изтиробда? Дабдурустан сўрашнинг иложи йўқ».

—Ассалому алайкум!
—Валайкум ассалом! — дея алик олди у. Ялт этиб қаради. Шу тонгинг ўзида унинг кўзларидаги учқун қаендан пайдо бўлди? Кул тағида ётган лаҳча чўлдан нима наф?
Инкилоб жангчиларидан, Фарғонамизнинг падари бузуқворларидан бири, 1919 йилдан КПСС аъзоси Саидхамдот ато Орифбоевнинг ешлар даврасида айтган бир суҳбати эсимга тушди:

— 1922 йилнинг кузида Фарғона ва унинг атрофидаги қишлоқлар нотинч эди. Қаерга борманг, бесаранжомлик. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда босмачилар пайдо бўлиб қолади. Қишлоқлар таланади, қизлар ўғирланади... Мен область оператив бўлим бошлиғининг ерданчи вазифасида ишлардим. Ташвишдан бошимиз чикмасди. Совет ҳукумати кундан-кунга мустақамланиб бораётган бўлса-да, ҳали бой ва руқонийлар чилдирмасига ўйнаб юрган одамлар топилиб турарди. Раҳбарларимиз ҳар доим бундай кишиларга ётиги билан муомала қилишни талаб этишарди. Ана шундай одамийлик билан қанча-қанча кишиларни ўзимизники қилиб олганимизни ким билмайди? Уша ағсв-далғов кунлари тонг қоронғисида Жўдамадан хабар келди. Мамарўзи кўрбошининг учар инигиларидан бири кўлга тушибди. Тезда етиб бордик. Хўжрага қамаб қўйишган экан. Кириб салом бердим: «Ассалому алайкум». У ҳайрон бўлиб қолди. Биздан ҳақорат, тепки ёки бўғизлашни кутган бўлса керакки, саломимиз уни тангитди. Йигит қаршимизда оёқ-қўлида жони йўқ одамдай шалвирганича турарди. Уни танидим. Шу қишлоқлик бир боининг қароли эди. «Сув сойга оқар, бой бойга бўлар. Нима бўлди, сиз ҳам биздай қамбағал эдингиз-ку, боиларга бўлишиб юрибсиз?», дедим. Икки йилча бурун ярим кечада ҳовлисига беш-олти киши бостириб кириб, хо-

Фан—халқ хизматида

В атанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини ошириш ҳамда техника тараққиётини жадаллаштиришда фан асосий омилилардан бирига айлиб қолди. Урток Л. И. Брежнев КПСС XXIV съезидаги докладыда «Навбатдаги вазифалар нўқтани назаридан ҳам, шунингдек, узоқ истиқболлар нўқтани назаридан ҳам, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш биринчи даражали аҳамият касб этмоқда», деган эди. Партияимизнинг фан тараққиётига кўрсатаётган эътибори съезд қарорларида ва Ўзбекистон КП МКнинг шу йил бўлиб ўтган иккинчи пленуми қарорларида ёрқин акс этган. УЗССР Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг ходимлари шу қарорларга биноан ўз илмий-текшириш режаларини қайта кўриб чиқиб, республикамиз саноти ва қишлоқ ҳўжалигининг кўпгина муҳим соҳаларини ривожлантириш учун янги мажбуриятлар олдилар.

Институтимизнинг ташкил этилганига 15 йил тўлди. Шу қисқа мuddат ичида ҳозирги замон физикаси талабларига жавоб берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар, атом қозони — реактор, қудратли ва қўлай тезлатгич — циклотрон, кўзли гамма нурлар оқими берувчи радиоактив нур манбаи вужудга келтирилди. Институтимизнинг ташкил этилиши билан бирга, республикамиз харитасида янги, гўзал ва шимна — Улўбек номидаги физиклар шаҳарчаси пайдо бўлди.

Маълумки, атом элементларнинг энг кичик заррачаси бўлиб, унда шу элементнинг моҳиятини ифодаловчи хўсўсиятларнинг барчаси мужассам. Атом ва атом ядросининг тузилиши хўсўсиятларини ўрганиш устида кўпгина мамлакатларда минглаб истеъдодли олимлар бош котиришмоқдалар. Бу, албатта, бежиз эмас, чунки ядро физикаси катта соҳа бўлиб, ундаги ҳодисалар, физиквий воқеалар жуда хилма-хилдир. Атом ядроси нисоятда катта куч манбаи мавжудлиги, бу энергияни ажратиб олиш ва бошқариш муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўпдан энди аён. Совет халқининг атом энергиясини тиш мақсадларда ишлатиш нияти, олимларимизнинг бу соҳада олиб бораётган самарали ишлари жаҳонга машҳур. Олимларимизнинг ҳисоблашларица, 80-йилларда СССРда умумий қуввати 30 миллион киловаттга эга бўлган атом электр станциялари қурилади. Бу эса Куйбисhev ва Волгоград ГЭС-

Сайдахмад оти билан бўлган бу суҳбатимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. «Ассалому алайкум»нинг сеҳр кучини қаранг! Назаримда, бу сўз гўё чўғи кўлдан асрайди, гўё у кўнглини иккинчи бир кўнглига бошлаб кирядиган чироқ. Бундан беш-олти йил бурун Ўзбекистон районидаги Каттакун қишлоғига Сирожиддин бобо деган отахонимизнинг тоби йўқлигини эшитиб кўргани бордик.

— Мана, ўғлим, шу аҳволга тушганимга икки ҳафта бўлди, — деди у тўхтаб-тўхтаб. — Уримдан қимирлай олмайман, остонадан ҳатлаб кўчага чиқшига юрагим ошиқаяпти. Кўчадаги салом-алиқдан бебаҳраман!..

Сирожиддин бобонинг сўзларидан ҳикмат топгандайман. «Соғмисан — бунинг қадрига ета бил, одамлар висоли, саломлашиш бахт, ахир саломлашиш башариятнинг ўзидай кўна», деган у киши.

...Ҳар қачонгидай барвақт уйғонаман. Соғман. Демак одамлар билан учрашаман. Буюк адибимиз Гафур Гулом айтганидай: «Шунисига минг бор шукур. Биров салом бермаса нима қилардим у саломимга алик олмаса нима қилардим...» Ҳаммамиз ҳам ўз бахтимиздан мамнун бўлишга ҳақлимиз. Дарҳақиқат, бизда одоб-ахлоқнинг боши — салом-алиқдандир. Бу ўринда улкан шоиримиз «Бир саломнинг кучи» шеърисида одобсизлардан дод дегудек бўлиб кўйини тасвирлаган шу воқеани айтиб ўтиш жоиздир. Шеър —

«Сўлим чойхона эди, катта ҳоруз, мажнунтол.
Эртанимизда дастурхон, обинону чақмоқ қанд».


деб бошланади-да, ичкарига бостириб кирган маст ҳазмининг дилини сиёҳ қилгани айтилади. Безори даф этилгандан кейин ҳам ачағача даврда сўз сўзга қовушмайди, шунда эшикдан қўли кўкрагида очик чехра билан кириб келган бошқа бир одамнинг «Ассалом, отахонлар!» деган ширин сўзи, чойхонадаги аҳвол-руҳияни бутунлай ўзгартириб юборди.

«Жўралар хўрмат учун ним туриб ўтиришди...
Епирай, салом кучи алангам, оловин?» —

деб хитоб қилади шоир. Саломнинг сеҳрли таъсири шунчалик. «Ассалом» сўзидан кўзларда илиқлик пайдо бўлади, чехраларга табассум қалқайди. «Ассалом» дилларни дилларга пайванд қилади.

Юз-қўлимни ювмоқдаман. Тўйиб-тўйиб нафас олмоқдаман. Кейдим чоғ. Эрталабки саломга шошаман.

Йўлдош СУЛАЙМОН



Атом Ғиёри

ларининг умумий қувватидан 15 марта кўпдир. Асримизнинг охирига бориб, атом қуввати ҳисобига ҳосил қилинадиган энергия салмоғи тахминан 400 миллион киловаттни ташкил этади. Ҳозирда атом кучи билан океанларда музлар ва сув ости кемалари ойлаб-ойлаб қирғоққа яқинлашмай сузиб юрибди. Хуллас атом қуввати ҳаётимизда тобора кенг ўрин олмақда.

Ўзбекистонда Ядро физикаси институтининг ташкил этилишида совет атом физикаси фанининг отахони академик И. В. Курчатов ҳамда академик А. П. Александровларнинг ҳиссалари каттадир. Институтимизнинг илмий лабораториялари фундаментал ҳамда назарий физика муаммоларини ечиш ва ривожлантириш билан, бирга саноат ва қишлоқ хўжалигига алоқадор бўлган бирмунча татбиқий масалаларни ҳам ҳал қилишга эришди. Республикаимизнинг Тошкент, Бекобод, Чирчиқ, Навоий, Олмалиқ ҳамда Иттифоқимизнинг Москва, Ленинград, Челябинск, Норильск, Душанба каби шаҳарларидаги саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда геологик қидирув ишларида атом қувватидан кенг фойдаланиш борасида институтимизнинг илмий-тадқиқот ишлари бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистонлик физик олимлар Убай Орипов, Содиқ Азимов ва марҳум Сергей Стародубцев раҳбарлигида институтимизда ядро физикасининг турли соҳалари билан шугулланувчи илмий-текшириш лабораториялари ташкил этилди, қобилиятли илмий ходимлар етиштирилди. Чунончи, Зарядли заррачаларни тезлатгич лабораториясининг бошлиғи В. Мўминовнинг илмий-тадқиқотлари натижасида, коаксиал электрон тезлатгич вужудга келтирилди, бу ускуна кабель саноатида изоляция қобилигининг электр ҳамда иссиқлик таъсирига чидамлилигини оширишда муваффақиятли фойдаланилмоқда. А. Ҳайдаров, А. Ганиев, М. Усмонова, А. Солодовников, А. Абдуллаев каби олимларимиз яратган ихтиролар сонининг ўзиёқ ўн бешга етди.

Киме фанлари доктори А. Кист раҳбарлигида атом энергиясидан фойдаланиш, биологик объектларда учрайдиган турли элементлар таркибининг аниқлаш соҳасида анча салмоқли ишлар қилинди. Бу истеъдодли еш

олимнинг шоғирдлари билан бирга қилган кашфиети киши бадани ва бошқа жониворлар ҳамда ўсимликларда учрайдиган касалликларни аниқлашда кенг фойдаланилмоқда.

Институтимизнинг Активацион анализ бўлимида республикаимиз эҳтиёжи учун керакли кўпгина тоғ жинслари, соф ва ўта соф материаллар таркибида бўлган элементларнинг хилларини ва миқдорини автоматик йўл билан топиш усули ишлаб чиқилди.


Активацион анализ лабораториясида биогеохимик усулда олиб борилаётган олтин конларини қидириш ва пахтадаги вилт касаллигининг таркиби ҳар хил элементларга бой бўлган тупроқларга тарқалиши қонуниятларини ўрганиш ишлари ҳам диққатга сазовордир. Бу лаборатория ходимларининг академик Ҳабиб Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти билан ҳамкорлигида амалга ошираётган ишлари ҳам самарали натижа берди. Улар активацион анализ ёрдамида Марказий Қизилқум ва Қурама тоғлари ҳақиқатан ҳам олтинга бой эканини аниқладилар.

Институтимизнинг Радиацион физика бўлимида ядро нурлари таъсири остида қаттиқ жисмларда физикавий ва кимёвий хусусиятларнинг ўзгариш сабаблари, янги хусусиятлар ҳосил қилиш йўллари топиш ва шу материалларнинг ядро нурлари таъсирига чидамлик даражасини ошириш чораларини излаш каби масалалар устида илмий ишлар олиб борилаётир. Бу соҳада кўлга киритилган ютуқлар сезгир ва ҳозирги замон электр оптик асбоблар яратиш саноатида ҳамда мураккаб техника ускуналарида қўлланилмоқда.

Институтдаги Ядро спектроскопияси, Ядро-даги жараёнларни текшириш ва Назарий бўлимларда атоқли олимларимиздан Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Р. Бекжонов, физика-математика фанлари доктори А. Хўжаев ҳамда техника фанлари кандидати Б. Мазитов ва уларнинг шоғирдлари томонидан амалга оширилаётган фундаментал илмий-текшириш ишлари жиддий аҳамиятга эгадир. Уларнинг илмий ишлари турли атомлар ядросининг энергетик ҳолатлари, хусусиятлари, тузилиши ва бошқа хоссаларини тадқиқ этишга оид бўлиб, совет фанининг тараққиёти учун ҳисса бўлиб киради. Бу олимлар ядро физикаси соҳасида езилган кўпгина монографияларнинг ҳам муаллифларидирлар.



Группа раҳбари В. Колесник ва унинг иштирокида яратилиб Серпуховда ишлатилаётган «Нинер» деган қурилиш.



Ядро физикаси институтининг умумий кўриниши.





Бош инженер М. Мирзаев ва оператор инженер Д. Отажонова ўртоқлар Ядро институти реакторининг бошқариш пулти ишнин кузатмокдалар.

Буларни янги кашфиётлар кутади.

Оператор М. Луни гамма нурлар лабораториясида минералогик объектларни лантирмоқда.







Физика-математика фанлари кандидати Ш. Воҳидов аспирант Х. Ҳайдарова билан лазер техникасида қўлланиладиган кристалларнинг нурланиш жараёнини ўрганмоқдалар.



Олима М. Усмонова ўзи мудиралик қилаётган лабораториясида моддалар активацияси соҳасида иш олиб боради.

Институт директорининг ўрнибосари В. Мўминов ва инженер Т. Холиқов ўртоқлар НГ—400 тезлатгичининг ишини муҳокама қилмоқдалар.

Ядро спектроскопияси лабораториясининг ходими О. Қобилов мураккаб атом ядроларининг ажрлиш характеристикасини текширмоқда.





Уз ФА мухбир аъзеси Р. Бенжонов ядро спектроскопия лабораторияси ходимлари билан.

Навбатчи оператор В. Саенини реактор несиқ камарасида. Навбатчи техник Л. Момаев хавф-хатарга йўл қўймайди.



Уша йиллари районга йўлланган «факт»лардан бирининг мазмуни бундай эди:

«...Бу одам ўзини жуда улуг санайди. Тирик туриб аллақачон қишлоққа ўзининг номини кўйдирди. Колхоз мактабини уйининг олдидан кўрдирди. Тош йўл фақат раиснинг уйига келган. Москвада медаль олган отларни кўпқарига чоптириб, соврунини паққос ўзи олиб келади. Гирт саводсиз, бармоқ босиб қўл кўяди. Ухасини бугалтирликка ўқитаяпти, яқин кунларда бош бугалтир қилса ажаб эмас... Данғиллама уй солди, «Волга» олади деган гап бор. Ушбуларга куйидаги ноҳақ жабрланган, макр-ҳийлага алданган, кекса нуруний ота-хоннинг мактубини илова қиламиз».

Райкомнинг Бюро мажлиси уч соат давом этди. Секретарлардан бири шикоятни ўқиб бераркан, истеҳзоли табассумдан ўзини тия олмади. Незмат Эрназаров ўрнидан турди. Ҳаяжондан сўзга рухсат сўрашни ҳам унутган, кўзларида ғазаб чақнар эди:

— Уртоқлар! Ортиқча вақтингизни олишни истамайман. Саводсизлигим рост. Етти йиллик маълумотим бор, холос. Нокасларга ишонч боғлаб, хато қилганим рост. Мен ортиқ раис бўлиб қолишга муносиб эмасман. Раисликка арзигулик кадрлар етишди. Биз... мен даврдан орада қолиб кетган эканман. Вақтида иш дедик, бошқа дедик, ўқий олмадик. Утмаслашиб қолдик... Мени чўлга юборинглар, истаган участкага юборинглар, уртоқлар. Уша чўлларда доғларни пешана терим билан ювай, ишончингизни оқлашга ҳаракат қилай!..

Томоғига нимадир тиқилди, вужудини чулғаб олган ғайрий бир куч уни сўздан тўхтатди. Яна нималардир дедик эди, айтолмади. У атрофдаги одамларга, кунда кўриб, қадрдон бўлиб юрган одамларга тикилар, лекин уларни гўё кўрмас, танимас эди. Бу минбарлардан у неча бор тантанали сўзлар айтган, неча бор қарсақларга кўмилган. Уша қарсақ чагналлар орасида неча бор мана шу одамларни ҳам кўрган. Бугун хона сув селгандек жимжит, одамлар сукунатдан ўнгайсизлини ўтиришбди. Бу ўша одамларми еки бошқамми?

Айбисз айбдор бўлиб, минбарда тутилиб турган кишининг хаёлидан нималар кечмайди! «Бировнинг бахтига кўзинг қизмасин болам, ҳар кимнинг бахти ўзига... Йигитнинг бахти йўлда, деганлар...» Шу дамда она васияти унинг ҳорғин юрагига кутилмаган қувват бахш этди. Эрназаров минбардан энгашганча тушиб кетди...

Шундан бери ўн йилча вақт ўтди. Жиззах районидagi Крупская номли колхоз кўшни совхозга қўшилиб кетди. Эндиликда Незмат Эрназаров Ильич районидagi Герман Титов номили совхозда ишлайди. Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институтини сиртдан тугатди. Совхозда обрўси балинд экан. Аввал бригадир бўлибди, кўриқ ер очибди, катта бўлимга бошчилиқ қилди. Ҳар йили планларини ошириб бажараркан.

Яқинда эса, «Голодностепстрой» бошқармаси Незмат Эрназаровни йирик «Правда» совхозига бош агроном қилиб тасдиқлади. Энди у минглаб гектарлардаги экин-тинкинга жавобгар. Мирзаўлининг чинакам ҳўжайини.

Незмат ака билан Хосият опа ўн икки фарзандга бош-қош. Утганларни эслаб:

— У гаплар эскиб қолди, — дейди Незмат ака. — Тога билан қадрдон бўлиб кетганимиз. Одам бир томиридан айрилсин, нима бўлади, ўн икки фарзандимиз ўн икки томир бўлиб тортиб турса, қаёққа ҳам боришарди? Келгуси йили чўлга кўчиб келишмоқчи. Келишса бош устига...

Незмат аканинг қора мағиз юзи ёришгандек бўлди, қошлари чимирилиб, чеҳрасида қувлиқни билмайдиган, соддадил одамларга хос аллақандай бир ифода акс этди. Рост, унинг бутун ҳаёти ҳам, меҳнати ҳам, ҳозир сўзлаб турган ҳикояси ҳам ана шу соддаликка, тўғрилиқка асосланган эди.

— Чўлга келган бир биз эмасмиз, — деди Незмат ака Эрназаров ўша содда қиёфасини бузмай. — Келганлар кўп, яхшилари ҳам кўп. Раҳматли онам, ҳар кимнинг ўз бахти бор, деб айтардилар, ҳаёт шундай экан, ҳар кимнинг ўз йўли, ўз бахти бўларкан. Бировнинг бахтига кўз тиккандан кўра, ўз бахтингни излаш қандай яхши.

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН

Пештоққа тикилса ўн беш алвон туг,
Гербидан танйман республикамни;
Ҳей, жаннат ўлкалар, соласиз доврुक,
Мен кўз очган дунё сизлардан камми!
Олис нечмишидан сўзламайман, бас,
Оғир тарихини биларсиз қисман,
Энди парчаланган хонлиқлар эмас,
Номи олам аро ҳур Ўзбекистон;
Донгли республикам — донгли масканим,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Буюк Ичкилобнинг кўеши бир дам
Нур сочғач оламга, эркан ташналаб —
Куррнинг олтидан бирда сен ҳам
Қўллик кишанларинг отдинг парчалаб;
Кўешига сиздию инсонинг ҳадди,
Зулматлар бағрини айлади пора.
Бирлашди ўлкалар, кўтарди қаддин —
Урок, бола тугган қўрсун бечора;
Бугун чиройингга ҳайқондир ғаним,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Жавзада тоғларда силжийди музлар,
Булоқлар отилар, сачрар зилло сув,
Қўлоғи чимрилиб, юлдузини кўзлаб,
Чўққидан чўққига сакрайди оху;
Катлапнар қаърига солиб гўлгула,
Дарёдай чайқалар нефть тўлқини,
Мурунтов бағрида олтин силсила,
Газлида барқ урар олов ёлқини;
Ҳали қўл термаган олмос, маъданним,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Офтоб зарҳалидай қирнинг бир ёни,
Бошоқлар бошини тутолмай эгик:
Саломлаб қаршилар бобо дехқонни
Дала — олтин билан битилган битик.
Бир тараф ям-яшил кета-кетгучча,
Эгитлар оралаб сув тарар кимдир;
Бунда кун чиққандан токи ботгучча,
Кетмоннинг юзюда ялтйлайди нур;
Бугдойзор, пахтазор — тенгсиз чаманим,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Гир-гир эсиб қолар ўлкам шамоли,
Майсалар бўйидан ҳўзур топар жон;
Қизарар олчалар чўғдан ранг олиб —
Силкиннар шохларда товланган маржон.
Сойлар эгагига минг таноб ташлаб,
Пушта билан битта гул очар палак;
Ҳосилни чамалар дехқон ёнбошлаб,
Кўзининг ўнгига тўрлар ҳандалак;
Қўлф урар боғчалар, боғлар ястаниб,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Шаҳарлар қўйинда юлдузли оқшом,
Мушаклар бодрайди бир даста гулдай;

Неон чироқлардан ер-кўк нурафшон,
Фараҳбахш дамлардан чеҳралар кунгай:
— Анов қайси қаср! Мунча юксак-ай
— Навоий театри.
— Оҳо, чиройли.
— Балет курамазми!
— Юринг-чи, ака.
— «Спартак» бўлармиш.
— Қалай!
— Кирайлик!

Мармар кечаларим, биллур фонтанним,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Хандон ташлаб ўтар бир гуруҳ қизлар,
Оёқда оқ туфли, бошда ироқи,
Эгинда хонатлас, ой каби юзлар,
Ҳар ким дер уларни кўргани чоғи:
Тўйдан келишарми! Сайилми! Ҳеч-да!
Фабрикадан қайтар сулув чеварлар,
Дастоҳ бошқармиш кундузу кеча;
Шоҳи тўқувчилар шоҳи берса гар
Мен юрак созимни сенга атадим,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Узоқ қиъада ҳам чиқар бозорга
Ўзинг етиштирган кимхобу адрас,
Дейди шерозликлар қатин ёзаркан:
«Самарқанд сайқали рўйи замин аст».
Қалб шунда шодликка кетса ҳам тўлиб,
Дикқатин тортмай, дсб тураман, кўпининг.
Гулу чаманларинг таърифи бўлиб,
Ярқиллар бошимда тўрт гулли дўппинг,
Ундан кимлигини қоларлар таниб,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Элинг жасорати ўзи бир қисса,
Бугун Афғонда ҳам завод куради;
Асвон тўғонига қўшилган ҳиссанг
Асрлар кифтида мангу туради.
Ҳа, сен бир майзини, қиқсанг сафарга,
Қиққа бўлиб баҳам кўргувчи жонсан,
Шу ҳимматинг билан кирдинг сафарга,
Шу ҳимматинг билан элга шобсан;
Ҳиммати баимсли дарё Ҳотамини,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Таърифинг битганим «урра-урра»мас,
Тўғри, эдидиятлар учрар қадамда,
Бир хил тепмас юрак, мароменз нафас,
Ахир беш бармоғи нотенг одам-да.
Аmmo чарх ураркан шу тезкор ҳаёт,
Ҳам воқиф эруркан ҳар биттасидан;
Сарасин саралаб, пучагин бот-бот —
Иттиқиб бормоқда орбитасидан,
Одил кўдратларга шўбхам йўқ маним,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

ЎҒЛИ ЎЗИДЕК БЎЛАДИ

Хикоя

Хўжайипок кичкина қишлоқ, шу кунларда одам яшмайди, бор аҳолиси кўриқ ерларга кўчиб кетган. Лекин баҳор охирида, дарё суви камайиши билан соҳилнинг ичидан Хўжайипокка бориладиган ягона йўл очилдики қишлоқ зияратчиларга тўлиб кетди.

Хўжайипокнинг суви шифобахш дейишади. Ҳақиқатан ҳам, даранинг чап қиялигида, атрофи гужумзор бир ғор бўлиб, ундан олтингургурт ҳиди келадиган суви отилиб чиқади, шифоталаб беморлар шу сувга тушиб қайтадилар. Бу суви аслида яра-чақага даво.

Шаҳар мактабларининг бирида қимедан дарс берувчи ўқитувчи Чоршанба Саидов хотини ва беш йашар ўғлини олиб, яна бир эр хотин қўшниси билан дўсти Мирҳайдарнинг юк машинасида Хўжайипокка жўнади. Чоршанба табнотан ҳавойироқ киши, тоғ-тоғ ўрмон, осмон, юлдузларни яхши кўради. У ҳар йили Мирҳайдар билан тоғ қишлоқларига сайрага чиқади, дарё бўйларига бир-икки кун туриб, тиниб қўлади. Бу йил хотинининг қистови билан уна ҳам бирга олиб келди, ўгли Одилни ҳам сувисига қолдирмади.

Мана саёхатчилар Мирҳайдар ишлайдиган пахта пуянтининг юк машинасида Хўжайипокка олиб келишди. Катта-кичик думалак, кўкиш тошлар устидан дўқиллаб, тунқалиб, пишқириб етиб келган ГАЗ сершагал дарё бўйида тўхтади. Саёхатчилар машинадан тушиб, атрофни томоша қила бошладилар.

— Мана, ўғлим, Хўжайипок — шу! Сенинг ота юртинг...

Кичкина Одил озгин, қорача қўллари узун, калласи чўзинчок. У отасининг бағрида туриб тевааракка қарар, отанинг гаплари қулоғига кирмас эди.

— Тушман! Кўйворинг!— деб тижирлик қиларди яқнаш.

Чоршанба болани ерга қўйди, Одилжон дик-дик сакраб дарёга яқин борди.

— Борм! Тўхта, йикиласан!— деб онаси югуриб бориб унинг

қўлидан ушлаб олди.— Шу ердан томоша қилақол, хўпми?

— Хўп,— деди бола кўниб.

— Қани, энди у ёққа ўтамиз — деб Чоршанба Мирҳайдарни чакирди. Мирҳайдар сал нарида, харсанг тепасида турган эди, келиб борта чикди, буклама қара-воқ, кўрпа-тушакларни олиб пастга узатиб турди.

Кейин юкларни кўтариб, саёз бўлса-да тезоқар дарё устига ётқизиб қўйилган нарвондек кўп-риқни лопиллатиб ўтишди, кичкина сўқмоқдан ўрикзорга киришди. Уларнинг изидан Одилни ўртага олиб, аёллар ҳам ўтишди.

Бу кичкина боғча эди, ўттиз тупча ўриги бор. Уларни илгари шу қишлоқда бригада бошлиғи бўлган қария пенсияга чиққандан кейин эккан экан. Ниҳоллар тош девор пастидан оқиб ўтаётган даренинг салқин нафасидан баҳра олиб яхши ўтишди. Хўжайипокка келган зияратчилар бир кеча шу ерда тунашади. Иккинчи кечаси шамол эсиб турадиган ялангликка ўтишади, негаки ўрикзор кечаси гога дим бўлиб, чиниш қўларган.

Ўрикзордан сал нарида деворни қизғиш аёвон, устунларига фону ва қошиқ халта илинган Пастда уч-тўртта қозон тўнкариллик, аёвон рўпарасида тўрт-беш еручок бўларнинг ҳаммасини кекса бригадир қўрданган. У келган меҳмонларга бошқош бўлиб, қарашиб тураркан, Хўжайипок ҳозир ўзининг илгарики диний-хурофий эътиборини йўқотиб, шифобахш бир жойга ёлланган. Узоқлиги ва ноқулайлиги учунгина бу ерда бирон шифохона қурилмаган.

Саёхатчилар ўрик соясига қара-воқ, тушакларини қўришди. Эркаклар четда, болани олиб аёллар уртда ётадиган бўлишди. Овқатланишдан аввал «гургурт суви»га бир тушайлик» деган қарорга келиб, тагин кўприкдан ўтишиб, шарқираб оқаётган дарё соҳили бўлиб, дарога йўл олишди.

Олтингургуртли сув қорамтир қоялар орасидан шарқираб оқиб ётади; кейин дарёга қўшилиб, унинг бир четини юз қадамга оқартириб борарди. Сув чиқётган қоялар атрофи қаноп чодирлар билан ўраб қўйилган, бирида эркаклар чўмилиди, иккинчисида аёллар. Бу ҳам савобталаб кекса бригадирнинг ташаббуси билан бўлган.

— Қани, бир чўмилиб олайлик бўлмас!— деди Чоршанба ва ўғлини, кўтариб, эркаклар чодирининг панасига ўтди. Аёллар иккинчи чодир томонга кетишаркан, Чоршанбанинг хотини, рангпар Ҳафиза эрига: «Болага эҳтиёт бўлинг!» деб тайинлади. Чоршанба билан меҳмон йигит энди чўмилиб чиқшган эди, машинада қолган қармоқларни кўтарганча шимининг почасини ҳамариб олган Мирҳайдар етиб келди ва қармоқларнинг бирини меҳмонга бериб, бирини сувга отди. Тошга ўтишиб олиб:

— Қани, бир бахтимни синайчи!— деди.

Лекин шофернинг бахти чопмади. Қармоқни Чоршанба олди. Қармоқ отасининг қўлига тегиши билан Одилга жон кирди, отасига эргашди. Чоршанба олдин турган еридан қармоқни сувга отдию балиқ белги бервермагач, нари-бери юриб ҳам қўрди.

— Бу ер бизга тўғри келмади, нариги соҳилга ўтамиз! Сен шу ерда тура тур!— деб тайинлади

ўғлига. Одил йиғлаб юборди. Чоршанба шоша-пиша уни елкасига миндириб, эҳтиёт билан сувга тушди.

Сув муздай, сстидаги силлиқ тошларни бақатўни қоплаган, оёқ тойиб кетар эди. Чоршанба меҳмон ошнаси билан Мирҳайдарнинг болани қолдириш ҳақидаги илтимосига қулоқ солмай олға жилди, оқимга қарши юра бошлади. Сув белига чиққач, Чоршанба каловлай бошлади. Шунда чўмилиб бўлган аёллар ҳам буларни кўриб, орқага қайтдилар.

— Ҳой, қайтинг! Деятман сизга! Болани бир бало қилиб қўясиз!— деб бақирди Ҳафиза. Овози сувининг шовуллашига кўмилиб кетди.

Чоршанба унинг овозини эл-элас эшитдию яна олға жилди. Энди сув тиззасига, кейин тўпига тушди. У эгиллиб турган қоянинг кўланкасига чиқиб олди. Қоя тағидан чиқётган булоқ қошида Одилни пастга туширди.

— Шу ерда ўтир!— деди дўқ аралаш. Отанинг гапига қулоқ солиш керак!

Узи қолга турнашиб ўтириб олди ва қармоқни сувининг кўприги тўртга чуқур ерига силтаб отди. Мелла пўкак сув бетига ликиллаб қолди. Балиқ ҳам кутиб турган эканми— шу дамдаек илинди. Қармоқ дастаси Чоршанбанинг қўлидан чиқиб кетмади.

Омади келган экан, эрим саат ичида ўн битта балиқ тутди. Тушганини нариги соҳилга отар, у ердаги томошабинлар қувонч билан илди олар. Набатдагисини кутар эдилар.

Одилга ҳам эрмак топилди. Булоқда отаси дастлаб турган балиқ оғзини қаппа-қаппа очиб сув аралаш ҳаво ютарди. Одил унга қўл тегиздию тортиб олади. Балиқ гоҳо қаттиқ сапчиб, сувики сакратади.

Одил бу машғулдан Зерикди. «Мен ҳам енингизга чиқаман!», деб хархаша қила бошлади. Чоршанба уни енига чиқариб, оёқлари орасига ўтказди, қармоқ дастасини тутқазди.

Чоршанба япроқча ўраб липасига қистирган чувалчанглар ҳам тутади. Ота ўғлини елкасига миндириб, оёқларини яғи билан кўксига қисиб олди. Бир қўлида қармоқ, сувга тушди.

Сув дарров тиззасидан ошди, белига етганда, уни яна каловла-та бошлади. Ҳали чўмиганида олтингургуртли сув танасидаги бор кучини сўриб олгани таъсирини кўрсатди, Чоршанба ўзини ўнгломай, оёғи тойиб, мункиб кетди. Бола юз тубан йикилди. Сув эса шуни кутиб тургандек, Одилни оқизиб кетди.

— Дод! кетди!! Ушланг!— деган овозлар эшитилди соҳилдан. Меҳмон йигит ҳам, Мирҳайдар ҳам уст-бошлари билан ўзларини сувга отиб, изма-из оқиб бораётган ота-бола орасидан суза кетдилар. Оқим бўйлаб сузиш енгил бўлгани учун улар бир нафасда етиб олишди, бироқ Одил кўздан йўқолган эди. Аёллар соҳил бўйлаб заткача чопар экан, ҳали Чоршанба балиқ овлагани чиққан харсанг остида боланинг қизил майкаси кўринди. Чоршанба билан Мирҳайдар ўша ёққа отилиб, сувга шўнғишди. Бу ерда сув қояга урилиб айланиб оқаркан, одагга дарёнинг бундай жойига тушган шохшабба, хас-чўп чиқиб кетолмай айланиб ётади. Йигитлар ҳам сув

остида чирпирак бўлиб айланишди, аммо ораларида гир айланиётган Одилни ҳам ушлаб олишди. Бақувват Мирҳайдар Чоршанбага аччиқ қилгандек Одилни ундан тортиб олиб, қўлтигидан қийшайтириб кўтарганча соҳилга интилди. Оёқларини тиззасига қўйиб, кўксидан ушлаганича боланинг бошини пастга қаратди. Одилнинг оғзидан сув қўйилла бошлади.

Одил ҳиқиллар, бошини кўтармоқчи бўлса оғзидан сув қўйилар эди. У жуда бўшашиб қолди. Мирҳайдар болани иссиқ кумга ёнбошлашиб қўйди. Одилнинг лаблари кўкариб, ранги қув-ўчиб кетган, яғи тилинган эди; бир маҳал юзи тиришди, йиғламоқчи бўлди ва яна гиқ этиб сув қусди. Оғзи тупроққа қопланиб қолмаслиги учун чалқанча ётқизибди. Ҳафиза қалтираб, йиғламоқчи бўлар, саррайиб қолган эрига қўзи тушганда, унинг кўксига чангал ургудай ўқарар эди. Мирҳайдар Одилнинг қўлчаларини ҳаракат қилдириб, сувики нафас олдирди. Меҳмон йигит бош қайқайди, унинг хотини кўрсаткич бармоғини чаккасига санчиб, лабини қимтибди.

Ниҳоят, Одилнинг қулоқлари, лабларига ранг югуриб, кўзини очди ва беҳол йиғламисиради.

— Кўтаринг! Кетайлик тезроқ бу ердан!— деди Ҳафиза. Мирҳайдар чалқанча ётган Одилни бош ости ва тақимидан кўтариб олди.

Қўнғиллари хира бўлиб қўноқча жўнадилар. Ҳўл сочлари манглинига тушганча Чоршанба майкасининг йиртиқ учини торқилаб бораркан: «Сувдан кўриб қолгани, онаси ҳам бу ерларга келишига қўймайди энди», деб ўйларди. Кўприкдан ўтиб, боғчага кирдилар. Меҳмон аёл ўртадаги қаравотга тушак ёзди. Ҳафиза болани олиб ётқизди ва қаравот четига ўтириб, яна йиғлай бошлади.

— Сизнинг бу ишқибозлигингиз бир балога гирифтор қилмас, деб кўрқар эдим, туф-туф, худо бир саклади-я... Вой, эси йўқ одам, ёш болани ҳам кўрқмай шундай сувга олиб кирадими! Айтдимку, қайтинг, деб! Ҳа, майли, уйга қайтиб бораёлик-чи, ўзим билман...

Чоршанба деворга суяниб, сўриб-сўриб сигарета тортар, хурсинар, сабдан оёғини ликиллатар эди.

— Бўлди, ҳаммаси ўтди-кетди...— деди ўзига ўзи, кейин овқатга уннади. Қовурдоқ ташер бўлди, балиқларга эса ҳеч кимнинг хуши йўқ, соҳилда қолиб кетди... Овқат устида андак ичдилар, шундан кейин гам чўккан қўлларда қувонч пайдо бўлди, йўларга қизиллик югурди, тиллар ҳам бийрон бўлиб қолди.

Одил ҳам уйғониб, бир ҳафталик касалдан турган одамдек юриб келиб, қаторга қўшилди, бу— саёхатчиларнинг кайфини яна ҳам чоғ қилди. Эркаклар нарироқдаги хушбўй андузлардан териб келиш учун ўринларидан турдилар.

— Одил! Урингдан жилма!— деб буюрди Ҳафиза.

Одил бир отасига, бир онасига қараб, ўтирган ерида қолди, сўнг ўрикка суяб қўйилган қармоқларни томоша қила бошлади. Шу қармоқда ҳали балиқ овлаганларини эслаб, улардан бирини тортган эди, онаси койиб берди: — Жим ўтир! Ухла, рангингни қар!

Игитлар двора раҳнасида ошиб, қовжираб ётган майдонга тушдилар, ундан тупроғи билкиллаган йўлга чиқдилар. Бу йўл тоғ соҳилга кириб кетар, машинасиз келадиган зияратчиларнинг йўли эди. Кейин ёнбағирдаги тиканларни оралаб эркаклар кетган сабаби новдасидек гиёҳларни кўриб қолишди.

— Зира! Зира!— деб хитоб қилди Чоршанба. Меҳмон ҳам:

— Ҳа, зира экан!— деб, бир ғужумини ҳовучида гиқимлаб олди, кафтида уқалаб қаради, Чоршанбага кўрсатди. Кафтида седанадек қора зира хушбўй хид таратиб турарди. Тепароққа чиқиб, андуз тердилар, керак бўлади, деб сўпурги юлдилар. Баланд ўсган наънатларни еллаб яна ортларига қайтаётганларида тўсатдан ўрикзордан овоз эшитилди:

— Ҳовв, Ҳа-о-й!— деб Ҳафиза дарё бўйидаги қумлоқдан чакирмоқда, ҳавода қўлини силкитмоқда эди.

Эркаклар бошиб, сакрай-сакрай қўйига тушди. Раҳнага етганларда Ҳафизанинг овози аниқ эшитилди:

— Одил йўқ!.. Вой, Одил!— деганича у мушти билан кўрагини урар эди. Меҳмон аёл ҳам деворга чикиб олиб, Одилни қаққар эди. Мирҳайдар эса ўтти териб келгани тоққа чиқиб кетган экан.

— Қаёққа? Қаёққа кетган эди ўзи!— деди Чоршанба кўзлари ола-кула бўлиб.

— Мен қайдан билан! Шу ерда эди, гойиб бўлиб қолди. Ана, ёш болани олиб юриш... Топинг! Топинг ҳозир!..

Чоршанба аланглаб, меҳмонга бошганинг нариги томонини кўрсатди:

— Сиз у ёқни қаранг! Мен бу ёққа кетдим!— деб шоганча дарё томонга чопди. Сакраб соҳилга тушди. Сув айланиб, гирдоб ҳосил қилаётган харсанг остига қарадию, юраги орқасига тортиб кетди. «Одил!.. Одил!..», деб бақирмоқча тушди.

Овози бир дамба хириллаб қолди. Туфлисини ҳам ечмай сувга тушган эди, дарё ўртасига борганда, соҳилдаги харсанг тағида чўнкайиб ўтирган ўғлини кўриб қолди. Бақирмоқчи бўлдию чўчитса, бола сувга тушиб кетадигандек туюлди. Секин изига қайтиб, соҳилга чикди, думалаб ётган тошлар панаси билан юриб бориб, харсангга етди, аста мўралади.

Одил боя отаси харсангга миниб ўтиргандек яласки тошга ўрнашиб олган, қўлида кичкина ўрик бутоғи, бутоқ учига қизил латта боғланган, латтага тугилган сабзи пучоғи сувга тегиб турар эди. Чоршанба бўшашиб, қояга суяниб қолди, сўнг секингина:

— Одил...— деди.

Одил отасига қараб базўр илжайди, кўзлари кўп машаққат чиқиб эгилгини кўрмаган кишининг нигоҳидек ҳазин эди.

— Нима қиляпсан!— секингина суради ота.

— Балиқ... Балиқ тутилмайдикў!— деди Одил ҳайрон бўлиб.

— Балиқ тутмоқчимисан?

— Ҳа-да!

Чоршанба қалтираб, уни қўлига кўтариб олди. Соҳилга чиқиб, девор устида тизилганлар томон бораркан, ҳамма унинг қўлида қармоқ ушлаган Одилни, кўзларида оталаргагина хос бахтирлик ёшларини кўрди.

ДЎСТЛИК БЎСТОНИ

Меҳмонхона, болалар комбинати, мактаб, маданият саройи... Темир излар Таллимаржон посёлкасини Тошкент — Душанба йўлига туштиради. Бу орада Норақдан, Туркманистон ва Қаршидан Таллимаржонга нур, Амударёдан оби ҳаёт келади.

Айни вақтда ҳар бири 15 минг от кучига эга бўлган олтига насос станциясида, ремонт заводи, уй-жой ва бошқа қурилиш объектларида меҳнат авж олган. Ун бир минг қурувчи ўтган беш йилликда 220 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштириб, 76 километрли Қарши машина каналини қазиб битказди; кўп-лаб саноат корхоналари, турар жой ва маданий-маиший бино қурилди, 335 километр масофадаги автомобиль йўли, 479 километр узунликдаги электр ўтказиш тармоғи, 215 километрлик коллектор ишга туширилди.

Қарши дашти халқларимиз дўстлиги тўғрисида ўзлаштирилмоқда. Қурувчиларнинг ҳар бири ҳақида ҳам тўлқинланиб гапириш мумкин. Ўзбек ҳаммасблари билан ёнма-ён ишлаётган Александр Дробний машҳур дурадгор. 1953 йилдан 1957 йилгача Фарғона сув иншоотларида, сўнг шу областдаги ўқув комбинатида ва Озарбайжон қурилишларида ишлади. Партия ва ҳукумат қақиригидан руҳланган Алексей Қарши чўлига олти йил бурун келган эди. У ўз меҳнати билан дўстлари ўртасида обрў орттирди. Ленин ордени билан мукофотланди. Бетончи Худойқул Шойимов туркманистонлик. У ҳам партия қақирғи, қалб даъвати билан чўлга биринчилар қаторида келган. Унинг кўксини «Шавкатли меҳнати учун» медали, Бутуниттфоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кумуш медали беэаб турибди. Рус қизи Светлана Васильева, тожик Сангин Саидов, украин Александр Бабийчук ҳам чўлда меҳнат қилиб бахт топганлардан. Қарши даштида қирқ уч миллат вакили қўлни-қўлга бериб, аҳил яшамоқдалар. Асрий дашта кўм-кўк пахтазорлар, яшил боғлар бунёд этилади. Чўл чинакам дўстлик бўстониغا айланади.


А. РАВШАНОВ

«Қарши даштида пахтачиларнинг янги катта районини ривожлантириш, Мирзачўлда, Сурхон ва Шеробод водийсида ва Қорақалпоғистон АССРда сугориладиган майдонларни кўпайтириш давом эттирилсин».

КПСС XXIV съезди Директива-ларидан

Саратон. Қуёш олов пуркайди. Ут-ўлан, чачақлар қовжираб, жизгинак бўлиб қолган. Уфқда ҳовур жимирлайди.

Улкан дашт уйғонди. Сахрога инсоннинг муборак қадами етди. Хув, ана Қарши—Амударё йўли чўл белига боғланган камардек ярқирамоқда. Замондошларимиз тап-тақир сахро кўйида эртангдай гўзал Нишон, Таллимаржон, Дўстлик шаҳарчаларини қурдилар.



Қарши машина канали ўзанига бетон поёндоз тўшалоқда.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

1924 йилнинг саратони. Самарқанд. Кўчанинг кўланка томонидан бир қизил аскар келмоқда. Эғнидаги кийими офтобда ўнгиб, оқариб кетган. Калари белини маҳкам қисиб турибди. Узи ёш бўлса ҳам, қуёшда оқиш тўсга кирган қоши, қорайиб пишган ўзи чеҳрасига улусифатлик бахш этиб турибди.

У дарвоза олдига турган она-боланинг ёнгинасидан ўтаётганида бола онасининг этагига ёпишиб олди. Онаси эса, рўмоли билан ўзини тўсиб, боласига паст овоз билан бир нималарни уқтирди.

«Қизил аскар», «жангчи», «милтик» деган сўзлар йигитнинг ҳам қўлоғига чалинди, аёлнинг самимий оҳангда гапирётганидан, унинг нима деганини тахминлаб тушунди. Аёл киши билан тўсатдан гап бошлаш одобдан эмас, шунинг учун яқин келиб болани гапга солди:

— Огинг нима?

— Эргаш, — шоша-пиша бидирлади бола.

— О, отинг яхши экан! Баракалла. Менинг отим — Фёдор. Уқтингми? Қани айтиб кўр-чи: Фёдор.

Лекин боланинг юраги дов бермай, борган сайин онасига маҳкамроқ ёпишар, онаси эса рўмол остидан унга далда берар эди:

— Кўрқма, ўғлим, айтдим-ку, бу амакин — қизил аскар, қизил аскарлар яхши бўлади.

Йиллар ўтди. Бу орада не-не дахшати воқеалар бўлмади. Мана, ўша бола билан гап-лашган қизил аскар Фёдор рўпарамда ўтирибди. У менга гоят мураккаб жанговар ҳаёт қиссасини сўзлаб бермоқда.

Фёдор Маковецкий Самарқандга келишдан олдин Жанубий фронтда Деникига қарши, Гатчинда эса Юденичга қарши жанг қилган. Мелитополдан врангелчиларни қувган, Вишкови, ва Белосток бўсағаларида оқ пулқларини тавбасига таянтирган эди. У бир эмас, бир неча бор ўлимдан қолди, лекин деҳқон ўғлининг жони қаттиқ экан, ҳаммасига дош берди. Россияни ёллардан ҳимоя қилиб қолгач, ўзбек, тожик, қозоқ ва туркман биродарларига ёрдамга келди.

Фёдор Самарқандда ўша она-бола ёнидан ўтаётганида, «Ушбу ҳужжатни кўрсатгуччи Ф. Е. Маковецкий Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин номи биланга ҳарбий мактабга ўқишга юборилди», деган ҳужжат чўнтағида эди.

Унчага Москвада пиёда аскарлар курсини тугатган Фёдор чегарачилиқдан таълим олишга астойдил бел боғлади. Уша пайтларда фақат Тошкентдаги ҳарбий мактабда шундай бўлим бор эди.

Ленин номидаги мактабда таҳсил кўрган офицерлар энг жанговар командир ҳисобланарди. Чунки мактаб курсантлари дам-бадам ўқишни ўқтин-ўқтин тўхтатиб, босмачи шайкаларига қарши оғир жанглар қилишга мажбур бўлардилар.

Маковецкий Ленин номидаги мактабда икки йил ўқиғач, Закавказье чегарасида застава бошлигининг ёрдамчиси қилиб тайинланди.

Барча совет кишилари тинч ижодий меҳнат билан банд бўлган ўша кезларда ҳам Фёдор Маковецкий фронтнинг олдинги маррасида бўлди, зотан, чегарачилар тинчлик даври нималигини билишмасди. Маковецкий хизматни соз ўтар эди. 1937 йилда у Чегарачилар олий мактаби сиртки бўлимини ҳам битирди.

Шундан кейин у Саратон чегарачилар мактабиде командирлар тайёрлай бошлади. Тажрибали, билимдон офицер ёшларга тактика илмини жуда пухта ўргатар эди.

Уйига келгач, Фёдор Ефремович ҳазиллашиб: «Буни қара, ойиси, Фёдорингнинг бошида шунақа кўргуликлар ҳам бор экан-а, бир замонлар зиёлиларга «миясия палағда» деб, кун бермаган одам энди ўзи салкам профессор бўлиб қолаэди», — дерди.

Лекин орадан кўп ўтмай, ҳаёт шундай кескин ўзгариб кетдики, Фёдор Ефремович талбаларининг дафтарларини бир чеккага йиғиштириб, қўлига қурол олишга мажбур бўлди. Тақдир уни яна бир бор, аввалгиларидан ҳам оғирроқ синовга дуч қилди.

Маковецкий Ички ишлар халқ комиссарлиги дивизиясида хизмат қиларди. 1942 йил 6 июлда дивизия мана шундай буйруқ олди:

— «Душманинг Шарққа силжишига йўл қўймай, ғов солиб турилсин, фурсатдан ютуб, Совет Армияси қисмларининг Воронеж шаҳрига етиб келиши учун қўлайлик туғдирилсин. Воронеж шаҳри учун олиб бориладиган жангга бевосита раҳбарлик қилиш капитан Маковецкийга топширилсин!».

ТОБЛАНГАН БОТИР

Лекин Фёдор Ефремович ўзи мудофаа қилиш учун тайинланган жойга келиб қараса, шаҳарнинг ярми аллақачон фашистлар қўлига ўтиб кетибди.

Демак, мудофаа тўғрисидаги буйруқни адо этиш учун аввал ҳужумга ўтиб, душман банд қилган жойни жуда оз куч билан қайтариб олиш, шундан кейингина мудофаага кўчиш мумкин.

Вазият оғир эди. Фашистлар техника жиҳатидан устун эди. Чегарачиларнинг тўп ва миномётлари кам, танклари ва мадд бериб турувчи бошқа воситалари йўқ эди. Маковецкийга қўл келадиган бирдан бир чора — кўчқисдан босиб бориш. Унинг жангчилари доврак, командирларнинг деярли ҳаммаси ўзининг шогирдлари. Саратовдаги билим юртидан чиққан йигитлар.

Саҳар пайти дарёдан кечиб, шовқин-суронсиз, найзобозликдан бошлаб кўча қолиди. Кўчалар, уяларда дуч келган гитлерчиларни кўндоклар билан даф этиб, бир неча соат ичда шаҳарнинг шарқий чегарасига чиқшди.

Гражданлар урушининг ветерани фашистлар билан илк бор шу тахлитда тўқнашиб, ўз жанговар ҳаётини яна давом эттириб юборди.

Шундан кейин тақдир Маковецкийни энг оғир жойларга, оғир воқеаларга рўпара қилверди. 1942 йил августда уларнинг дивизияси 95-ўқчи дивизияга айлангирди. Фёдор Маковецкий буюк Сталинград жангида донг чиқарган шу дивизиянинг 161-ўқчи полкига командирлик қилди.

— Уйримда кўп жанглари кўрдум лекин бунақанги қиронни кўрган эмасман, — деб хотирлайди Фёдор Ефремович. — Ҳар лаҳзада, мен-ку — мен, жангнинг тақдирини, бордингки, бутун эл-юртнинг тақдирини ҳал бўлиб кетиши мумкин эди. Душман кўшинлари Волга соҳилига чиққач, Япония ва шунга ўхшаш бошқа мамлакатлар бизга қарши уруш бошлаши керак эди. Улар шу тўғрида шартнома тузиб, гапни бир жойга қўйган эдилар. Мана шунинг учун ҳам Гитлер бисотидаги бор кучини шу жангга ташлади. Бизнинг полкимиз эса, учинга чиққан ўша каллақарлар билан Мамай кўрғонинда юзма-юз келди.

Бу афсонавий телалик эндиликда мардлик ва шижоат рамзи бўлиб қолди, уни химоя қилган ботирлар ҳақида ўнлаб китоблар ёзилди.

Мамай кўрғонидagi монументлардан бирига шундай сўзлар ёзилган: «Ҳа, биз ҳам оддий инсон эдик. Орамизда омон қолганлар кам бўлди, лекин ҳаммамиз муқаддас Онеюрт олдидаги ватанпарварлик бурчимизни тўла-тўқис адо этдик».

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Фёдор Ефремович Маковецкий ҳамма оғирликни бардош билан енгиб, ўлим чагалидан омон чиққан ана шу оддий кишиларнинг биридир. Олимлар ҳисоблаб кўришса, Мамай кўрғонининг ҳар квадрат метр тупроғида 500 дан тортиб, 1250-гача снаряд ва бомба парчаси бор экан! Олимларга ҳўрматин ҳар қанча баянд бўлса ҳам, уларга эътироз билдирмоқчиман: йўқ, снаряд ва бомба парчалари сиз ўйлангандан кўра кўпроқ, юзлаб ва минглаб кўрғонин парчаси қаҳрамонлар танасига санчилган. Сталинград ҳимоячилари бир эмас, бир неча мартаб жароҳатлансалар-да, сафрини тарк этмадилар. Уша парчалардан бир нечаси Фёдор Ефремовични ҳам ярадор қилди. Аҳволни оғир бўлса ҳам, командир то жанг тугамагунча ўз солдатлари ёнидан силжимади. Бу жанг эса, ролпа-роса икки юз кун давом этди.

Мамай кўрғонини химоя қилган полк командирини ўзининг Ташкентда Ленин номи билан юрти талабаси эканлигини бизнинг Туркистон округидаги кишилар ақингача билиш-

мас эди. Буни қандай билишганини кейинроқ айтман, ҳозир эса икки оғиз сўзни маршал В. И. Чуйковдан эшитайлик:

«Мамай кўрғони учун ҳаммамиз хавотирда эдик. Унда Горишнй дивизиясининг қисмлари мудофаада турарди. Телаликнинг жанубий ва ғарбий энбегрида эса — душман. Фашистлар яна юз метр силжиб олса борми, шаҳарни мудофаа қилишда тактика жиҳатидан катта роль ўйнаётган бу калитни қўлдан бериб қўйишимиз мумкин эди».

Маковецкий ўша кунлар ҳақида бундай дейди:

— Фашистлар позициянинг аҳамиятини тушуниб, асосий зарбани шу ерга қаратди, юзлаб самолётларни шу томонга сурди. Мамай кўрғонидagi танч пунктимиз вақрон қилиниб, истеҳкомларимиз ер билан яқсон этилди. Телаликда тирик жон қолиши учун имконият йўқ эди. Лекин гитлерчилар ҳар ҳужумида жангчиларимизнинг ўтига дуч келверди. Шундай жаҳаннам қўрида одамлар қандай тирик қоляпти, деб фашистлар таажубланар эди. Биз эса, ҳейла ишлатиб, ўлмасликнинг чорасини топдик. Тўп ўқлари билан бомбалар ҳаддан зиёд зич ёғилган ҳамоно, мен жангчиларга душман томонга жуда яқин бориб олишни буюрардим. Орқага чекиниш эса мумкин эмас! Биз душманга шу қадар яқинлашиб олардики, у ўқларнинг йўналишини ўзгартирмаган, деб, ўз одамларини тўлға тутиб қўярди. Шундан кейин душман авиацияси олдинги сафга бомба ташламайдиغان бўлди. Бизнинг яқин мудоаомиз шу эди! Турган гап, биз ҳам катта талафот кўрдик, аммо душман ўн мартадан кўпроқ ҳужум қилган бўлса, ҳаммасини даф этдик.

Уша кунги оғир жангларнинг натижасини маршал Чуйков мана бундай таърифлайди: «28 сентябрдаги бир кунлик жанг мубайнида биз ўз позицияларимизни асосан сақлаб қолдик. Босқинчилар олдинга силжиш имкониятидан маҳрум бўлди. Жондан кечиб бўлса ҳам, ўз позициясини қўлдан бермасликка азму қарор қилган кишиларнинг маънати олдида босқинчилар ожизлик қилиб қолди».

Шиддатли жанглар салкам бир ой давом этганига қарамай, ҳал қилувчи синовлар ҳали олдинда экан. Маковецкийнинг полки октябр бошларида трактор заводи атрофида кўчирилди. Полк ҳақаридаги ҳар қарч ер учун 135 кун жанг қилиб, топширини адо этди, душман Волга соҳилигача қолган сўнги 200 метр ердан ўта олмади, пировардида, қўшинларимизнинг қуршовига тушиб, ер билан яқсон бўлди.

Уша жангларда полк гвардиячи номини олди, унинг командирини подполковник Ф. Маковецкий жанговар орденлар билан мукофотланди.

Тарих саҳифасидан жой олган жанглар ҳақида гапирмасдан бўлмайди. Курск атрофида сон-саноксиз танклар иштирокида бўлган қиронли жанг ана шулардан бири эди. Сталинград урушда бурлиш йсаган бўлса, Курск ҳалқаси фашистларни батамом ҳалокатга дучор этди.

Маковецкийнинг полки бу гал ҳам ҳаёт-мамот учун жанг борган жойларнинг бирида: Помир-Ольховка тарафида бўлди. Жангнинг дастлабки кунёқ душманнинг 35 танки мажақланди. Курск осмони ёнаётган танкларнинг аччиқ дуди, бомба ва снарядлар қўтарган чаг-тўзондан қоп-қоронги бўлиб кетган эди. Жанг бир неча кунгача узлуқсиз давом этди. Полк ҳар қарч ерга тиш-тироғи билан ёпишганича ўн километрга чекинди. Аммо фашистлар мана шу ўн километрни қўлга киритгунча ўз аскарларининг ўлжиклари устидан юриб ўтишга мажбур бўлдилар. Душманининг 81 танки

эса, шу ўликлар азаси учун ёқилган чироқдан еру кўни исга тўлдириб тутаб ётди.

Душман кучларининг бели синдирилиб, унинг даҳшатли техникаси янчи ташланди. У мудофаамизни ёриб ўтолмади!

Энди Фёдор Ефремович Днепрдан кечиб ўтишга шайлана бошлади. Немислар бу дарёни «ўтиб бўлмас Шарқий гов», деб бутун дунёга жар солган эдилар. Уз умрида бунақанги тўсиқларнинг қўлига дуч келган совет солдатди Маковецкий «Шарқий гов»дан ҳам ўта олишга шубҳаланмас эди.

— Менинг полким Тарасевичи қишлоғи ёнида кечувдан ўтиши лозим эди,— деб ҳикоя қилади Фёдор Ефремович. — Қўмондонлик плацдармин ишғол қилиш учун аввал фақат бир полк юборишга қарор қилди. Мен кечув учун соҳил яқинида турган пароходда фойдаланмоқчи эдим, лекин гитлерчилар авиацияси уни бомбардимон қилиб, ёндириб юборди. Қайиқлар, соллар, юк кемалари сингари ўнг келган воситалардан фойдаланишга тўғри бўлмади. Бошқа жангларда бўлса-ку душман сени саваласа, сен ҳам қараб турмайсан, аммо бу гал биз жавоб қайтаршига ожиз эдик. Яқин ҳам тўпларимиз соҳилдан мадд бериб турдик. Бари бир, бунақа ноҳуш ва беҳаловат дамларни урушда жуда кам кўрганман. Лекин Ясногородки қишлоғи яқинида нарги соҳилга ўтиб олганимиздан кейин, ерга жон-жаҳдимиз билан ёпишдик, сира бўш келмади. Дастлаб кичик бир плацдармин эғзалди. Кейин уни кенгайтира бошладик. Бизни Днепрга улоқтириб ташлаш учун фашистлар нималар қилмади, дейсиз! Шу плацдармда қирқ кун олшидик... — дея Фёдор Ефремович хўрсиниб қўйди.

Дарҳақиқат, қирқ кун мубайнида ана шу кафтайд жойда нималар кечганини тасаввур қилиш мумкин. Ҳар квадрат метрга тўғри келган ўқ ва снаряд парчалари Мамай кўрғонидагидан оз бўлмагандир. Аммо жангчиларимиз бу ерда ҳам ғалаба қозонишди. Қўни уша кунларда машур совет саркардаси генерал Черняховский Днепрдан биринчи кечиб ўтган полк командирини подполковник Маковецкийнинг мардлигини ҳикоя қилувчи маълумотномага: «Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига муносиб, деган сўзларни ёзиб қўйди.

Совет ҳукумати 1943 йил 17 октябрда Фёдор Маковецкийга ана шу олий унвонни берди.

Киев, Житомир, Болтиқ бўйи, Львовни, Сандомир ва Одер плацдармларини озод қилишга қатнашиб, полк Қизил Байроқ ва III даражали Суворов орденлари билан тақдирланган бўлса, унинг командирини подполковник Маковецкийнинг кўксидagi Қизил Байроқ орденларининг сони тўрттага эди.

Фёдор Ефремович фашизмнинг уясигача етиб бордию, лекин уруш тугашига 20 кун қолганда, Чехословакия тупроғида каттик жароҳатланди. Подполковник ётган унинг атрофини фашистлар қуршаб олган учун тезда тиббий ёрдам кўрсатиш иложи бўлмади. Аҳвол ноҳорлигини кўрган Маковецкий:

— Мен томонга ўт очинглар! — деб буюрди.

Бу — шавкатли командирнинг охириги буйруғи эди.

Тўпчилар буйруқни адо этиб, иморатнинг устки қаватларини учириб юборишди. Фашистлар ҳалок бўлди, аммо Маковецкийнинг ўзи ҳам харобалар остида қолди. Солдатлар ўқлар химояси остида вайрона ичига кириб, командирини топиб чиқшди.

У госпиталда кўп ётди. Медиклар қаҳрамоннинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қарий икки йил курашишди. Фёдор Ефремович 1947 йил август ойида истефого чиқди. У, жонажон Белоруссиясига қайтиб келиб, мана ҳозир Витебск шаҳрида истиқомат қилмоқда.

Самарқандда ўзбек аёли гаплаганча оддийгина қизил аскар ана шундай шонли йўлни босиб ўтди. Уша аёлнинг ўғли Эргаш ҳам шу йиллар мубайнида улғайиб, Ватан учун жанг қилган, бу гал белорус тупроғини газандлардан тозалашда Фёдор Ефремовичга ёрдамлашган бўлса ажаб эмас.

Авалгил йили Фёдор Ефремович Ташкентга ўзининг жонажон билим юрти — В. И. Ленин номидаги умумқўшинлар командирлари билим юртига келди. Мен у билан ўша ерда танишим ва у менга ўзи босиб ўтган сермазмун, жанговар ҳаёт йўли ҳақида мана шуларни ҳикоя қилиб берди.




Ватанимизнинг пойтахти Москвадаги Горький номи маданият ва истироҳат боғида 28 август тонгидан карнай-сурнай, доира садолари янграб, пойтахт аҳлини Қовун сайлига чорлади. Байрам либосидаги хибонлар, майдонларда серқуёш республикада далаларида етиштирилган ширин-шанкар қовунлар ва бошқа мевалар... Москваликлар саҳий ўзбек тупроғи ноз-неъматларидан баҳраманд бўлдилар. Қовун сайли — халқларимиз дўстлигининг ёрқин намоишига айланиб нетди. Бу саҳифалардаги суратларда ана шу байрам манзаралари акс эттирилган: 1. Москваликлар Ўзбекистон деҳқонларини қизгин кутламоқдалар. 2. Қовун сайлига марҳамат! 3. Серқуёш ўлкамиздан пойтахтга тухфа. 4. Фарғонадаги 1 Май номи колхознинг аъзоси Абдихон Алигавҳаров ўзи етиштирган қовунлари билан фахрланади. 5. Бухоро раёнидаги Фрунзе номи колхоз полизчилари ўз меҳнатларининг самарасини нўз-нўз қилмоқдалар. 6. Когондаги «Бухоро» совхозининг миришнор агрономи Хўжа Ҳайитов. 7. Ширикан чашнагирлари. 8. Пазанда Карим Маҳмудовнинг қовун сўйиши ҳам санъат. 9. Пахтакор раёнидаги Энгельс номи колхоз ҳаваскорлари ўз маҳоратларини намоиш этмоқдалар. 10. Дугоналар. 11. Москваликлар қойил.

С. БЕЗНОВ фотолари



КОЗУН САЙМУ



ИНСОН ҚАЛБИНИНГ ТУҒЁНИ

ЯНА ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ҲАҚИДА

Ж

амият тарихининг бурилиш нуқталари буюк шахсларга эҳтиёж сезади ва уларни майдонга келтиради. Ана шундай гениал сиймолардан бири буюк ўзбек шоири Навоийдир.

Алишер Навоий адабий ва илмий фаолияти билан ижтимоий тафаккур тарихида буюк бурилиш ясаган улуг зотдир. Шу жиҳатдан у Уйғониш даврининг даҳолари билан бир қаторда туради. Худди Данте сингари, Навоий ўзидан олдинги ўзбек адабиёти, санъати ва ижтимоий тафаккурига яқин ясаб, унинг кейинги тараққиёти йўлларини белгилаб берди. Шунинг учун ҳам буюк шоир ижодида ўрта аср адабиётига хос мифология унсурлар, шартлилик, рамзийлик ва аллегоризм билан бир қаторда, инсон эҳтиросларини реал акс эттиришга интилиш, замон воқелигининг муҳим хусусиятларини, моҳиятини ифодалаш каби янги давр адабиётига хос хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топгандир. Масалан, «Фарҳод ва Ширин»даги ворис орзусида юрган шоҳнинг фарзанд кўриши, тилсимни очиб, дев билан олишув ўрта аср эпосига хос хусусиятлардир. Умуман олганда, Фарҳод образининг ўзи ҳам туркий халқлар ривоятларида ер ости дунёсининг қадимий худоси, бинокор ва сангтарошлар ҳомийси саналган. Бироқ афсонавий унсурлар дostonнинг асосий мағзини ташкил этмайдди. Дostonда шоирнинг асосий мақсади халқнинг орзу-умидлари, идеалларини ифодалашдир. Шу жиҳатдан қараганда дostonда разолат ва зулмининг танқид қилини-

ши, ўзаро феодал урушлар, тож-тахт талашув кабиларнинг қораланиши, барча билимларни эгаллашга интилувчи синчов инсоннинг кўрсатилиши муҳим аниғлик эди. Айниқса тош қазувчиларнинг машаққатли меҳнати тасвири диққатга сазовордир.

Навоий ижодида романтизм кучли. Бироқ, Навоий асарларида инсон эҳтиросларини таҳлил қилиш билан, инсоннинг бутун қудрати ва ожизликларини ҳам, фазилат ва «ғуноҳ»ларини ҳам кўрсатишга интилади. Шоир ўрта аср жаҳолатига, диний ахлоқ ва таассубга қарши инсоннинг исёнини ифодалайди. Шахсини феодал ва диний бидъатлар исканжасидан озод қилишга чақиради. Хуллас, Навоий ижодида романтизм реалистик унсурлар билан уйғунлашиб кетади.

Маълумки, реализм жамиятда буржуа муносабатлар билан биргаликда пайдо бўлиб, капитализм қарор топган шароитдагина ижодий метод сифатида шаклланади. Негаки, капитализм қарор топиши баробарида унинг чиркин иллатлари ҳам юзага чиқа бошлайди. Бундай шароитда романтик орзуларнинг ўзига инсонни бахтли қила олмаслиги, бахтга эришиш учун жамиятдаги барча ғайри инсоний нарсаларни фoш этиш зарурлиги аниқ бўлиб қолади.

Ф. Энгельс Уйғониш даврини буржуа жамиятнинг тонги, деб таърифлаган эди. Навоий даври ҳам Шарқ тарихида буюк бурилиш ясаган Уйғониш даври бўлиб, ижодда реализмга хос хусусиятларнинг пайдо бўлиши табиий эди.

Навоий ўз салафлари изидан бориб, улар-

нинг аънаналарига амал қилибгина қолмай, янги давр талаби билан яшаган замонаси хусусиятларини ҳаққоний кўрсатишга эришади. Шоир «Лайли ва Мажнун» дostonида, ўзидан олдингилар сингари аънавий нарсаларинигина эмас, инсон кечинмаларини, унинг қайғу ва изтироблари, қалб туғёнини рўйирос тасвирлашни мақсад қилиб қўяди.

Буржуа адабиётшунослари ва тарихчилари Шарқда Уйғониш жараёни юз берганлигини тан олгилари келмайди. Бу билан улар ўзларининг фақат Ғарбнинг инсоният тарихида маданият тарқатувчисию Шарқ эса қоқоқ деган сийқа уйдирмаларини тасдиқламоқчи бўладилар. Шарқда тарихий тараққиётнинг ўзига хос йўллар билан борганлигига қарамай, ижтимоий тараққиёт қонуниятлари ҳамма учун умумий эканлиги ва шу умумий қонуниятларнинг турли мамлакатларда турлича кўринишларда юз бериши мужкинлиги фанда аллақачон исботланган. Ғўри, Урта Осиёда капитализм қарор топмади. Фақат XX аср бошларига келибгина бу ерда капиталистик муносабатлар жонлана бошлади. Шундай экан, буржуа муносабатларининг юзага келиши билан боғлиқ бўлган Уйғониш жараёни Шарқда ҳам юз берган деб айтиш баъзи совет адабиётшунослари ва тарихшуносларига ҳам эриш туюлади. Модомки, тарих далилларига мурожаат қилсак, Уйғониш давридан кейинроқ капитализмнинг қарор топиши шарт эмаслигини кўрамиз. XIII асрдаёқ Ренессанс даврини бошлаб берган Италия капитализмга Европанинг бошқа мамлакатларидан анча кейин, XIX аср охиридагина кирди. Урта денгиздаги мавқеидан, арзон йўлларидан махрум бўлиш оқибатида Италия шундай тушунликка учраган эди. Шу сингари Урта Осиёда ҳам XIV—XV асрларда феодал муносабатларнинг тараққиёти билан бир қаторда буржуа муносабатлар ҳам куртак ота бошлаган эди, деса бўлади. Бу даврда Урта Осиё йирик савдо ва хунармандчилик марказига айланди, шаҳарлар тараққиёт эди, фан ўз даврига нисбатан бекиёс даражада ривожланди. Бироқ янги денгиз йўлининг кашф этилиши натижасида Урта Осиё савдо йўлларининг тушунлиги унинг иқтисодий ва сийсий таназзулига сабаб бўлди. Шундай бир шароитда энди пайдо бўлиб бораётган буржуа муносабатларининг жонлана олмаслиги ҳам табиий эди. Умуман, Урта Осиёда, шу жумладан, Мовароуннаҳрда Уйғониш ҳаракати бўлганим, ёки йўқими деган масала ҳамон мунозарали бўлиб қолмоқда. Тарих ва адабиёт фактлари, бизнингча, ўзбек адабиётида Уйғониш даври бўлган ва у Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ, деб айтишга асос беради. Бунинг учун адабиётларни қийсий ўрганиш, ўзбек адабиёти фактларини Европа адабиёти фактлари билан таққослаш аниқсика яхши самаралар бериши турган гап. Шунда ўзбек адабиётида Европа адабиёти билан муштарак бўлган бир қанча жараёнларни пайқаб олиш ва ҳозиргача маълум бўлган фактлардан бир қадар бошқачароқ хулосалар чиқариш имкони тугилади. Кейинги йилларда мамлакатимизда эълон қилинган бир қанча тадиқотларда Шарқда Уйғониш даври масаласи фойдасига айтилган фикрлар олға сурилдики¹, бу ҳам мазкур муаммонга чуқурроқ ўрганиш вақти етганлигини кўрсатади.

Буржуа жамиятига келиб ҳар қандай ахлоқ қондалари, барча муқаддас саналган нарсалар оёқ ости қилинади, пул жамиятини ҳаракатга келтирувчи кучга айланади; тамағирлик, қаллоблик, мунофиқлик, олтинга сажда қилиш расм бўлиб қолади. «Буржуазия,— деб ёзган эди Ф. Энгельс,— диний ҳаяжон, жувонмардлик завқи-шаъқи ва мешчанлик ҳиссийларини манфаатпарастликнинг муз дарёсига фарқ қилиб юборади. У инсоннинг шахсий қадр-қимматини алмашув қимматига айлантириб қўяди

¹ Шу масалага бағишланган ишларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир: Н. И. Конорад Запад и Восток. Статъи, М., «Наука», 1966; А. М. ец. Мусульманский Ренессанс, М., 1966; Литература эпохи Возрождения и проблемы всемирной литературы, М., «Наука», 1967; Теоретические проблемы восточных литератур, М., «Наука», 1969; М. Хайруллаев, Шарқ Ренессанси ҳақида, «Гулистон», 1970, 8-сон ва бошчалар.

ва инъом қилинган ҳамда эришилган жуда кўп хурриятлар ўрнига шарм-ҳаёни билмайдиган биргина савдо-сотик хурриятини келтириб чиқаради¹. Улугъ италян шоири Данте ўзининг машҳур «Илоҳий комедия»сида буржуа жамиятининг тонгидаёқ шундай разил иллатларни фош этган, замонанинг беъаъниликлар билан тўлиб кетганлигини, гуноҳсизлар ер билан яқсон қилинган ҳолда, жиноятчилар эъзо-ланаётганлигини кўрсатган эди. Олтинга сажда қилишга қаллоб ва юлғичларга қарата Данте шундай дейди: Олтин ва қумуш сизнинг тағирингиз бўлиб қолди; ҳамма биргина худого сиғинса, сиз юзлаб маразликларга сажда қилдиларин тортинмайсиз».

Иккинчи тараққийёт қонунларини тўғри англаш даражасига кўтарила олмаган бўлса ҳам, Алишер Навоий, ўз давридан анча олдинлаб кета олди. Зотан, В. И. Ленин айтганидек, санъаткорнинг буюклиги бизнинг замонамизга нисбатан нималар бера олмаганлиги билан эмас, ўз замонасига нисбатан нималар бера олганлиги билан ўлчанади. Данте ва Уйғонув даврининг бошқа улғу зотлари сингари, Навоийнинг буюклиги ҳам шундаки, у фақат диний таассуб ва феодал жамият иллатларини танқид қилибгина қолмасдан, эндигина пайдо бўлиб келётган буржуа муносабатларини ҳам пайқай олди, уларнинг нақадар ғайринормаллигини, жамият учун қанчалар фалокатлар келтириши мумкинлигини олдиндан сеза билди. Худди шу масалага келганда Навоий танқиднинг беъноҳ аччиқ ва ҳаяжонли тус олиши ҳам диққатга сазовордир. «Ҳайрат ул-аброр» дostonининг тўртинчи мақолотида Навоий бойлик, олтин учун одамгарчиликни, диянатни ер билан яқсон қилувчи, виждонини ҳам, имонини ҳам сотувчи, нафс балосига учраган очкўз шахсларни қаттиқ қоралайди. «руҳин нафс олда кул айлабон, ҳуллани дам-жама жул айлабон» яшовчи мурдорларни ҳамма «ёмондин ёмон» қишилар сифатида танқид қилади. Бойликка ҳирс, бахиллик ва пасткашликни Навоий дунёда энг разил иллатлардан санайди, айниқса «олмага майлу ҳирс» шoirига энг кеңиб бўлмас кусур бўлиб кўринад. Саид Ҳасан Ардашерга ёзган мактубида эса Навоий иллатлар билан ўзга бораётган замонаси ҳақидаги фикрларини умумлаштириб, олтин, бойлик учун ҳеч қандай қабих жиноятлардан ҳам тоймайдиган очкўз ва пасткаш қишилар ҳақида зўр изтирсб ва заҳарханда билан ёзади:

Қаро пул учун айлабон қатл фан,
Улуқтин тамая айлаб, аммо қарфан,
Не вайронда эски таноби билди,
Илдон соғиниб гаяж даъвин қилди.
Қизил олтуни истаб қаро тоштин,
Фатак гўйи бир дона хашхоштин...

Мана шундай иллатлар шоирни қаттиқ ташвишга солади, унинг ташвишлари шу даражага бориб етадики, Навоий «олам аҳлида тамъасиз йўқ киши» деган хулосага келади. Бугина эмас. Навоий ўз асарларида буржуа-лашайётган типларни ҳам кўрсатиб бера олган. «Сабъаи сайёра» дostonидаги Мудбир шундай шахслардан бири деса бўлади. Мудбир пасткашлик, очкўзликнинг муҷассам тимсолидир. У уддабурро, ёлгончи, мунофиқ ва қаллоб. Шубҳасизки, бу хислатларни Навоий ўз замонасидан, реал воқеликдан олган. Агар Мудбирни романтик образ дер эканмиз, бунга қаҳрамон тақдирининг ечимигина сабабчидир. Чунки Навоий ана шу қаҳрамон тақдирини романтик тарзда ҳал этади: Мудбир ёлгон гапириб қорни ёрилиб ўлади. Бу нарса образга ўрта аср адабиётига хос дидактик руҳ беради.

Алишер Навоийнинг ўрта аср шароитида савдо ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши, шаҳарларнинг тараққий этishi натижасида куртак отиб бораётган буржуа муносабатларини пайқай олган ва уларни аёвсиз танқид қилганлигини таъкидлаш Навоийни капитализмга қарши курашчига айлантиришга уриниш бўлмас керак. Шунингдек, Навоий ижодини фақат романтизм нуқтаи назаридангина баҳолаш, унда анъанавий нарсалар қобигига ўралган реалистик тенденцияларни кўрмаслик ҳам Буюк шоир яратган образларни талқин этиш-

да маълум даражада бир ёқламалик олиб келиши турган гап.

Навоийшуносликда анкиланганидек, Навоий жабрланган халқнинг ҳуқуқларини ёқлайди, зулмга қарши исён кўтарган халқнинг ҳақли талабларини қондириш ва улга ноҳақ жабр етказган ўзбошимча амалдорларни жазаолаш лозим деб ҳисоблайди. Бироқ Навоий феодал тартиблар, бебошлиқлар, узаро қонли урушларни қаттиқ танқид қилганлигига қарамай, феодал тузум ва истибдогга қарши революцион кураш йўлини ёқламайди. Аксинча, жамиятни яхшилаш ва мамлакатни фаровонликка олиб бориш учун шоҳлар адолатли бўлишининг ўзинга кифоя, деб билади, кўзголон кўтарган халқ билан феодал давлат ўртасидаги ҳал қилиб бўлмас зиддиятларни муросага келтириш йўли билан бартафат этиш мумкинлигига ишонди ва ўзининг амалий фаолиятида ҳам буюк гуманист шоир шу эътиқоддан келиб чиқиб ҳаракат қилади. Зотан, Навоийдан ўша шароитда бундан ортиқрогини талаб этиш ҳам мумкин эмас эди. Ф. Энгельс М. Гарнессга ёзган мактубида Балъзак ижодини таҳлил қилар экан, унинг буюк реалист сифатида ўз эътиқодларига қарши бориб, ўз синфининг душманлари бўлмиш оддий меҳнаткашларни, баррикада қаҳрамонларини зўр муҳаббат билан тасвирлаганини таъкидлаган эди¹. Шу сингари, Навоий ҳам, гарчи феодал жамият асосларини лараза солувчи кураш йўлини қуватлашдан узоқ турса-да, гениал санъаткор ва реалист сифатида ўз эътиқодларига зид равишда асарларида феодал зулмга қарши халқ оппозициясини ифодалашга чариб етган, деган мулоҳазани айтсак, хато қилган бўлмаски. «Сабъаи сайёра» дostonининг бешинчи ҳикоясида севги ва садоқат, инсоф ва адолат, мардлиқ ва қаҳрамонлик дунёси разолат ва адолатсизлик, мунофиқлик ва мақр дунёсига қарши қўйилади. Қароқчи Жобир барча ёмонликларнинг, разолатнинг тимсоли сифатида берилди. Бундай тарихий конкретликдан узоқ бўлган маъмув тушунчаларни ифодаловчи типлар романтизмга хосдир. Бироқ Навоий талқинидаги Жобир шахсида эса маълум даражада конкрет синфий хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топган. Гарчи Навоий Жобирнинг қароқчилиги сабабларини кўрсатмас ҳам воқеалар моҳияти ва образнинг мантиқидан маълум бўладики, Жобир феодал зулм ва истибдог шароитида жабр чеккан ва шу жабр-жафолар учун ўз золимларидан қасос олади. Шу сабабдан ҳам у кемаларга ҳужум этар экан, барнага ҳам ёмонлик қила бермайди: шоҳлар ва шаходаларни асир тушириб, уларга азоб бергани ҳолда, оддий кишиларга зарар етказмайди, уларни қўйиб юборади. Иккинчидан, Жобир сингари шахслар аслида жабр қилувчи бўлиб яралган бўлмай, синфий жамиятнинг, мулкий тенгсизлик ва ҳақсизликнинг маҳсули, қурбондир. Шу жиҳатдан Жобир разолат тимсоли бўлган салбий образдан кўра адолатсизлик ва зулмга қарши исён кўтарган қасоскорга кўпроқ ўхшаб кетади. Бу нарса уни маълум маънода ижобий образ дейишга ҳуқуқ беради. Алишер Навоий гарчи Жобир образини барча ёмонликларнинг тажассули бўлган шахс сифатида кўрсатишни мақсад қилиб қўйса-да, гениал санъаткор сифатида ўзи истар-истамас бу образ орқали феодал жамиятга қарши халқ курашининг реал хусусиятларини романтик қобикда ифодалайди. Афсуски, Жобир образининг бу хусусиятлари ҳақида навоийшуносликда ҳалғича бирор фикр айтилган эмас. Бизнингча, бу хусусиятлар Навоий даҳосининг нақадар буюклигини яна бир бор исботлаш, уни Уйғонувнинг буюк арбоблари қаторига қўйиш учун асос берадиганга ўхшайди.

Умуман айтганда, Ренессанс санъати эҳтирсил гуманизм санъатидир, инсон эрки ва имкониятларини чекловчи барча таассубларга, хурофот ва бидъатларга қарши инсон қалбининг тугъиндир. Худди шу хусусиятлар буюк Навоий ижоди учун ҳам хос. Зотан, Навоийнинг ўзбек адабиёти тарихидаги беқиёс хизмати ҳам шу билан белгиланса ажаб эмас.

Азиз РАҲИМОВ

Москва

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Об искусстве. М., 1957, т. I, стр. 12.

Тоғда

Қиш,
Далалар бағри соғуқдан инграр,
Аччиқ алам билан тебранигандай тор.
Осмонга қўл қўзиб энтикаётган
Дарахлар шохида қатлам-қатлам қор.
Егинида турган арча тагидан
Юлдуз унган каби, қочди бир жайрон
Тез мўлжалга олдим,
Тўхтаб боқди у,
Шафқатсизлигимдан бўлибми ҳайрон...
Бехосдан титраган бармоқларимни
Тепкига босишдан сақлаб бир куч.
Қалбимда сақланган енгилтак ният
Гўзаллик олдида бўлиб қолди пуч.
Кўксимнинг тўрини иситиб кетди
Майини ниғоҳидан млик ҳарорат,
Ҳайратда қолдирди,
Бу тоғ малаги
Диллимда уйғотиб ажиб муҳаббат,
...Жилваю ноз билан, раққоса каби
Соллона-соллона жунади инкилган.
Чўчитмай, дегандай, тоғ соқимлигин
Гўёки ел каби босарди қадам.
Издан термултиб қолдим: дилимни
Секин ўраб олди бир нозик туйғу.
Гўзалдик бобининг мазмуни бўлиб
Хотиранда қолди шу дилбар оқу.

Боғда

Кенг йўлдан борардим,
Қўлоччи очди
Боғларга бурканган дилрабо қишлоқ.
Пилдираб ёнимга келган болалар
Саломлаб қўлимга гул тудди қувноқ.
Шу дам пешвоз чиқиб,
Бағрини очиб,
Бизни кутиб олди лўли чол.
Ҳол-аҳвол сўрашиб меҳрибонона,
Ҳовузнинг бўйига бошлади хушқол.
... Елкасида тўрва,
Қўлида таёқ,
Дарбадар дайқирди бу эл бекарор.
Бу ер-чи, тап-тақир биёбон эди.
Йўловчисни каби қултум сувга зор.
Энди атрофига гуллардан гилам,
Қўшлар қўшиғига бўстонлар мазву.
Бундай манзарани,
Бундай жойларни
Лўли ажододларни кўрмаган мангу.
Гашт билан колхознинг боғин айландик.
Тераклар сарвкомат қизлардай мағрур.
Шарбатларга тўлқ шигил мевалар,
Борлиқ бағишлайди ҳаловат-хузур...

Гузор

Ортиқ ЖУРАЕВ

* * *

Йироқлардан бир наво оқар,
Йироқлардан оқар бир наво.
Деразамдан бир юлдуз боқар,
Деразамдан боқадим само....

Типирчилар чалагон уйку,
Типирчилар киприк учиди.
Бир гўзал туш, бир эзгу туйғу
Ва ёлғиз мен хона ичиди.

Ғижимлайди бошимни ҳаёл,
Ғижимлайди қўямасдан сира.
Ҳаёлимда жавобсиз савол,
Ҳаёлимда олис хотира...

Деразамдан тун боқар сассиз,
Деразамдан мўралар туман.
Қараб ётар деразамдан куз,
Қараб ётар юлдузлик маскан...
Юлдузим, сен нега боқмай-сан!..

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Икки томлик танланган асарлар, I том, 11-бет.

ЭРК ВА БУРЧ БАҲСИ

Ёзувчи Пиримқул Қодиров ижоди чуқур замонавийлик руҳи билан сугорилган. Бу — авторнинг асарга мавзу ва қаҳрамонлар таллашида ҳам, конфликт ва характерлар яратилишида ҳам замонанинг асосий тенденцияларини илғаб олиши ва ҳаёт материали таллашида ҳам аниқланиб кўзга ташланади. Бу хусусиятлар ёзувчининг яқинда Ғафур Ғулوم номидаги Бадий адабиёт ва санъат нашриётида босилиб чиққан «Эрк» китобига киритилган шу номдаги қиссасига ҳам тўла таллуқлидир.

Муҳаббат, оила масалалари таангу мавзулардандир. Бу мавзуларда фақат истиснодди ёзувчигина бирор янги гап айта олиши мумкин. Ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган бу асарда ёзувчи улкан муаммоларни кўтарди. Улардан баъзилари бир қарашда унча зур аҳамиятга эга эмасдир, аммо аслида муҳим ҳаётий аҳамиятга молик масалалардир.

Пиримқул Қодиров қиссасидаги ухшаган муаммолар рус адабиси Галина Николаеванинг «Йўлдаги курашлар» романида ҳам кўтарилган эди. Романнинг ижобий қаҳрамони Бахирев — уйланган, икки боланинг отаси. У ҳаммаси ва ҳамфири — Тинани севиб қолади. Уларнинг ҳар иккаласи улкан муҳаббат эгалари. Лекин Бахирев хотини ва фарзандларини ташлаб, севилгиси Тина билан бўла олмайдди. Афтидан, адиба севимли қаҳрамонлари мақсадларига эришса Бахирев образининг қадри пасалди, китобхон қаҳрамонининг фаолиятига, унинг олижаноблигига шубҳаланиб қолади, деб ўйлаган бўлса керак. Ўз вақтида шу муносабат билан китобхонлар қизгин бахslashишган, газета-журналлар саҳифаларида мунозаралар бўлган, бу баҳсларда бир-бирига зид турлича фикрлар ўртага ташланган эди.

Агар аёл ҳаётда эридан орқада қолган бўлса нима қилиши керак? Бунинг айбдори ким? Фақат хотин кишигина азоб-укубат чекишга маҳдудми? Эр ночор, нотавон хотинини, оиласини ташлаб кетишга ҳақинми? Г. Николаева романида шу наби масалалар ҳақида баҳс

юритади. Адиба ягона тўғри бир йўл — нима қилиб бўлса ҳам оилани сақлаб қолишдир, деб ҳисоблайди. Мураккаб муаммони бундай ҳал этиш бир ёлмаллик, албатта. И. Виноградов наби баъзи таънидчилар бу қарашга қарши чиқиб, кўрган кучи гурбатдан иборат оилани деб муҳаббатдан воз кечмаслини керак, дейдилар. Чунки бир уйда яшаб, бир-бирига маънан ёт бўлиб қолган эр ва хотин ҳеч қачон бахтиёр бўлолмайдилар.

Пиримқул Қодиров эса масалага тамоман бошқача ёндашди. Ёзувчи оилавий можароларнинг илдизларига теран назар ташлай билди.

Адиб учун қиссанинг барча қаҳрамонлари қаррли. У асар бош қаҳрамони Саттор билан Розияни айрилиқда ташлашни истамайди. Шу билан бирга автор Ойшани ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйишни хоҳламайди. Унинг бурчи бунга йўл қўймайди. Ёзувчи уч ёш инсон олдида кўндаланг бўлиб турган мураккаб, ҳаётий масалага бир ёқлама жавоб беришдан қочади, муаммони оқилона ҳал этади.

Лев Толстой, барча бахтли оилалар бир-бирига жуда ўхшайдилар, лекин ҳар бир бахтсиз оила ўзинча бахтсиздир, деган эди. Сатторнинг оиласи ҳам ўзига хос бахтсиз оилadır. Бу чигал муаммони оқилона ҳал этиш қисса қаҳрамонларининг ҳар бирига баб-баравар боғлиқдир. Кимдан-ким заиф, иродасиз бўлса ўша ютқазди. Аммо, автор қаҳрамонларининг пировард-натияжада мавжуд мушкул аҳволдан тўғри йўл топиб чиқа олишларига, уларнинг бир-бирларини тўғри тушунишларига умид билдиради. Кўп нарса Ойшага ҳам боғлиқ. У ўзининг инсонлик қадр-қимматини англаши ва икки севилганининг йўлидан кетиши керак. Бу — Ойша ҳаётдан ўз ўрнини топиб олгандагина, инсон эрининг нима эканлигини тушушган таъдирдагина амалга ошиши мумкин.

Асар қаҳрамонлари — бизнинг замондошларимиз. Улар ҳам сиз билан биз дуч келаётган масалаларни ҳал этадилар. Уларнинг харан-

терларида, хатти-ҳаракатларида замонамиз руҳи аниқ сезилиб туради. Асар қаҳрамонларининг шахсий ҳаётлари кун сайин қайта яшараётган, янада гўзалроқ бўлиб бораётган улкан шахарнинг иктимой ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бош қаҳрамон — Сатторнинг шахсий ҳаётини, оилавий бахтини топиш учун курашиши қайта яшанаётган шахар қурилиши фонида ифодаланиши табиийдир. Саттор инсоннинг олға боришига, инсон сифатида камол топишига ҳалақит бераётган ҳар қандай нарсасга муро-сасиз: «Озодлик офтоби нур сочиб турганда одамнинг қалбида бор энг яхши кучлар ўй-ғонса, бу кучларга йўл очилса, эри берилса, ана унда кишининг бутун умри хахонсиз бир гул бўлиб очилади... Озодлик офтоби ҳар бир юракда ўзгача бир гул бўлиб очилса, эри дегани ана шу бўлади», дейди Саттор. У инсоннинг чинакам эри соҳиби бўлишига интилади, бахтиёр ҳаёт кечирishiни чин дилдан истайди. Саттор Ойша қалбида ҳам эри тушувчаси муштаҳам ўрин олишини орзу қилади.

Қиссада анъанавий маънодаги ижобий ва салбий қаҳрамонлар йўқ. Уларнинг ҳаммаси ҳам ижобийдир. Бу — чигал аҳволни янада чигаллаштиради. Албатта, ёзувчи учун образлардан бирини салбий қилиб кўрсатиш жуда осон эди. Адиб шундай йўл тутганда масала гоят осонлик билан ҳал бўлади.

Ёзувчи қиссанинг барча қаҳрамонларини самимий муҳаббат билан тасвирлайди. Шу сабабли китобхон ҳам қаҳрамонлар билан бирга изтироб чекади, қувонади, машаққат тортади, қаҳрамонларга ёрдам бергиси келади. Бош қаҳрамонлар характерлари ривожини икки йўналиш бўйича боради. Биринчи йўналиш — Саттор ва Розиянинг фаолияти, иккинчиси — уларнинг шахсий ҳаёти. Ҳар икки сюжет чизиги бир-бири билан чамбарчас боғлиб кетган ва улар ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатади. Шунга кўра, икки йўналиш-ни алоҳида-алоҳида ажратиб қараш мумкин эмас.

Биз асар қаҳрамонлари билан улар ҳаётининг ҳал қилувчи бир даврида танишамиз. Ёзувчи қаҳрамонлар характерлари тараққиёти ва шаклланишини кўрсатишини ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Унинг олдида аниқ ният — қаҳрамонлар ҳаётидаги асосий муам-

Тақриз

ҚУВНОҚ КИТОБ

Максим Горький болалар адабиёти ҳақида бундай деган эди: «Бизнинг китобларимиз қуруқ насихат ёки қўлоқ тенденцияси бўлмаслиги лозим. Асар образлар тили билан гапирши, бадий бўлиши керак. Бизга болада юмор ҳиссини ўстирадиган, қувноқ китобчалар ҳам зарур».

Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» деган қиссасини ўқирганман, улуг устозининг ана шу мулоҳазаси беихтиёр ёдимга тушди. Бу қисса ҳозир Москвада, рус тилида ҳам «Сехрли қалпоқча» номи билан чоп этилиб, Иттифоқнингиздаги йўлгина ёш китобхонларни беҳад қувонтирди. У «Совет халқининг иккинчи, жанговарлик ва меҳнатдаги анъаналари» мавзуга бағишлаб ўтказилган бола-

лар учун яратилган энг яхши асарлар Бутуниттифоқ конкурсида муносиб таъдирланди. «Сехрли қалпоқча» шу конкурснинг факрий дипломи билан мунофотланиб, мамлакатимиз халқлари тилларида нашр этишга тавсия қилинди. Бу — ўзбек болалар адабиётининг ютуғидир, албатта.

Қиссанинг бош қаҳрамони қувноқ ва тадбиркор Ҳошимжон. Ёзувчи уни асарнинг ҳар уч бўлимида тўла кўрсата олган; хушчақчақ, ўйинқароқ, аввал адабиёт, сўнг эсини йиғиб олган ўқувчи боланинг ўзига хос образини яратган.

Асарнинг дастлабки саҳифаларида Ҳошимжоннинг мактабдаги «иераксиз» ўқишини ташлаб, меҳнатсиз-машаққатсиз, осонлик билан мақсадга эришиш учун уйдан чиқиб кетганлиги, сехрли қалпоқча ёрдами билан олам кезганлиги ҳиноя қилинган. Ҳа, Ҳошимжон қалпоқчанинг қудрати билан истаган нарсаси-

ни муҳайб қилиб бораверади... Аммо ниятга етган сари, эришаётган ютуқларни сароб сингари йўқолиб, шарманда бўлади. Ниҳоят, бола ишлайми, илм эгалламай туриб бирон нарсасга эришиш мумкин эмаслигини англайди, ўз она қишлоғига қайтиб, қалпоқчани толган ерига элтиб қўяди.

Ёзувчи нутқималга ҳодисаларни тасвирлаш асосида икки тарбиявий масалани ҳал этади: биринчидан, бахтли турмуш кечирish учун ўқиш, меҳнат қилиш кераклигини тушунирсан, иккинчидан, кичкинтойларни натаалар дунёси, гўзал табнат, турли характердаги одамлар билан, инсон куч-қудрати, заковати билан, сахрою биёбонларда барпо бўлаётган шахар ва қишлоқлар, у ерлардаги фаровон ҳаёт билан таништиради.

Республикамизнинг гўзал жойлари, азим Мирзачўл, жонанон Тошкент, меҳмонхона, стадион, улугвор қурилш манзаралари кўз олдимиздан ўтади. Буларнинг ҳаммасини китобхон Ҳошимжон билан бирга ҳис этади.

Қиссада хилма-хил портретлар берилган: оқ кунгли Рўзвийота, меҳрибон, лекин қаттиққўл она Бибиробия, мактаб директори Отажон

Қушлар

Осмонда учган қушлар,
Қайга тушди йўлингиз!
Қайларга учсангиз ҳам
Домж омон бўлингиз.

Сизга очар кенг қучоқ
Қанча эллар, манзиллар.
Эҳтимол сизга муштоқ
Неча-неча кўнгилллар.
Эҳтимол сизни кутар
Олсиздаги дўстларим.
Гапимга қулоқ солинг,
Бирпас тўхтанг, қушларим.
Дўстлар мени сўраса,
Бахти жаҳон-жаҳон, денг.

Сизмайди юрагига,
Қувноқчи бепойи, денг.
Умидлари тўлқинли,
Ҳис-туйғуси уммон, денг.
Азим Тошкент қўйнида
Домж соғу омон, денг!
Истиқболим пурзиб,
Мисли нурдан битилган.
Жонажон боғларимнинг
Мевалари етилган.

Қалбимдаги оловнинг
Елқинини, тафтинин
Мисрага кўчираман,
Мен гўзаллик мафтунин.
Шу бахтлиму фахримини
Сўйлаб беринг, қушларим.
Беармон ҳар дамидан
Хабар топсин дўстларим.

РўЗИ ҚОДИРИЙ

мони тасвирлаш масаласи туради. Ёзувчи уларни оғир маънавий синовлар ичидан олиб ўтади.

Розия ва Саттор образлари гўзал яратилган. Улар — замонавчи фарзандлари. Ҳар иккала қаҳрамон ҳам олижаноб, адолатли, меҳнатқаш кишилардир. Китобхон уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, муносабатларини меҳр ва ҳайрихоҳлик билан кузатади, шодлик ва ташвишларини ўз шодлиги ва дарди каби ҳис этади. Хусусан, Розия ва Сатторнинг висол лавҳалари жуда чиройли чизилган. Бу эпизодларда севилганларнинг қалб кечинмалари гўзал ифодаланган. Бу эса образларнинг мукамал, ҳаётий ва нафосатга бой қиңишига ердам берган.

Розия ҳам, Саттор ҳам ёш, бир-бирини чин юракдан севган кишилар. Улар ўз шаҳарларини, ҳаётини севадилар. Уларнинг ҳаётга қарашларидаги кўп жиҳатлар муштарак. Бир-бирларининг дилларидagini бир оғиз сўзданоч тушуниб оладилар. Аммо улар оила куриб, бахтли бўлишлари мумкин эмас. Чунки Саттор уйланган, унинг боласи бор. Саттор Ойшани ҳеч қачон севган эмас, ота-она орзуси туйфайли уйланган. Йиллар ўтаверади. Саттор ақлини танийди, муҳаббат нисалгини чуқур англаб етади. Унда Розияга нисбатан қудратли бир севги пайдо бўлади. У мушул аҳволда қолади. Оиласини ташлаб, ҳар жиҳатдан унга муносиб бўлган Розияга уйлана олмайдди. Чунки хотини Ойша сарқатган, яхши хотин. Лекин ҳаётдан оранда қолган, ўзини ўзи ҳимоя қила олмайдди. Саттор бунни яхши тушунади, агар уни ташлаб кетса хотинининг ҳаёт гирдобларидан ҳалок бўлишига кўзи етади. Ойша тақдирининг қайғули тургани мумкинлигига ишора сифатда келтирилган бир эпизод шу жиҳатдан гоят характерлидир. Саттордан ачиқи ҳақиқатни — эри уни ҳеч қачон севмаганлигини ва ҳозир ҳам севмаслигини эшитган Ойша алам устида ўзини дарғага ташлайди, фарқ бўлиб ўлишини хоҳлайди. Уни фақатгина Саттор қутқариши, ҳаётга қайтарishi мумкин. Саттор ҳаётини хавф остига кўйиб, Ойшани кутқаради — дарёдан олиб чиқади. Китобхонча, бу ҳодиса Ойша учун ҳам, Саттор учун ҳам ҳисиз кетмаслиги керак, деган фикр тугдарида.

Оила — бу кичкина коллектив. Кўп нарса

оилавий, шахсий ҳаётга боғлиқ. Масалан, Сатторнинг ёнида Розия бўлган пайтда у янада олижаноброқ, кўркамроқ, донороқ бўлиб кетади, ўз йўлидаги ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтади. Сатторнинг кўзига ҳаёт янада гўзалроқ кўринади, муҳаббат кучи уни олға интилишига давлат этади. Ёнида Ойша турганда эса яхши фазилатлари йўқолиб, кўполлашади. Ҳислари кўнлашади. Табиийки, Саттордай одам ўзининг бундай аҳволига кўника олмайдди. Бунини Розия ҳам тушунади...

Уч қаҳрамоннинг тақсиди бирга бўлиб қолиши эпизодда рамзий маънога эгадир. Бу учрашув Розия билан Ойша орасидаги фарқни кўрсатибгина қолмай, Розияни севган — Саттор билан Ойшанинг эри — Саттор ўртасидаги фарқни ҳам ёрқин кўрсатади.

Розия Сатторнинг бўйи кичрайиб, ўзи кенсаяиб, чўкиб қолганини кўради. Оилавий ҳаётдаги чигалликлар Сатторни ортаг сўдрайди. Худди шу вояедан кейин Ойшанин кўзи очила бошлайди. У биринчи марта эрининг ўзи севган аёл билан бирга пайтдаги ҳолатини кўради. Унинг кўзларидаги оташини, сўзларидаги қайноқ ҳароратини сезади. Бу оташ, ҳарорат Ойшага ҳеч қачон насиб этмаган эди. Унда Сатторга етиб олишига интилиш пайдо бўлади.

Саттор ва Розия ҳаётини, улар муҳаббатдаги энг бахтиёр оғилар Максимиш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, Сатторнинг, Максимишлар яқинда келади, деган хабари рамзий маънога эга. Розия билан Саттор Максимишчи ўз уйларида кутиб олишига ваъда берган эдилар. Сатторнинг: «Агар... у одам сизни сўраса... нима дейман, Розия?», деган суроғи Розия учун: «Наҳотки ҳаммаси барбод бўлди, ҳамма орзу-истаклариниз унутилди? Сен мени ҳали ҳам аввалгидек севсанми? Бахтиёр бўлишга умид борми?», деган каби эшитилади. Розия Сатторга шундай жавоб беради: «Мени сўраса, ўзини ҳам хабар беринг. Телефон — бор-ку». Бу билан у гўё шундай дейди: «Бизнинг муҳаббатимиз барҳам топishi мумкин эмас, асло мумкин эмас. Муҳаббатни унутиб бўлмайди! Инсон яшар экан, муҳаббатдан, бахтдан ҳеч қачон ўзи ўғирмайди. Инсон яшар экан, у ҳаминша бахтга интиларади. Бусиз ҳаёт — пуч нарса». Биз Саттор билан Розиянинг бахт учун курашжалларига, уларнинг бахтиёр бўлишларига ишонамиз.

Ойшанинг тақдирини нима бўлади? У энди оилавий ҳаёти, эрининг аҳволи ҳақида ўйлай бошлади. Унинг ўлиги: «Энди нима қиламиз? Қандай қилсам тўғри бўлади?», дейиши Ойша онгда, дунёбарошида юз берган маълум ўзгаришдан далолатлар. Асарни ўқир эканмиз, Ойшанин тўғри йўл топиб олишига ишонамиз.

Пириқул Қодиров аввалги асарларида ҳам коллектив ва унинг ҳаётдаги ўрни, коллективнинг кучи ва таъсирига натта аҳамият берар эди. Ёзувчи бу қиссадда бошқача йўлдан боради: коллективдек зўр куч ҳам ҳал қила олмайдиган инсоний муносабатларни таҳлил этади. Бу ерда ҳамма нарса кишиларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқдир.

Ёзувчи «Эри» қиссасида ҳам ўзининг «Қора кўзлар» романида кўтарилган — ўзбек хотин-қизларининг шахси, уларнинг эркин камол топishi, ҳаётдаги ўрни масаласини тадиқиқ этади. Ахир, муҳит, шароит Ойшани ана шундай пассив, ҳаётга ноқобил қилиб қўйган-ку! Тўғри, ўзбек кишиқларда бугунги кунда замона билан барабар қадам ташлаб бораётган йигит-қизлар кўп. Аслида Саттор ҳам Ойша ўсган муҳитдан чиққан. Лекин у замонанинг илғор тенденцияларини чуқур сезиб олган одамлар тилидан. Ойша эса шароит таъносига кўра даврдан ортада қолиб, дунёбароши чегараланган. Бу — унинг аҳволини янада мушкуллаштиради. Оилавий кўнгилсизлик, бахтсизликнинг илдири ҳам ана шунда.

Қиссанинг хотимаси маънодор. Автор ўз қаҳрамонларини олижаноб, қалби пок инсонлар сифатинда тасвирлар экан, масалани бошқача ҳал этиши мумкин эмас эди. Фақат ҳаёт ва вақт барча нарсани жой-жойига қўяди: улар тақдирини ҳал қилади. Агар Саттор Ойшани ташлаб, Розияга уйланганда Саттор бўлмас эди. Бу — образнинг ҳақиқонийлигига футур етказар ва китобхоннинг ишончига соя ташлар эди. Аммо биз аминимизки, Саттор хотин билан аввалгидек муносибатда бўлмайди. Назаримизда, Саттор асар сўнггида тасвирланганидек, у қадар иродаси бўш одам эмас. Чунки, у Ойшани жар ёқисидан қайтариб келишига ўзида етарли куч топа олди. Шундай адолатли инсоннинг бахтиёр бўлишига ишонгимиз келади.

А. Мир, Саттор Ойша
Бизнинг қиссаси Нодира БОБОВА
Ўқиниб эди кў. Саё келишароқ
Тўқибди

Такриз

Азизович, Ҳошимжонга «икки» баҳо қўйишда ҳеч «чарқамайдиган» ўқитувчи Қобилов, оппоқ соқоли кўйсига тушиб турган Поллов тоға, саҳий, қизилқич Саид ана ва бошқалар. Булар ўз ақли, хатти-ҳаракатлари, қиёбалари, насблари ва шу каби индивидуал хусусиятлари билан бир-бирларидан ажралаб турадилар.

Адиб болалар образини чизишга алоҳида аҳамият берган; бетонд «иккичи», галдон Ҳошимжон, унинг «жондан азиз» синглиси Доно ва Ойша, «ўзи пакагани...» лекин боши тўла ақл» Ориф, «кўнгли очин, хушчақча» Ҳайитвой ва бошқалар ўқувчи хотирасида яхши сақланиб қолади.

Бу қаҳрамонлар китобнинг бошидан охиригача қатнашадилар, характерларининг янги қирралари билан намойиш бўладилар. Бибирония, Сорохан фолбин, унинг ўғли Муробидинхўжа образлари айниқса қизиқарли чиққан.

Асарнинг иккинчи қисмида автор диққатни бошқа бир масалани чуқурроқ ҳал этишга — диннинг реакцион моҳиятини кўрсатиш йўли билан ёшларни атеистик руҳда тарбиялашга қаратади. Биз асар қаҳрамонларини ёзи ка-

никул кунлари тоғ этагинида бир қишлоқда ўтган воқеалар жараёнида кўраемиз. Тасвир оҳангидан шаҳар билан қишлоқ орасидаги тафовут йўқолиб, социалистик қишлоқларимизнинг ҳар тарафлама яшнаётгани, кишиларимизнинг фидри, онги тобора ёришиб, эскилик, хурфот қўйқаларидан ҳалос бўлаётгани сезилиб туради.

Ёзувчи Ҳошимжоннинг ҳаракатлари одамлар билан муносабатларини тасвирлаш орқали хурфотнинг фидри кўроли, унга берилиш эса ҳавфли ва зарарли эканлигини таъкидлайди. Бу мақсадни амалга ошириш учун Ҳошимжон, Сора, Бибиронияларнинг ўзи етарли эмас эди. Шунга кўра, ёзувчи асарга сатирик йўналишдаги янги образларни киритади: Енғоқ, Бодом, Данак қорилар ва уларнинг муридлари пайдо бўлади. Улардаги умийи ва индивидуал хусусиятлар «ваъз» айтиш, «овға қиқиш, пул, амал талашш», «дарвеш»ни қайраш манзараларида тўла очилган.

Қалами фелетончилида қайралган ёзувчининг жамиятдаги салбий иллатларга муросасизлиги унинг бу асарда ҳам аниқ сезилиб туради. Шунинг учун, асарнинг руҳи ҳақида га-

пирганда, унда фақат нувоноқ кулгигина эмас, меъбири билан захарханда анс-садо бериб тургани ҳам таъкидлаш керак.

Учинчи қиссда Ҳошимжон янги дўстлар ортириб, билимдон синфдошлари, меҳрибон, севимли ўқитувчилари таъсирда яхши ҳулқли, ўйишда илғор ўқувчига айланади. Унинг характериданга бу ўзгаришлар ранго-ранг, қизиқарли эпизодлар орнали ҳикоя қилинади.

Қиссада чиройли тасвирлар, гўзал лавҳалар, мунгли, нувоноқ, ҳажмонли қўйишлар, аския, сўз уйинлари, ҳазил-мутойиба кўплай ишлатилган. Буларнинг ҳаммаси китобга файз киритган.

Асар камчиликлардан ҳам холи эмас. Бу кўпроқ характер яратишдаги хомликларда, ҳаётий эпизодлар ва манзаралар чизишдаги ишқоқчиликда кўзга ташланади.

Умуман, ёзувчи Х. Тўхтабоев ўзининг ўзбек болалар адабиётида диққатга сазовор вояеа бўлган «Сарик девни миниб» қиссаси билан адабиётимизда кам тарққий этган ҳажвий жанр ривожига ҳисса қўшди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Қачонки биз

ТУҒИЛДИК...

Қачонки биз туғилдик,
Йигилмик баҳор атри каби
Нур элади хонага.
Биз қувонч бўлдик
Ешу кевса онага...
Қачонки биз туғилдик,
Тақдиримиз узоқ-узоқ ўйладилар.

Тилимиз чиққан замон,
Қанча-қанча эрталарни
Бизга ширин тил билан сўйладилар.
Орта қувончимиз,
Сўнг тиллардан тилларга кўчди
Янги бўлмас-да отимиз.
Кўнличча онамизни куйдирди аммо —
Юракдаги ўтимиз...
Қачонки биз туғилдик,
Биз билан бирга ғамлар
Ҳам туғилди,
Қувончлар ҳам,
Орзулар ҳам...

Ихтиёр РИЗО

Шамол

Тақдир эрмаги деб билар оламин,
Учқундан гулханлар ясар дам-бадам.
Гоҳида ивирсиб, улкан машъалини
Ўқиниб қўйгани билмас ўзи ҳам.
Супурда гирдибод дала, қуллоқни,
Сел олди сойдаги кўҳна қишлоқ.
Кўпирган бўтана босди уйлари
Не-не юракларни айлади абгор...
Лекин, олис уфқ ортида шу кез
Кимлардир бир томчи сувга эди зор.

Асад ДИЛУРОДОВ



Тоғ жылғаси.


В. ТАРАН фотоси.



СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
тахрири остида

«ПОРТЛАШ»

Шахмат тахтасида гоҳо кишига чинакам лаззат бера оладиган комбинациялар вужудга келади. Бунини ўзига хос «портлаш» деса бўлади. Ана шундай портлаш пайтида одатдаги ҳисоб ўз аҳамиятини бир қадар йўқотади: фарзин икки рухга, фил ёки от эса уч пьёдага тенг, деган тушунчалар билан иш қўриб бўлмайди. Комбинация аниқликни талаб қилади, акс ҳолда у барбод бўлади.



1-диаграммадаги вазиятда оқларнинг икки пьёдаси камлигига қарамай қароили комбинация ёрдамида ғалабага эришишни мумкин:

1. Ke2:d4! c5:d4. 2. Фa7:b7+Лb2:b7. 3. Лa8:e8! Кp17:e8. [Бу комбинациянинг гоҳис — рақиб шохини ноқулай, хавфли хонага ўтказишдан иборатдир. Бунда, албатта қора рухнинг ноқулай жойлашгани ҳам ҳисобга олинади. Қоралар 3... Лb4+ўйнаса, 4. Le1 дан сўнг бари бир ўтқазади.

4. Cf3:c6+Лb7—d7. 5. Кp1f1—e2 g6—g5 6. Кpe2—d3 f5—f4. 7.g3:f4 ва оқлар ютади.


Қўриб чиқилган юришлар тартибига эътибор беринг-а: оқлар дастлаб отини филга берди,

сўнг фарзинларни алмаштирди. Агар фарзинлар аввал алмаштирилса, бу комбинация чўқмас эди: 1. Ф:b7+! Л:b7 2.К:d4 [ёки 2. Л:e8] 2... Лb+! Комбинация қилганда ҳар томонни ҳисоблаб, белгиланган юришлар тартибига риоя этиш даркор.

Шахмат ўйнида рақибни маълум юришларга мажбур этадиган турлича воситалар бор. Чунинчи, кишт берадиган ҳар қандай юриш мажбур қилишининг энг зарур йўлидир, чунки бундай пайтда рақиб қўтулиш чорасини қидиради. Мот хавфини тугдириш кишт беришдек қўрқинчли бўлмаса-да, ҳимояланувчи томонни жавоб юришлардан бирини танлашга мажбур этади.

Баъзан мот хавфи остида қолган томон ҳам кетма-кет кишт бериш ёрдамида ўзи учун фойдали режаларни амалга оширишни мумкин. Шунинг учун комбинация қўллаётган томон мот қилиш учун нитилаётганда рақибни, фақат шу хавфдан қўтулиш чорасини излайди, деб ўйласа, янглишади. Чунки ҳимояланувчи томон ҳам ўз навбатида тўсатдан фаол ҳаракат қилиши ва қарши комбинация ёки мажбурий маневр ёрдамида мот хавфи у ёқда қолиб, ўзи устунликка эришиши мумкин.

Бу жиҳатдан машҳур «Дилором моти» жуда ибратлидир Бор-йўғини бой бериб, гаровга ниҳоят гўзал Дилоромни тиккан шох Жамшид бу гал ҳам оғир аҳволда қолади.



2-диаграммада ўша вазият (ҳозирги замон шахмати қондаларига мосланган варианты) акс эттирилган. Жамшид [оқлар] тўрт ёқлама мот хавфи остида. Шу пайт Дилором қўлига соз олиб, қўшиқ айтибди. Қўшиқда яширинган маънони илғаб олган Жамшид ажиб комбинация ишлатиб, мушкул аҳволдан қўтулибгина қолмай, рақибни мот қилган экан. Бунини ўзининг топинг. Қўйидаги икки этюдни ҳам мустақил ечиб кўринг.

1. Оқлар: Крh6, Лf6, Kd4, пьёда с6 [4]. Қоралар: Кp18, Фd8, Ca5 [3].

Шарти: оқлар бошлаб дуранг қилади.

2. Оқлар: Кpe1, Фb7, Ke7 [3]. Қоралар: Кpd3, Фd8 [2].

Шарти: оқлар бошлаб ютади.

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Канадалини табиатшунос олим Парсиад Артикадан люпин ўсимлигининг уруғини олиб келган эди. У лабораториясидаги ҳул қоғоз устига шу уруғлардан бир сиқимини ёйиб қўйди. Орадан 48 соат ўтганда уруғлар унинг чиқди. Олчи ниҳолчаларни тувакчаларга ўрнатиб, гул-

хонага қўйди. Ўсимлик яхши ривожланиб, гуллади. Хўш, нима бўлибди, уруғ бўлгандан кейин унинг ўсади-да, дерсиз? Қизиги шундани, бу уруғлар ўн минг йилдан буён Артиканинг 6 метр қалинликидаги музи остида ётган эди. Уруғлар юз асрдан сўнг унган.

Навбаздаги Алазани дарёси қирғоқларида нинабаргли тис дарахти ўсади. Бўйи 25—30 метрга, танасининг диаметри 1,5—2,5 метрга етади. Тис дунёдаги ўсимликларнинг «оқсоқоли» ҳисобланиб, тўрт минг йилгача яшагач, ҳосил бераркан.

Мексикада асалчи чумолилар бор. Улар далиб турарди. «Бочка»лар танасидаги шарбатни сўриб, асал йиғадилар. Хўш, чумолилар бу асалларни «идиш»ларда сақлайдилар? Олимлар чумолининг очиб ҳайратда қилиши: иннинг ўртаси-

да ҳусайни узум гужуми шаклидаги асал тўлдирилган «бочка»лар осилиб турарди. «Бочка»лар жонли бўлиб, махсус чумолилар асал «идиш»ларда вазифасини ўтар экан. Мабоде бирор хавф пайдо бўлса «бочка»лар иннинг қоронғироқ бурчакларига тиңилиб олар экан.

Кувноқ хандалар

— Дарсга кечикиб келсан. Бебошлик қилсан. Олганинг Нукул икки. Ахир, бу нима деган гап? — деди ўқитувчи.

— Олдинги икки жумлангиз даран гап, кейингиси сўроқ гап, — деб жавоб берди ўқувчи.

— Кейинги пайтларда беғам бўлиб кетяпсизлар, баъзи жойларда ёнгин чиққанда ҳам бемалол ухлайверасизлар, — деди бошлиқ ўт учирувчиларга.

— Кечирасиз, лекин

биз ҳамиша ташвишда ухлаймиз, — деди ўт учирувчилардан бири.

— Нима бўлди? — деб сўради таниши икки навар ҳайдаб кетаётган афандидан.

— Ҳеч гап, — деб жавоб берди у. — Овга кетяпман. Булар милтиғимни кўтариб келишяпти. Орада эса бир гала тозиларим келишяпти! — деди афанди нариронда келаётган подшо наварларига ишора қилиб.

Э. МУЗАФФАРОВ



— Тутундан безор бўлдин.

Хотин: — Мен албатта, янги кўйлак кийишим керак. Эски кўйлагимни ҳамма танийди. Эр: — Яхши, ундай бўлса, бошқа жойга кўчиб кета қолайли.

Кичкина Пауль мактабдан қайтгач, онасига маътанди:

— Ойи, бугун роса омадди келди!

— Ростданми? — деб сўради онаси кувониб.

— Ҳа, ўқитувчимиз мени бурчакча турғизиб қўймоқчи бўлди, лекин ҳамма бурчаклар банд эди.

Сотувчи харидорга қўпол муомала қилди. Бундан жаҳли чиққан харидор:

Чет эл юмори

— Тезда қўпол сўзларингизни қайтариб олинг! — деди.

— Бизда ҳеч нарса қайтариб олинмайди, хоҳласангиз уни фақат нархи тўғри келадиган нарсага алмаштириб беришимиз мумкин, — деди сотувчи.

— Хотинимнинг туғилган кунига нима совга қилсан экан?

— Бунн ўзидан сўра.

— Унга яраша пулим йўқда.

Бир киши трамвайда нимадир еб ўтирарди. Рупарасидаги йўловчи сўради:

— Кечирасиз, нима еяпсиз?

— Олманнинг уруғи. Биласизми, ундан кишиниғ ақли ошиб, эси киради.

— Ундан менга ҳам ўн донача беролмайсизми? — деб гапга аралашди учинчи киши.

— Марҳамат, лекин уч марна берасиз!

Ҳалиги киши уруғни битталаб чайнай бошлади. Тўртинчи уруғни еб бўлгач, тўсатдан:

— Кечирасиз, сиз мени алдасиз. Уч марнага бир нило олма сотиб олган бўлар эдим! — деб қолди.

— Таъсир қилишини кўряпсизми? — деди нулимсираб, уруғ сотган одам.

Немисчадан

Б. МАМАТҚУЛОВ
таржимаси



В. ДУМКИН чизган.

— Кавлайверма, демабимиди?

Бирор жойда одамлар тўпланиб, лотерея билети сотиб олишяётганига кўзи тушса, Зухриддиннинг юраги орқасига тортиб кетеди. Лаблари пирпираб, ранги оқаради. Уша ердан тезроқ ўтиб кетишга ҳаракат қилади. Ахир Зухриддиннинг бошига не-не кўргилликлар солмади бу лотерея!

Аслида айб ўзида. Кўнгилчанлигида. Бўлмаса сигарета сотиб олгани кирган одам, сотувчининг: «Қайтимига битта лотерея бера қолай, зора машина ютиб олсангиз», деган сўзига лаққа тушармиди?

...Уша кунни дарсдан чиқса, ўқитувчилар хонасида редакцияга унча-мунча хат-хабар ёзиб юрадиган мактаб бош пионервожатийси атрофига ўн чоғли ўқитувчини тўплаб, газетадан нималарнидир кўраётган экан. Зухриддин синф журналини кўйди-да, «Мухбир боланинг бирор хабари чиққандир-да», деган хаёл билан бурчакдаги креслога ўтирди. Шу пайт ўқитувчилардан бири унга:

— Дадахўжаев домла, сизда лотереядан йўқми? — деб қолди.

— Бўлса керак, ия, ютуқлар жадвали чиқибдими!

Зухриддин шимининг соат чўн-

тагидан лотерея билетини олди-да, даврага яқинлашди. Ўқитувчилар орасидан билетини муҳбир болага узатди.

Эрталабдан бери лотерея билетларини кўриб беравериб, қайси номер қаерда экани ёд бўлиб қолган вожатий билетини кўлига олиб, бир лаҳзада газетга солиштирди-да, «Ий-ей!», деб юборди. Ўз кўзларига ишонмагандек яна бир бор рақамларни солиштириб кўрди-да, бақирди:

— «Москвич».

Эртасига газетата «Машина муборак» деган сарлавҳа остида адабиёт ўқитувчиси Зухриддин Дадахўжаев 30 тийинлик лотерея билетига «Москвич-412» машиниси

ютугани ҳақида хабар босилиб чиқди. Шу кунни кечаси билан телефон тинмади. Ҳамма қариндош-уруғлар, ошна-оғайнилар, таниш-билишлар табрикларди. Зухриддиннинг оғзи қулдоғида. Хотини Сарвархон қувончдан ўйини тушиб кетай дейди. Болалари Баҳодир, Алишер, Дилбарларни айтмайсизми! Еру кўкка сигишмайди...

Лотерея билети Тошкентга юборилиб, ютуқ келгунча тўрт ой ўтди. Бу орада Зухриддин кечки шофёрлар курсида ўқиб, гувоҳномали бўлди. Таниш-билишлар билан «якка тартибда ювиш» учун ёзда қурортга борамиз деб асраб юрган пулини харажат қилиб юборди.

КЎРГИЛИК

Ҳажвия

Ниҳоят, машина келди. Зухриддин мактаб коллективига алоҳида, Сарвархон ишлайдиган поликлиника ходимларига алоҳида зиёфат берадиган бўлди. Битта гилами, холодильникни сотиб сарф қилишди. Зиёфатлар жуда яхши ўтди. Меҳмонлар машина энди ювилиб «топ-тозан бўлиб қолганини айтиб, тарқалишди.

...Қорлар эриб, ер юзи очила бошлаганда, Зухриддин машинани кўчага ҳайдаб чиқди. Болаларини, Сарвархонни шаҳарда роса айлантирди. Кун ботиб, ғира-шира қоронғида уинга қайтаётган, қўшинлари — етмишлардан оқшан Ҳожи ота ҳассога таяниб турган экан. Саломга юзланган Зухриддинни:

— Кўтлуг бўлсин, болам! Буорсин, буорсин, — деб қарши олди. Зухриддин куллук қилди. Ҳожи ота энгашиб, машина ичга қаради. Болаларни дуо қилиб, сўнг муддаога кўчди.

— Узим машина олгандай севиндим, болам, ёмон кўздан асра син. Болаларингни ташлаб чиқиб, масжидга олиб бориб қўй. Намозшомни ўқиб келай.

Шунча ёшга қириб, маҳаллада бировнинг гапини қайтармаган Зухриддин «Хўп бўлади», деди-да,

Ҳожи отани бирпасда маскида етказди. Ҳожи ота намозни ўқиши билан дарров чиқиб туришга кўтиб туришни тайинлади.

Дарҳақиқат, шом бир неча минутда ўқиб бўлинди. Ҳожи ота уч мўсафидни бошлаб чиқди.

Зухриддин машинага беш киши ўтириши мумкин эмаслигини тушунтироқчи бўлдию истиҳоло қилди:

— Бажонидил. Марҳамат! — деганча эшикларни очди.

Эртаси эрталаб мактаб директори машинанинг «оёғини кўрмоқчи» эканини айтиб қолди. Зухриддиннинг дарсини бошқа ўқитувчи ўтиб қўядиган бўлди. Шаҳар маориф бўлимига, ундан область маориф бўлимига боришди. Директор икки ерда мажлисда бўлди. Зухриддин кўтиб турди. Сўнг директор магазини-магазини юриб, хотинига дурустроқ лайпоқ ахтарди. Кеч кирганда, Зухриддин ҳориб-чарчаб уйга келди.

Сарвархон Зухриддинни аммаси йўқлаб келганини, Учқўрғонда бир қариндошлари тўй қилаётганини, машинасида элиб қўйишни сўраганини айтди. Апил-тапил овқатланиб чиқиб кетган Зухриддин тонга ақин қайтди.

Эртасига илмий мудир билан тажриба алмашгани районга бориб келишди. Индинига маориф бўлими инспекторининг хотинини либослар ательесига, қандайдир қариндошлариникига олиб бориб, кўнни кеч қилди. Кейинги кун ўзини ўрнига дарс ўтиб турган ўқитувчини бола-чақаси билан шаҳар айлантириб келди.

Хуллас, кунлар ўтиб борарди. Зухриддин эса, гоҳ оч, гоҳ чарчоқ холда рулга ўтириб, толганини бензинга сарфларди. Эрталаб машинани миниб кетганича ярим кечада, гоҳ тонга ақин, хотини, бола-чақалари ширин уйкуда ётганларига қайтарди. Қайтардию телефон аппарати ёнидаги Сарвархон ёзиб қўйган рўйхатни ўқирди: таниш-билишлар телефон орқали унинг эртанги маршутини белгилаб берган бўлишарди.

Эрталабдан кечгача машина

ҳайдаш осонми! Миқтигина Зухриддиннинг кўзлари киртайиб, устихонигина қолди. Кийим алмаштириш у ёқда турсин, соқол олишга ҳам вақти бўлмасди. Мактабга ҳам онда-сонда келадию гоҳ касир билан банкка, гоҳ директор билан кенгашга жўнарди... Тўйхоналар эшигида, идоралар олдида соатлаб қолиб кетганда Зухриддиннинг хўрлиги келар, йиғлаб юборишдан зўрга ўзини тутарди. Шуниси борки, қанча елиб-югурмасин, ҳамманинг кўнглини ололмас эди.

Шу тариқа ўқув йили аяқланди. Ана ўқитувчиси Зухриддин Дадахўжаев дарс берадиган синф болалари адабиётдан яхши билим олмаганликларини, ўқитувчи ўз ишига совуққонлик билан қараганини айтиб, роса дўппослашди.

— Қачон қараса, машинада киракшлик қиласиз. Аввал ишни ўринлатиб қўйиш керак,— деб директор ҳам Зухриддинни узиб олди.

Зухриддин ярим кечада қайтса, қаравоти устида Сарвархоннинг хати ётибди: «болаларни соғинадигизми? Шунча ҳам тошбағир ота бўладими? Е машинани денг, ё бизни!»

Қараса, уйда ҳеч ким йўқ! Кейин кўшниси айтди: хотини болаларини олиб онасиникига кетиб қолибди. Дард устига чиққон бўлди. Ҳамма «савоб»лардан воз кечиб, шу кунни уйда қолди. Соқолини қириб, янги костюминини кийди. Уйлаб қараса, ўша биринчи бор машина миниб кўчага чиққан кундан бери, болаларини тузукроқ эркатламабди. Оиласи билан бамайлихотир бир дастурхонда овқатланмабди. Биронта китоб ўқимабди.

Е оила, ё машина! Утириб, машинани давлатга топшириш тўғрисида ариза ёзди.

Зухриддин Дадахўжаев лотерея билети олмайдиган бўлди. Нега десангиз, яна машина ютиб қолишдан қўрқади.

Ҳабиб САЪДУЛЛАЕВ

Наманган



I. ГЕОГРАФИЯ ЧАЙНВОРД

1. Чучук ва шўр кўл. 2. Сурхондарёдаги район. 3. Шарқий Европадаги дарё. 4. Африкадаги давлат пойтахти. 5. Ўрта денгиз бўйидаги давлат. 6. Нид Утадиган мамлакат. 7. Осиёдаги давлат. 8. Европадаги энг кичик мамлакат. 9. Жаҳонда энг катта орол. 10. Қариб денгиздаги орол. 11. Европа жанубидаги энг баланд тоғ. 12. Жанубий Америкадаги катта дарё. 13. Узоқ Шарқдаги дарё. 14. Шарқий Осиёдаги давлат пойтахти. 15. Африкадаги буюк дарё. 16. Европадаги энг катта кўл.

II. АДАБИЯТ ЧАЙНВОРД

1. Шухрат романи. 2. А. Қаҳҳор романи. 3. Ойбек романининг қаҳрамони. 4. Айний романининг қаҳрамони. 5. «Робинзон Крузо»нинг муаллифи. 6. Шекспир асари. 7. Халқ ёзувчиси. 8. Ҳ. Олимжоннинг шеърлар тўплами. 9. Лермонтов пьесаси. 10. Туркман адабиётининг йирик романи. 11. М. Горький ҳикояси. 12. Ўзбек халқ озаки иккинчи жанри.

Тузувчи **Турғунбой ОРИПОВ**

Шаҳрихон

9-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 5. Сумалак. 6. Гагарин. 9. Можайский. 12. Бодом. 13. Аморф. 14. Пахта. 17. Қармоқ. 18. Қудрат. 19. Комета. 21. Шанхай. 24. Эркин. 25. Афина. 26. Қозон. 29. Камзолли. 30. Керосин. 31. «Парвона».

Бўйига: 1. Суворов. 2. Майор. 3. Дания. 4. Кислота. 7. Қаймоқ. 8. Исриқ. 10. Қоработир. 11. Тамирашон. 15. Ампер. 16. «Одина». 20. Ҳафиза. 21. Шинель. 22. Архимед. 23. Тошкент. 27. Париж. 28. Ширач.

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редакц. лля: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Исқандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиль РУЗИБОВЕВ (бош расом), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Қомил ЯШИН.

«Гулистон» — общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Корректор Т. БАХРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адреснияз: Тошкент, 47, Карл Маркс кўчаси, 30-уй. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 33-35-90; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-35-19; фан ва маданият бўлими — 33-35-19.

Босмахонага туширилди 13/IX-71 й. Босишга русхат этилди. 18/X-71 й. Қоғоз 70×1081/8. Ҳажми 4 босма тобоқ.

P-12894. Буюртма 1106. Тиражи 169274. Ваҳоси 30 т. Нашир. А-3574.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент.



